R 496
2003/2

# Guliston

2003/2


SIRDARYO
viloyati —
mehmonimiz

**Абдураҳим ЖАЛОЛОВ**
Сирдарё вилояти ҳокими

# Катта бойлигимиз — ОДАМЛАРИМИЗ

Мирзачўл... қадим манбаларда келтирилган "олчоқ чўл", "аждаҳо чўл" каби тавсифлар бу ўлкага назар солганларда қўркув уйғотган. Маҳаллий аҳоли эса бу ерни "қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган воҳа" деб таърифлаган. Чўлнинг узоқ ўтмиши афсоналарга, айтимларга бой. Қолаверса, Мирзачўл Буюк ипак йўлининг қоқ ўртасида жойлашганлиги билан боғлиқ ривоятлар ҳам кам эмас. Айтишларича, бир замонлар Чиноздан Жиззахгача бўлган ораликда аҳоли зич яшаган. Бунда экинзорлар, дарахтзорлар яшнаб, кўзни қувонтирган. Бизгача етиб келган кўплаб айтимларда қаҳрамонлик тушунчаси мангу қумликлар, тўқай ва тақир ердан иборат бўлган чўлни ўзлаштириб, ундан ризқ-рўз ундирган олижаноб деҳқон тимсолида ҳам гавдаланган.

Сирдарё воҳаси Сўғдни Чоч, Фарғона орқали Хитой билан боғлайдиган муҳим нуқтада жойлашганлиги сабабли ўтмишда бу ерда қадимдан аҳоли яшаб келган. Ҳозирги Сирдарё вилояти ҳудудида 2,5—3 минг йиллик тарихга эга бўлган Ховос, Сағанатепа, Хонтепа, Совот сингари аҳоли манзилгоҳлари мавжуд бўлган. Амир Темур ҳукмронлиги даврида қурилган "Сардоба-оғочли" манзилгоҳи Сардоба тумани ҳудудида ҳозиргача сақланиб қолган. Буюк ипак йўли бўйидаги бундай бунёдкорлик аждодларимизнинг нималарга қодирлигини яққол намойиш этиб турибди.

Шуни таъкидлаш жоизки, дунё тарихида илк бор ерни комплекс ўзлаштириш айни бизнинг вилоятимизда амалга оширилди, яъни асрлар бўйи қақраб ётган чўлга сув чиқариш билан бир пайтда йўллар қурилди, турар жойлар ва бошқа маиший инфраструктура вужудга келтирилди. Мирзачўл тажрибаси кейинчалик Жиззах, Қарши, Шеробод чўллари ва бошқа ҳудудларни ўзлаштиришда кенг қўлланилди. Шунга қарамай, Мирзачўлнинг янада юксалиши, янги тарихи Ўзбекистон мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқ, дейишга тўла ҳақлимиз.

Сирдарё вилояти 1963 йилда ташкил этилган бўлиб, шимолда Қозоғистон, жанубда Тожикистон республикалари билан чегарадош. Ер майдони 42,3 минг квадрат километрни ташкил этади, 700 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади.

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида вилоятда катта кўламдаги ишлар амалга оширилди. Айни шу даврда иш бошлаган "Сардоба-Давр-ЛТД", "ТоЯн", "МосЯнтекс", "Б.Алтай-Сервис", "Сайхунмедтекс", "Лечивофармсаноат", "Лола-модел" каби қўшма корхоналар бугунги кунда кенг фаолият юритмоқда.

Мустақиллик йилларида 133 та қишлоқ врачлик пункти, 2 та академик лицей ва 25 та касб-ҳунар коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2004-2009 йилларда вилоятда 8 та янги мактаб қурилиб, 85 та мактаб капитал реконструкция, 109 та мактаб капитал ва 70 та мактаб жорий таъмирланиши мўлжалланган.

Ўз тарихини ўтган асрнинг охирларидан бошлаган, ҳозирги пайтда вилоят маркази ҳисобланган Гулистон шаҳри кейинги йилларда бутунлай ўзгача қиёфа касб этди. Кенг ва равон кўчалар, шарқ меъморчилик андозаларига мос равишда қурилган "Маънавият ва маърифат" маркази, "Хотира" майдони, "Алпомиш" спорт маркази, Марказий банк биноси, Академик лицей ва бошқа бинолар шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди. Мустақиллик майдони реконструкция қилинди.

Сирдарёнинг энг катта бойлиги — меҳнаткашларимиз. Ахир, ўзингиз ўйланг, йилнинг тўққиз ойида тезлиги секундига 10-15 метрга етадиган шамол эсувчи бу юртда яшашнинг ўзи қаҳрамонлик эмасми? Бу ерда муқим яшаб кетиш учун инсон фидойи, сабр-бардошли, бир сўз билан айтганда, иродаси метин бўлиши керак. Сирдарёликлар ана шундай







*ижтимоий-сиёсий, илмий-бадиий, маданий-маърифий, безакли журнал*

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган.

Муассис:

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги**

**Бош муҳаррир**
**Азим СУЮН**

Таҳрир ҳайъати:
**Ўткир ЖЎРАЕВ**
**Рустам ИСМАТУЛЛАЕВ**
**Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ**
(бош муҳаррир ўринбосари)
**Абдусаид КЎЧИМОВ**
**Гулистон МАТЁҚУБОВА**
**НИЛУФАР**
**Абдулла ОРИПОВ**
**Неъматулла РАСУЛОВ**
**Жўрақул ТУРСУНҚУЛОВ**
**Ўктамхон ХОЛДОРОВА**
(масъул котиб)
**Комил ЮСУПОВ**
**Раҳмон ҚЎЧҚОР**
**Азамат ҲАЙДАРОВ**

навбатчи муҳаррир:
**Манзура ШАМС**




*Босишга 07.04.2005 да топширилди. Қоғози 60x84 1/8. Ҳажми 6,0 босма табоқ.*
*Буюртма № 59*
*Таҳририят манзили: 700029, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
*Телефонлар: Қабулхона: 136-56-01. Бош муҳаррир ўринбосари: 133-08-57*
*Масъул котиб: 133-07-94. Факс: 133-08-57*

Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхона босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент ш. Ҳ.Сулаймонова кўчаси, 33 - уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 091 — рақам билан рўйхатга олинган.

ватанпарвар, фидойи.

Сирдарё, Президентимиз таърифлаганларидек, деҳқончилик тажрибаларини бойитган, қўриқ воҳа шон-шавкатини кўтарган, ўзбек деҳқонининг тадбиркорлиги, беқиёс куч-қудратини кўрсатган номдор инсонлар ватанидир.

Сирдарё асосан аграр тармоққа ихтисослашган вилоят ҳисобланади. Шўро даврида монокультура сиёсати вилоятдаги мавжуд ер ресурсларидан самарасиз фойдаланишга олиб келди. Ўша пайтларда ҳатто аҳоли томорқаларига ҳам чигит эккан хўжаликларни учратиш мумкин эди. Ерга узлуксиз равишда пахта экавериш, заҳарли ўғитларни ишлатиш зироатчиликни издан чиқарди. Ер ҳам, ундан мўл ҳосил олишга интилаётган деҳқон ҳам чарчади. Фақат мустақиллик йилларидагина деҳқончиликка илмий ёндашиш, ҳосил чўғинигина эмас, аҳоли соғлигини, ижтимоий-иқтисодий аҳволини ҳам ўйлаш аграр тармоққа янгича назар солиш имкониятини берди.

Аграр тармоқдаги оқилона сиёсат самараси ўлароқ юртимиз, жумладан, қўриқ Сирдарё вилоятида деҳқончиликка янгича муносабат вужудга келди. Меҳнатдан манфаатдорлик, ерга эгалик ҳиссини уйғотиш, мулкчилик шаклларини деҳқон психологиясидан келиб чиқиб белгилаш каби муҳим масалалар чуқур таҳлил қилинди ва бу борада узоқ муддатли дастурлар ишлаб чиқилди. Очиғи, қўриқ вилоят мамлакатимизда олиб борилаётган изчил аграр сиёсатдан ҳеч маҳал четда қолган эмас. Кейинги вақтларда қатор сабабларга кўра аграр соҳада бир оз ортда қолаётган вилоят айни дамда қолоқликдан аста-секин чиқишга ҳаракат қилмоқда.

Юртбошимиз 2004 йил 26 ноябрда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида қилган маърузаларида ана шу қолоқликнинг туб сабабларини чуқур таҳлил қилиб бердилар. Маърузада, шунингдек, вилоят истиқболи билан боғлиқ муҳим масалалар, аниқ таклифлар ҳам ўртага ташланди.

Жорий йил вилоят ирригация ва мелиорация ишларига 5,9 млд. сўм маблағ ажратилди. Бу борадаги ишларни амалга ошириш мақсадида вилоятга 21 дона замонавий эксковатор, 5 та бульдозер каби техник воситалар келтирилди. Бугунги кунгача 180 километр хўжаликлараро каналлар, 170 километр хўжалик ички тармоқлари, 22 километр латоклар, 250 километр ички зовурлар, 190 километр ёпиқ-ётиқ зовурлар тозаланди. Бу эса вилоятда кейинги 10 йил мобайнида қилин-ган ишлардан анча кўпдир.

Аграр тармоқнинг сурункали қолоқликка юз тутиши кузги-қишки тадбирларнинг вақтида ўтказилмаганлиги натижасида юз берганлиги аниқ бўлиб қолди. Деҳқончиликнинг асоси бўлган шудгорлаш, шўр ювиш, маҳаллий ўғит чиқариш каби тадбирлар рисоладагидек бажарилмагани боис, ер майдонларининг унумдорлиги пастлаб кетди. Ушбу тадбирларнинг кечикиши баҳорги экиш мавсумини ҳам ортга сурган. Техник ресурсларнинг етишмаслиги, таъмирлаш ишларининг асоссиз чўзилиши, қолаверса, умумий назоратнинг пастлиги ана шундай оқибатларга олиб келди. Президентимизнинг вилоят меҳнаткашлари олдига қўйган вазифаларни уддалашлари йўлида ҳукумат ҳам катта ёрдам бераяпти. Ана шу кўмак самараси ўлароқ вилоятга 200 дан ортиқ чигит экиш сеялкалари, 262 та культиватор, 26 дона ВТ-150 маркали ҳайдов техникалари келтирилди.

Ҳозир вилоятимизда битта экиш сеялкасига 110-120 гектар ер тўғри келади ва деҳқонларимиз кейинги 5-6 йилда биринчи маротаба чигит экишни 12-15 иш кунида тугаллашга бел боғлаб турибдилар.

Вилоят қишлоқ хўжалик оборотида бугунги кунда 250 минг гектар ер майдони мавжуд. Унинг қарийб 90 фоизи фермер хўжаликларига берилган. 2004 йилнинг ўзида 25 та, 2005 йили 20 та ширкат хўжаликларига тегишли ер майдонлари фермерларга тақсимлаб берилди. Вилоятда фермерлик ҳаракатига ҳам илмий ёндашишга ҳаракат қилинмоқда, яъни ер асл эгасига топширилмоқда. Шартномавий мажбуриятларини уддаламаган, ернинг умрини бекорга ўтказаётган мингдан ортиқ фермерлар тасарруфидаги ерлар хўжалик судлари орқали қайтариб олинди ҳамда тендер асосида қайта тақсимланди. Албатта, вилоятдаги фермерларнинг ҳаммаси ерга бир хилда яхши муносабатда бўлишяпти, имкониятлардан тўла





фойдалана олишяпти, деб бўлмайди. Бироқ шуниси аниқки, фермерлик ҳаракати ўзини оқламоқда. Зеро, Абдуқаҳҳор Эсиргапов (Сайхунобод тумани), Асатилла Бердиқулов (Сардоба тумани), Неъмат Раҳматуллаев (Сирдарё тумани) ва бошқа кўплаб фермерлар Мирзачўлнинг мураккаб шароитида гектаридан 25-30 центнердан пахта, 60-70 центнердан ғалла ҳосили олмоқдалар. Улар ушбу мулкчилик шаклининг афзаллигини исботламоқдалар. Бунинг маърифий ва амалий аҳамияти, шубҳасиз, каттадир.

Аҳолини иш билан таъминлаш, мактаб, лицей ва коллежларга ҳам фермерлар кўмагининг салоҳияти йил сайин ошиб бораётганини кузатиш мумкин. Қишлоқдаги ҳаётга, турмушга ким масъул, деган муаммонинг бевосита фермерлар воситасида ечилаётганлиги айни муддаодир.

Вилоятда ҳозир 305 та умумтаълим мактаби, 2 та академик лицей, 30 та касб-ҳунар коллежлари ҳамда Гулистон давлат университети ёшларимизга билим, таълим ва тарбия беришаяпти. Ушбу соҳаларда қабул қилинган қонун, ҳукумат қарорлари, давлат дастури изчиллик билан амалга оширилмоқда. Кейинги бир неча ой ичида ҳар бир мактаб ва касб-ҳунар коллежлари бўйича алоҳида дастурлар ишлаб чиқилди ҳамда тасдиқланди. Уларга кўра ҳар бир ўқув юртида яқин келажакда амалга ошириладиган ишлар ва ижрочилар аниқ белгилаб олинди. Шуниси диққатга сазоворки, анчадан бери амалга ошмаётган айрим ишларда ҳам силжиш кузатилмоқда. Масалан, мактабларнинг атрофини ўраш, уларда ҳавфсизликни кафолатлаш ҳақидаги масалалар ўз ечимини топмаётган эди. Ҳозир ўқув юртлари ҳудудларини замонавий, шинам девор билан ўраш, мактабларда битирувчилар боғлари ташкил этиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Вилоят ҳокимлиги қарорига кўра ҳар бир мактаб етарлича боғ майдони, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари билан таъминланди.

Вилоятда «Сиҳат-саломатлик йили» дастури доирасида кенг миқёсли ишлар бошлаб юборилди. Барча ташкилот, муассаса, корхона ва ўқув юртларида ҳар бир фуқарога ушбу йил мазмун-моҳиятини англатиш, унга мамлакатимиз, жумладан, вилоятимизни ривожлантиришнинг янги бир босқичи сифатида қарашни шакллантириш борасида турли чора-тадбирлар режалаштирилмоқда. Сиҳат-саломатлик нафақат соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари вазифаси, балки ҳар бир кишининг ҳаётий эҳтиёжига айланмоғи лозимлиги уқтирилмоқда. Вилоят «Маънавият ва маърифат» маркази, "Нуроний", "Маҳалла" жамғармаларининг вилоят бўлимлари, жамоат ташкилотлари, партиялар, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, ўқув юртлари, оммавий ахборот воситалари «Сиҳат-саломатлик йили» дастури доирасида жойларда аҳоли билан бевосита мулоқотлар ўтказмоқдалар. Унда ўзини-ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар қўмиталари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати сингари ташкилотлар вакиллари иштирок этиб, аҳоли ҳаёт тарзини яхшилаш, соғлом турмушни тарғиб қилиш бўйича ишлар олиб бормоқдалар.

Сирдарё бошқа вилоятларга нисбатан ёш ҳисобланади. Ташкил этилганига эндигина қирқ йилдан ошган вилоятда фақат шу воҳага хос ва мос бўлган қадриятлар шаклланиб улгурган. Айни кунларда кўчаю ҳиёбонлар, гузару мавзеларни ободонлаштириш вилоятнинг янги қадриятларидан бирига айланиб бормоқда. Вилоятнинг ҳар бир туманида камида 3 гектар ер ажратилиб, уларда чўл шароитига мос кўчатларни етиштириш бўйича қарор қабул қилиб, ишга киришилди.



Вилоятда Наврўз умумхалқ байрами бу йил ҳар қачонгидан бошқача, расмиятчиликдан йироқ, халқимизнинг ижодкорлигига кенг ўрин берилган ҳолда ўтказилди. Ҳар бир ҳудудда сайл уюштириш, халқимизнинг азалий удумларини, миллий қадриятларини намойиш этиш асосий мақсад қилиб қўйилди. Зеро, ушбу байрам фақат кўнгилхушлик эмас, балки меҳнат йилининг ибтидоси сифатида ҳам қадрлидир. Шу маънода, халқ ардоғидаги шоир, бахши ва хонандалар узоқ қишлоқларга бориб ўз санъатларини намойиш этдилар.

Вилоят аҳли "Сайхунмедтекс", "Лечивофармсаноат", "Лоламодел" қўшма корхоналари билан ҳақли суратда фахрланади. Вилоятнинг жами саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар салмоғи 8,5 фоизга, маҳсулот экспортида 4,4 фоизга ва маҳсулот импортида 64,7 фоизга тўғри келади. Бундай корхоналар томонидан амалга оширилаётган импорт ҳажмининг асосий қисмини машина ва асбоб-ускуналар ташкил этади.

Ҳозирги кунда уларда 1751 иш ўрни ташкил этилган бўлиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 147 фоизга кўпайган. Вилоятга хориж инвестициясини киритиш эса давом этмоқда. Бугун хориж инвестицияси иштирокидаги корхоналар сони 12215 тага етди. Муҳими шундаки, ялпи маҳсулотда тадбиркорлик улуши 61,3 фоизни ташкил қилади.

Ишлаб чиқариш билан бир қаторда аҳолини соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Кейинги бир неча йил ичида Гулистон шаҳрида "Алпомиш", "Бокс", "Шоҳруҳ" каби спорт саройлари ишга туширилди. "Ёшлар" спорт маркази, "Сайхун" болалар спорти мажмуаси, 15 минг томошабинга мўлжалланган "Гулистон" стадиони, теннис кортлари, "Дельфин" сузиш ҳавзаси, жами 128 та спорт мажмуалари спортчилар ихтиёрига топширилди. Спортнинг оммавийлигини таъминлаш йўлида ишлар барқарор олиб борилмоқда.

Вилоятимиз спортчиларидан тўрт нафари: спортнинг бокс тури бўйича Ш.Абдурахмонов, эшкак эшиш бўйича В. Черненко, Р.Нарзуллаев ва С.Богдановлар 2004 йил Афинада ўтказилган олимпиядада қатнашдилар. Вилоятимизда ривож топган 35 спорт тури бўйича республика терма жамоаларининг 19 тасига вилоятимиз вакиллари аъзо бўлишган. 2004 йил якунларига кўра 260 нафар спортчимиз Жаҳон, Осиё, Халқаро ва Республика мусобақаларида ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олишди. Жумладан, Кикбоксинг бўйича жаҳон чемпионлари А.Абдуллаев, Ж.Кўчмуродов, Армрестлинг бўйича Осиё чемпионлари Ф.Усмонов, Ф.Худоёров, А.Ўроқов, Таэквон-до бўйича халқаро турнир ғолиблари Р.Олтмишев, А.Атабоев, Дзю-до бўйича халқаро турнир ғолибаси Э.Соатовалар вилоятимиз ифтихорлари ҳисобланишади. Бугунги кунга келиб, вилоятимизда спорт билан мунтазам шуғулланувчилар сони қарийб 200 минг кишига етди.

Барча турдаги ўқув юртларини малакали тренер кадрлар билан таъминлаш, иқтидорли спортчиларни аниқлаш ва жаҳон ареналарига олиб чиқиш борасида ҳам мақсадли ишлар амалга оширилаяпти. Бу борада болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳам талайгина ишларни амалга оширмоқда.

Аҳоли кайфиятини белгилайдиган яна бир мезон бор. Бу —бозорлар. Вилоятда бозорлар сони ҳозирги кунда 37 тага етди. Арзончилик бўлса, аҳоли истаган буюмини бозордан топса, ортиқча маҳсулотларини бемалол сотиш имкониятига эга бўлса, савдо-сотиқдан норозичилик бўлмайди. Бозор талаб ва таклиф учрашадиган нуқта бўлгани учун ҳам биз бозорларда ўринларни, расталарни кўпайтириш, уларнинг санитария ҳолатини яхшилаш устида мунтазам иш олиб бормоқдамиз.

Шаҳар ва туман бозорлари ҳам ўрганилиб, аҳволни яхшилаш чоралари кўрилмоқда. Бозор ҳамма учун қулайлик яратиб берадиган жой бўлиши лозим. Бозор билан боғлиқ барча чора-тадбирлар ана шу шарт асосида амалга оширилмоқда.

Вилоятимиз бозорларини айланган, тўй-томошаларида иштирок этган, байрамларини кузатган киши ажойиб манзараларнинг гувоҳи бўлади. Оммавий тадбирларда сирдарёликларнинг кўпмиллатли қиёфаси яққол кўзга ташланади. Ҳозир вилоятимизда қарийб юзга яқин миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек яшамоқдалар. Бу ердаги турли миллат вакиллари ўзбек тилида бемалол гаплаша оладилар. Вилоят раҳбарлари таркиби ҳам йигирмадан ортиқ миллат вакилларидан иборат. Олдинги йил охирида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайлов ҳам вилоятнинг ўзига хос менталитетини янада ёрқин намоён этди. Маҳаллий Кенгашга сайланган 370 нафар депутатлар турли миллат вакилларидир. Сенаторлар орасида эса шоир ҳам, ўқитувчи ҳам, фермер ҳам бор. Ана шунинг ўзида ҳам Сирдарёнинг қиёфаси акс этиб турибди.

Сирдарёликларни ягона истак бирлаштиради: Сирдарёни юксалган, илғор вилоятлар қаторига етказиш, турмушини тўкин-сочин қилиш ва қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш.

Шунинг учун ҳам Сирдарёнинг энг катта бойлиги меҳнаткаш, заҳматкаш, табиатнинг синовларига дош бериб, ҳалол ва фидокорона меҳнат қилаётган одамларидир, деб фахр билан ботбот таъкидлаш мумкин.

# САДОҚАТ ИПЛАРИ

Халқимизда: “Юз йилда юрт, эллик йилда эл ўзгарар” деган гап бор. Бу ҳикмат кўп йиллар, асрлар давомида шаклланиб, сайқалланиб, ўз исботини топгани айни ҳақиқат. Лекин ҳозирги кунда унга озгина ўзгартириш киритиш зарурга ўхшаб қолди. Чунки Истиқлол туфайли юртимиз ҳам, элимиз ҳам эллик ёки юз йилда эмас, кун сайин, ой сайин ўзгариб бораяпти. Бу биргина бизнинг хўжалигимиз мисолида ҳам яққол кўриниб турибди.

Сирдарёнинг Фарғонаси ҳисобланмиш Боёвут тумани бу йил ўзининг ярим асрлик тўйини нишонлайди. Аслида, туман ва унинг таркибидаги айрим хўжаликлар тарихи ундан-да узоққа бориб тақалади. Масалан, бизнинг хўжалигимиз 1925 йилда ташкил этилган эди. Шунга ҳам 80 йил бўлаяпти.

Шуни фахр билан айтамизки, хўжалигимиз ўтган йиллар давомида етиштирган пилласи, ғалласи ва пахтаси билан бутун мамлакатга танилди. Энг муҳими, меҳнаткаш, билимдон ва зукко, эртанги кун ташвишлари билан яшайдиган одамлар I-Боёвутни бугунги даражага олиб чиқишга катта куч ва меҳнат сарфладилар. Хўжалик билан биргаликда одамларнинг ўзлари ҳам юксакликка кўтарилдилар, тилга тушдилар. Биз азал-азалдан ҳисоб-китоб билан, киндик қони тўкилган она юрти ва оиласининг фаровон, тўнкин-сочин яшаши учун астойдил ишлайдиган ана шундай меҳнаткаш халқ фарзандлари бўлганлигимиз билан ғурурланамиз.

Кексаларнинг айтишларича, чўлга биринчи бўлиб келган I-Боёвутликларнинг дастлабки авлодлари асосан ертўлаларда истиқомат қилишган. Иш қуроллари омочу ҳўкиз, камқувват “Универсал” тракторларидан иборат бўлган. Бугунги кунда эса бу ерда 4 мингга яқин оила, 17 мингдан ортиқ аҳоли турмуш кечирмоқда. Бир-биридан чиройли уйлар, кенг кўчалар, шинам боғлар, буларнинг бари халқнинг меҳнати туфайли дунёга келган.

I-Боёвутликлар хўжаликни оёққа турғазиб, унинг ҳар томонлама юксалишига муносиб ҳисса қўшган турли миллат вакиллари хотирасини эҳтиром билан ёдга оладилар. Масалан, байрам ва тантаналарда Тилов Абдалиев, Боймирза Холмирзаев, Бобо Умрзоқов, Музаффар Сафаров, Петр Белявцев, Эргаш Алиев, Мўмин Каримов, Маҳмуджон Абдурайимов, Набижон Мўминов, Наби Эгамназаров, Нарзиқул Мусаев, Раҳмонқул Қамбаров, Дмитрий Гараев, Абдураҳмон Омонтоев, Одил Мавлонов сингари зотларнинг номлари ҳурмат билан тилга олинади.

Хўжаликда узоқ йиллар ҳалол, сидқидилдан ишлаб, ҳозир нафақага чиққан Абдусамат Саидмуродов, Абдуғани Мингбоев, Муқим Эгамназаров, Аҳмад Кенжаев, Йўлдош Маллаев, Саидмурод Тўлиев, Уммат Бобоев, Ўскан Қобулов каби юзлаб бободеҳқонларнинг ҳурмат-иззати жойига қўйилаяпти. Ҳар йили тўкин дастурхон ёзилиб, фахрийларга совға-салом топширилади.

Минг ишчига бир бошчи, деганларидек, I-Боёвутга турли йилларда Қуддус Рашидов, Содиқ Отахонов, Тошбой Шойимов сингари ишчан ва талабчан раҳбарлар бошчилик қилишди. 1998 йилдан буён бундай шарафли вазифа каминага юклатилган экан, мен бу билан беҳад фахрланаман. Шу билан биргаликда раҳбар

сифатида ўзимга юклатилган масъулият юки ўн карра ортганлигини юрак-юракдан ҳис этаман. Чунки хўжаликни янада юксалтириш ҳамда 80 йиллик тўйига муносиб тўёна ҳозирлаш вазифаси айни бизнинг “командамиз” зиммасига тушган. Ота-боболар ишини садоқат билан давом эттириш бизда анъана тусига кириб, қон-қонимизга сингиб кетган. Шу сабабли бу вазифани муваффақиятли адо этиш учун бор куч ва имкониятларимизни ишга соламиз.

Юқорида юртимиз ҳам, элимиз ҳам кун сайин, ой сайин ўзгариб бораётганини бежиз тилга олмадик. Чунки истиқлолдан кейин деҳқон “қайта туғилди”. У энди далага кунни ўтказиш учун эмас, ишлаш, фойдали меҳнат қилиш учун боради. Ер ўзиники, унинг тилини яхши тушунади. Экинни қачон экиш, қачон суғориш, қачон йиғиб-териб олишни ўзи белгилайди. Уруғлик сифати, маҳсулот нави учун талашиб-тортишади. Чунки у бугун харажат, даромад, фойда-зарарларни жуда яхши тушуниб олди. 2004 йилда пахтачиликдаги 156 та, ғаллачиликдаги 96 та оила пудрати ана шу йўсинда иш юритиб, кам бўлгани йўқ.

Шуни таъкидлаш керакки, пудратчилар бизнинг асосий таянчимиз ҳисобланадилар. Хўжаликдаги мавжуд 5536 гектар экин майдони уларга тақсимлаб берилган. Ҳосил учун, пировард натижа учун бош пудратчи жавоб беради, биз эса уларни зарур техника ва ўғит билан таъминлаймиз. Шу сабабли пудратчини танлаш, ерни ҳақиқий эгасига топшириш жуда муҳим ҳисобланади. Мана шу талабларга жавоб бера оладиганлар ер-мулк соҳиби бўлаяптилар.

Хўжалигимиз деҳқонлари 2004 йилни барча соҳалар бўйича муваффақиятли якунладилар. Масалан, ғаллачиликда меҳнат қилган 96 та оилавий пудрат

аъзолари давлатга 4000 тоннадан зиёд дон топшириб, шартномавий режаларини ортиғи билан адо этдилар. Бунда ҳосилдорликни 48-54 центнерга етказган Анвар Алибеков, Ҳайдар Каримқулов, Дилшод Ҳакимов, Хайрулла Раҳмонбердиев, Мурод Эгамназаров, Сафар Нурматов, Турдимурод Жўраев бошлиқ пудратчилар меҳнатини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Пахтачилик хўжалигимизнинг йил сайин юксалиб бораётган тармоғига айланиб қолди. Ўтган йили давлатга 7520 ўрнига 7600 тонна пахта сотиб, ҳосилдорликни 29 центнерга етказган бўлсак, буларнинг барига қатъий интизом, меҳнат туфайли эришдик. Пахтакорлик номи, шаъни бизни шундай ишлашга даъват этди.

Оилавий пудрат пахтачиликда ҳам ўз қудратини кўрсатди. Масалан, Акбар Муллачаев, Исмат Мавлонов, Рустам Холиқбердиев, Темир Эшонқулов, Хурсаной Мўттиева, Умарқул Маматқулов, Бердимурод Тўлиев, Ҳайитбой Гулмуродов, Жўра Назаров сингари ўнлаб пудратчилар 30-35 центнердан ҳосил олиб, умумий хирмонимизга муносиб ҳисса қўшдилар. Даромад ҳам, мукофот ва ҳурмат-иззатлар ҳам шунга яраша бўлди.

Мен юқорида хўжалигимизнинг етакчи икки тармоғи ҳақида, унда меҳнат қилаётган пудратчилар тўғрисида қисқача тўхталиб ўтдим. Бундан қандай хулоса чиқариш мумкин?

Ҳаммамиз йил-ўн икки ой елиб-югурамиз, ишлаяпмиз, меҳнат қилаяпмиз деймиз. Лекин меҳнат билан меҳнатнинг фарқи бўлади. Кимки оқилона, ҳисоб-китоб билан иш юритса, ўша ютади. Мен ҳамқишлоқларимни ана шундай тадбиркор, ишбилармон кишилар сирасига қўшгим келади. Аслини олганда улар бирданига шундай бўлиб қолишгани йўқ. Замон талаби, эртанги кунни, келажакни ўйлаш, туғилиб ўсган эл-юртига муҳаббат ва ниҳоят, садоқат туйғуси ҳамқиш-лоқларимни "янгича одам" бўлишга ундаяпти.

Яна бир гап. Экин майдонимиз етарли, шунга яраша техникамиз ҳам бор. Эндиликда ундан янада самарали фойдаланиш йўлларини излаяпмиз. Вақти келганда пудратчи ҳам, механизатор ҳам ўзларини "сен", техникасини "сиз" деб, меҳнат қилаяпти. Мақсад ортиқча харажатга, ортиқча чиқимга йўл қўймаслик, даромад ва фойда олишни кўпайтириш. Демак, янги техника, иш қуроллари сотиб олишга ҳозирча ҳожат йўқ.



Ўрни келганда шуни айтишим мумкинки, меҳнатимиз ҳисобига катта даромад олаяпмиз. Уни меҳнаткашларимизнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ҳамда турмуш даражасини янада яхшилашга йўналтираяпмиз. Хўжалигимиз ҳудудида катта ҳажмдаги ободонлаштириш ва қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Масалан, Муқимий номли маҳаллада лойиҳа қиймати 160 миллион сўмлик бўлган спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Фермерлар ва бошқа саховатпеша инсонлар кўмагида бу ерда катта ҳажмдаги иш бажарилди. Бугунги кунда мазкур иншоот маҳалла кўркига кўрк қўшиб турибди.

Бошқа яна бир-иккита мисолни айтиб ўтай. Олдинлари "Ўзбекистон" маҳалласида аҳолига хизмат кўрсатиш шаҳобчалари тарқоқ ҳолда жойлашган эди. Ўтган йили маҳалла гузари қуриб, уларни бир жойга жамладик. "Озодлик" бўлимидан марказий бўлимга 2 километр узунликдаги газ қувурлари ётқизилди. Бундан ташқари, ижтимоий соҳани янада яхшилаш юзасидан кўплаб ишлар қилинмоқда.

Одамларда юз бераётган ўзгаришлардан яна бири шуки, уларда ўзларига бириктирилган деҳқон хўжалигидан унумли фойдаланиш, шинам уй-жойлар қуриш ва яхши яшашга интилиш кучайди. Натижада, бошқа жойларда бўлгани каби хўжалигимиз ҳудудида ҳам янги маҳалла ва кўчалар, замонавий уй-жойлар бунёд этилмоқда. Буларнинг бари юртимиз жамоли кун сайин очилиб бораётганидан далолат беради.

Ҳа, қисқагина 14 йил ичида юртимиз ҳам, элимиз ҳам таниб бўлмас даражада ўзгарди. Энг муҳими, ҳамқишлоқларимизда эртанги кунга интилиш, келажакка ишонч билан қараш кучайди. Уларни Ватан манфаати, эл-юртга садоқат билан хизмат қилиш истаги бирлаштириб турибди.

Садоқат иплари. Гарчи улар кўзга кўринмаса-да, ҳаётимиз йўлларини маржондек бир-бирига боғлаб туради. Ватанга, ота-боболар ишига садоқат, бурчга садоқат, халққа хизмат қилиш... Улар бир ип бўйлаб тизилиб, бутун умримиз мазмунини ташкил этади. Шуларни ўйлар эканман, садоқат иплари ҳеч қачон узилмасин, эл назаридан четда қолмайлик, деган фикрлар ўтди хаёлимдан.

***Ғофуржон Алиев,***
***Боёвут туманидаги 1-Боёвут ширкат хўжалиги раиси, халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши депутати.***

# Нуфузли илм даргоҳи

Истиқлол йилларида Гулистон Давлат университети республикамизнинг етакчи олий ўқув юртларидан бирига, вилоятнинг том маънодаги илм ва зиё масканига айланди. Ҳозирги кунда ушбу илм даргоҳида 8 та

факультет, 23 та кафедра, турли касбларга йўналтирилган бир неча лаборатория, ўқув марказлари ва 2 та академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Айни кунларда университетда 20 та бакалаврият йўналиши ва 6 та магистратура мутахассисликлари бўйича 3,5 мингдан ортиқроқ талаба билим олмоқда. Уларга 20 дан ортиқ фан доктори ва профессорлар, 90 га яқин фан номзодлари, доцентлар таълим бермоқдалар.

Университет жамоаси олий таълим тизими ўқув жараёнини замонавий талаблар асосида янада такомиллаштириш, ўқув-услубий манбалар билан тўла таъминлаш, информацион ва педагогик технологияларни кенгроқ татбиқ этиш, талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизимини такомиллаштириш, таълимга интерфаол методларни татбиқ этиш, профессор-ўқитувчилар малакасини оширишнинг узлуксиз тизимини яратиш ва амалга ошириш орқали ўзининг асосий мақсади, яъни вилоят мақомидан жаҳоннинг етук олийгоҳларидан бири даражасига олиб чиқишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ушбу эзгу ниятларни амалга ошириш учун университетда кейинги йилларда қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Аввалambор, ўқув жараёни анъанавий эмас, балки талабаларнинг мустақил шуғулланишлари учун қулай имкониятлар яратди.

Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг амалдаги рейтинг тизимини такомиллаштириб, ҳозирги кун Болонья декларацияси талаблари асосида кредитлар тўплашни Европа тизимига яқинлаштириш мақсадида унинг экспериментал варианти ишлаб чиқилди ва ўқув жараёнига татбиқ этилди.

Талабаларни зарурий адабиётлар билан таъминлашни яхшилаш мақсадида 360 дан ортиқ фанлардан замонавий педагогик технологиялар асосида маъруза матнлари яратилиб, нашр қилинди. Ушбу маъруза матнларига муқобил сифатида республикамизнинг етакчи олий ўқув юртларида тайёрланган маъруза матнлари олиб келиниб, кутубхонага топширилди.

Университет профессор-ўқитувчилари, вазирлик ва ректорат ўртасида тузилган уч томонлама шартнома асосида 100 га яқин фанларга дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилди, улардан 40 таси нашр қилинди, 26 таси эса

табақалашган блокли-бўлакли усулда ташкил этилди. Натижада, талабанинг бир вақтда ўрганадиган фанлари сонини 5-6 тага оширишга эришилди. Бу эса чоп этиш учун турли нашриётларга топширилди.

Олийгоҳда дарс бераётган барча профессор-ўқитувчилар махсус дастур асосида 4 босқичли

"Компьютер саводхонлиги", "Лотин ёзуви" ва "Замонавий ва информацион технологияларни ўқув жараёнида қўллаш", "Муаммоли таълим асослари" курсларида ўз малакаларини оширдилар.

Таълим жараёнига замонавий информацион технологияларни татбиқ этиш мақсадида ҳамма деканатлар, кафедралар, ўқув заллари ва хоналар тегишли компьютер ва техник воситалар билан жиҳозланди. Ҳозирги кунда 23 та компьютер синфи, 6 та замонавий ўқув зали ва 2 та аудио-видео синфлар талабалар учун хизмат қилмоқда. Университет кутубхонаси фонди 350 мингдан ортиқ ўқув ва илмий-оммабоп адабиётларни сақлайди. Унинг ўқув зали замон талаблари даражасида жиҳозланган бўлиб, унда "буюртмасиз эркин ҳолда фойдаланиш" тизими яратилган. 350 дан ортиқ фанлар бўйича электрон дарсликлар тўпланган. Ушбу электрон дарсликлардан ички локал алоқа тармоғи орқали барча кафедралардаги кичик кутубхоналардан туриб ҳам фойдаланиш мумкин.

Университетдаги мавжуд 400 га яқин компьютерларнинг ҳаммаси интернет тизимига уланган. Таълим жараёнига масофадан ўқитишни жорий этиш мақсадида махсус видеоконференция зали ташкил қилиниб, махсус монитор ва бошқа техник жиҳозлар билан таъминланди. Ушбу залда мамлакатимиздаги бошқа етакчи олий ўқув юртлари билан қатор халқаро ва республика анжуманлари ўтказилди. Юртимизнинг етакчи олимлари масофадан туриб, университетимиз аспирантлари ва магистрантларига таълим бермоқдалар.

Вилоятимизнинг асосий илм маскани ҳисобланган университет жамоасининг бош илмий-тадқиқот мавзуси "Замонавий университет моделини яратиш" бўлиб, қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

— грант лойиҳаси асосидаги илмий тадқиқотлар;

— инновацион тадқиқотлар;

— Ўз РФА тармоқ институтлари ва бошқа олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда олиб бориладиган илмий тадқиқотлар;

— хўжалик шартномаси асосидаги ишлар;

— диссертацион илмий-тадқиқотлар.

Кейинги йилларда университет олимлари томонидан 3 та халқаро ва 4 та республика грантлари бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди. Амалга оширилган ишлар юзасидан 30 дан ортиқ патентлар олинди. Грант лойиҳалари бўйича 3 та монография, 40 га яқин мақола чоп этилди. Грант лойиҳалари бўйича бажарилган ишлар миқдори 25 млн. сўмликдан ортиқдир.

Университет профессор-ўқитувчилари ЎзРФА Ботаника ИИЧМ, Зоология институти, Тил ва адабиёт институти, ТДИУ, ЎзМУ, ТДПУ, СамДУ ва бошқа ўнлаб таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари билан ҳамкорликда ўқув ва илмий, илмий-методик адабиётлар тайёрлаш устида иш олиб бормоқдалар. 3 та йўналиш бўйича илмий лабораториялар ишлаб турибди.

"Экспериментал биология" лабораторияси маҳаллий шароитда фаолият юритувчи ғаллачилик, пахтачилик илмий тадқиқот институтларининг Сирдарё филиаллари вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш бошқармаси, хўжаликлар ЎзРФАнинг биоорганик кимё, зоология, генетика ва экспериментал биология институтлари, IGARDA, IWMI, IPGRI халқаро ташкилотлари билан ҳамкорликда тадқиқот ишлари олиб борилаяпти.

Илмий даражалар учун олиб борилган изланишлар натижасида 3 та докторлик ва 25 дан ортиқ номзодлик диссертациялари муваффақиятли ҳимоя этилди.

Университет профессор-ўқитувчилари томонидан кейинги йилларда 15 дан ортиқ монография ва 1000 дан ортиқ мақолалар илмий журналларда чоп этилди. Шу жумладан, хорижий давлатларнинг илмий журналлари ва тўпламларида 60 дан ортиқ илмий мақолалар босилди.



Университетда кейинги йилларда 5 та халқаро ва 15 дан ортиқ республика анжуманлари ўтказилди. Ҳар йили профессор-ўқитувчилар ва талабалар анъанавий анжумани ўтказилиб, унда ўртача 250 нафар профессор -ўқитувчи ва 300 нафардан ортиқ талаба иштирок этади. Ўтказилган барча анжуманларда ўқилган маърузалар тўплам сифатида чоп этилиши анъанага айланган.

Талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш мақсадида университет Илмий кенгашининг 2004 йил 26 февралдаги 6-сонли қарори билан 70 дан ортиқ иқтидорли талабанинг танлаган илмий-тадқиқот мавзулари ва илмий раҳбарлари тасдиқдан ўтказилиб, улар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилаяпти.

Бундан ташқари, барча кафедралар қошида талабалар, аспирантлар, ёш ўқитувчилар, мактабларнинг ўқувчилари ва ўқитувчилари, вилоятдаги ўрта махсус таълим муассасаларининг талаба ва ўқитувчиларини жалб этган ҳолда ташкил этилган 26 та "Кичик мактаб"лар ўз фаолиятини давом эттириб келмоқда. Кичик мактаб аъзоларидан 12 нафари магистратурага ва 3 нафари аспирантурага ўқишга кирди.

Университет ТАСИС – ТЕМПУС лойиҳаси доирасида "UZNANETU – Ўзбекистон миллий университетлар тармоғини яратиш" мавзусидаги 260 минг евро миқдоридаги грант лойиҳаси бўйича ишларни якунлади. Лойиҳа давомида университетнинг профессор-ўқитувчилари орасидан 2 нафар система администратори ва 2 нафар система менежери тайёрланди. Лойиҳанинг контракторлари сифатида Голландиянинг Фонтис ҳамда Англиянинг Престон университетлари иштирок этиб, келгуси ўқув йилидан ушбу университетлар билан янги лойиҳалар устида ишларни давом эттириш юзасидан келишиб олинди.

Халқаро ҳамкорлик борасида амалга оширилаётган ишлар IGARDA халқаро ташкилоти, Сув ресурслари халқаро институти, ўсимликларнинг генетик ресурслари халқаро институтлари билан олиб борилмоқда. Ушбу алоқаларнинг натижаси сифатида IGARDA координаторларидан Р. Парода ва М.Эль-Бусина университетимиз аспирантлари, магистрлари ва тадқиқотчиларга илмий раҳбарлик қилмоқдалар ва ҳамкорликда ўсимлик касалликлари ва зараркунандаларга қарши курашиш чораларини топишда илмий тадқиқот ишларини олиб боришмоқда.

Юқорида таъкидланган изланишлар яқин келажакда Гулистон давлат университетининг жаҳон андозалари даражасидаги олий ўқув юртига айланишига мустаҳкам замин яратилаётганлигидан далолатдир.

**Ҳазратқул Қаршибоев**
***ГулДУ проректори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, профессор***

# ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Жорий йилнинг юртбошимиз ташаббуси билан "Сиҳат-саломатлик йили" деб аталиши биз тиббиёт ходимларига юксак масъулият юклайди. Биз бу йилни тиббиёт соҳасига, инсонлар саломатлигига бўлган жиддий эътибор, деб қабул қилдик. Шу туфайли айни дамда бутун республикадаги сингари Боёвут туманида ҳам тиббиёт соҳасига эътибор ҳар доимгидан ўзгача.

Бугунги кунда туманимизда 93300 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Шу аҳолига 20 ўринли тез тиббий ёрдам маркази, 220 ўринли стационар, 10 ўринли кундузги бўлим, 25 та қишлоқ врачлик пункти ва 250 та қатновли поликлиника хизмат кўрсатмоқда. Ўтган йил давомида марказий касалхона моддий техник базасини мустаҳкамлаш учун "Шошилинч тез тиббий ёрдам" маркази замон талабига мослаб таъмирланди.

Туманимизда айни пайтда 1114 нафар тиббиёт ходими хизмат қилмоқда. Улардан 95 нафари олий тоифали шифокорлар бўлиб, туман аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатиш йўлида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Айниқса, 6 ёшли болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш мақсадида марказий касалхона ва Халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда иш юритмоқдамизки, бу соғлом ва баркамол авлод учун замин бўлади.

Аввало, соғлом ота-онадан соғлом фарзанд туғилади. Айни ҳақиқатни аҳолига тушунтириш ишларини амалга оширмоқдамиз. Малакали шифокорларимиз мактабларда, ишлаб чиқариш жойларида аҳоли билан мулоқотда бўлиб, уларни қизиқтираётган саволларга жавоб бериш билан бирга, маслаҳат ҳамда даволаш ишларини амалга оширмоқдалар. Маълумки, юқумли касалликлар жуда хавфли бўлиб, ёмон асоратлар қолдириши мумкин. Худди шу мақсадда биз эътиборни кўпроқ профилактикага қаратамизки, касални даволашдан кўра, олдини олган яхши. Тўғри, бу бироз мушкуллик туғдиради. Сабаби, кўпчилик касаллик безовта қилмагунча шифокорга учрамайди, гигиенага риоя этмайди, тартибсиз овқатланади. Биз бунинг олидин олиш учун ҳам керакли чора-тадбирларни кўрмоқдамиз. Албатта, бу ишларда якиндан ёрдам бераётган шифокорлар туманимизда анчагина. "Шошилинч тез тиббий ёрдам" бўлими мудири Ўрозали Норбўтаев, реаниматор Нарзикул Худойназаров, терапевтлардан Исматулло Давронов, Маматқул Эркаев, Сайфиддин Мухитдинов, 1-қишлоқ врачлик пункти мудираси Д. Одилова, У. Юсупов, Незия Аблязовалар, 4-бўлим қишлоқ врачлик пункти мудираси Роҳила Исамуродова, Нортожи Жабборова, Нортожи Шодиева каби ҳамшираларимиз эл саломатлиги йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Мақсадимиз — қишлоқларимиз соғлом ва узоқ умр кўришлари йўлида хизмат қилмоқлик. Бунинг учун биз тиббий ходимлар жонбозлик билан меҳнат қилаверамиз.

Бахтиёр Умрзоқов,
*Боёвут туман марказий шифохонаси бош шифокори*



# ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАР

Ер юзида аёл пайдо бўлибдики, нафақат хусну малоҳати, балки ақл-фаросати, тежамкорлиги, тадбиркорлиги билан ҳам ўз оиласини, рўзғорини тебратишда эрларига камарбаста бўлиб келганлар.

Миллий ҳунармандчилик ўзбек аёллари учун момомерос удум ҳисобланади. Гилам, кигизлар тўқиш, миллий каштачилик, дўппи, чопон, белбоғлар тикиш, турли қандолат маҳсулотлари, ширинликлар тайёрлай билиш, умуман, бирор ҳунарни ўрганиш аёлларга хос ҳисобланади.

Ана шундай миллий меросимиз бўлган ҳунармандчиликни давом эттириб келаётган хусусий тадбиркорлардан бири Машрабхон Каримова қарийб 37 йилдирки, Сирдарё шаҳрида сандиқ-жавонлар ясаб, эл олқишига сазовор бўлмоқда. Харидорлар дидига мос кесма, ўйма, чекма қуббали, пилтали, ойнали жавону сандиқларга талаб кундан-кун ортиб бормоқда.

Машрабхон опада куч-ғайрат етарли — қуш тинса тинадики, опа тинмайди. Турмуш ўртоғи Иброҳим ака ва уч ўғлини ҳам бекор қўймайди. Ҳалол меҳнатларининг самараси боис элнинг олди бўлиб, фаровон ҳаёт кечирмоқдалар.

Бугунгача қаҳрамонимиз юздан ортиқ шогирдлар чиқарган. Машрабхон опани серқирра ижодкорга ўхшатгим келади. Чунки унинг қўлидан келмайдиган ҳунар йўқ. Гоҳ тўн, нимча тикади, гоҳ кўрпа-тўшак қавийди. Баъзан шогирдлари — 3-мактаб ўқувчиларига ҳунар ўргатади.

Опанинг хонадонида эътиборимизни кўпроқ бешик ясаш жараёни тортди. Ёшлигимизда мириқиб катта бўлганимиз бешик ҳақида эринмай сўраб, баъзи "сир"ларни билиб олдик.

Сандиқ-жавонлар учун асосан сосна дарахти ишлатилса, бешик учун тол ёғочидан фойдаланилар экан. Баъзи бир ҳунармандлар "мендан кетгунча — эгасига етгунча" қабилида теракдан бешик тайёрлашиб, натижада, кўп ўтмай бешикка қурт тушиб, ёғочлари қийшайиб кетар экан. Ҳар соҳанинг ўзига хос машаққатлари бўлгани каби ёғоч билан ишлаш ҳам доим осон кечавермас экан.

— Тол арралаб кесилса, тезда чириб кетади, шунинг учун уни болта билан эринмай чопиб чиқиш керак, — дейди тадбиркор. — Бешикларнинг толдан қилиниши сабаби — у эгилувчан. Бундан ташқари, толда баъзи бир касалликларни даволаш хусусияти ҳам бор. Халқимизда "сил касал бўлсанг, толнинг тагида ёт" деган гап бекорга айтилмаган. Бешикнинг чақалоқ парваришида аҳамияти катта бўлса керакки, ҳатто Донецк, Туркия, Украина, Болгариялардан харидорлар келиб, олиб кетишаётган экан. Дарвоқе, тол март ойида кесилиб, 2-3 ой сувда ивитилади. Барча қурт-кумурсқалари чиқиб кетган ёғоч пўсти арчилиб, исириқ билан туз солинган қайноқ сувда ширасини кетгунча ювиб, тозаланади. Ана шундан сўнггина ёғоч эгилувчан бўлиб қолар экан.

Тайёр маҳсулотларга бугунги кунда Бухоро, Хива, Ургут каби вилоятларда харидор кўп. Шунинг учун ҳам ўша томонларга маҳсулот кўпроқ олиб борилар экан.

Тиниб-тинчимас Машрабхон опанинг келгусидаги режалари катта: ҳозир у грантга тайёрланмоқда. Келгусида ёғоч материалларидан мебел ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи. Яна "Гулистон" тамғасини қўйиб, пичоқчиликни ривожлантирмоқчи. Булардан ташқари болалар каровати, беланчак каби замонавий типдаги маҳсулотлар чиқариш ниятлари ҳам бор.

— Ҳозир бизга жуда катта имкониятлар яратиб берилган, ҳаракат қилиш керак. Замондан нолиш керак эмас—излаган имкон топади, — дейди опа ғайрати ичига сиғмай.

Биз Машрабхон опага ўхшаган ғайратли, меҳнатсевар юртдошларимизга каттадан-катта омад ва ишларига ривож тилаймиз.

**Суҳбатдош: Мунира Хусанова**



PINE
PINE

# Фарҳод ГЭСи - халқ жасорати тимсоли



Моддий бойликлар яратиш ҳар бир мамлакатнинг тараққиёт даражасини белгилайдиган асосий омиллардан бири ҳисобланади. Фаровонлик учун, аввало, ер ва сув заҳиралари зарур. Сирдарёнинг ўрта оқимида қурилган Фарҳод ГЭСи табиий бойликлардан оқилона фойдаланишга мисолдир.

Фарҳод ГЭСининг лойиҳа қуввати соатига 825 миллион киловатни ташкил этади. Бундан ташқари, ушбу иншоот жиловлаб берадиган сув билан юз минг гектарлаб ерлар таъминланиб, турли-туман қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл-кўл ҳосил кўтариш имкони яратилади.

1942 йилнинг 18 ноябрида ўша вақтлардаги "марказ" томонидан Сирдарёда Фарҳод ГЭСини қуриш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ўша вақтлар катта қурилиш учун "марказ"дан мадад берилмас, барча қийинчилик ерлик аҳоли зиммасига тушар эди. Бироқ халқ ушбу иншоотнинг қай даражада зарур эканини яхши тушунар эди. Зеро, ГЭС қурилиши тўғрисидаги қарор халқнинг қақраб ётган Мирзачўл ерларига сув чиқариб, обод қилишдек асрий орзулари билан ҳамоҳанг эди. Уруш қийинчилигини бошдан кечираётган халқ бундай улкан қурилишни ҳам ўз зиммасига олди. Аслида, халқимиз тақдириломон яратувчилик борасида яхши тажриба тўплаган эди. Бундан илгарироқ 283 километрлик катта Фарғона каналининг халқ ҳашари йўли билан 45 кунда қазиб битказилгани тилларда достон бўлган. Бу гал республиканинг барча вилоятларидан тўпланган минг-минглаб меҳнат аҳли 1943 йил 10 феврал куни карнай садолари остида ишга киришдилар.

Давр илм-фани ва ижодий тафаккурига қўйилган ўзига хос ҳайкал бўлмиш Фарҳод ГЭСи қурилишида турли миллат кишилари бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилдилар. Даврнинг бу машҳур қурилиши Азиз Ҳамидов, Илья Каминский, Марк Бабун, Павел Фалалеев, Геннадий Варварин, Садриддин Калонов, Вадим Акатов, Владимир Рацбаум сингари кўплаб ташкилотчиларни элга танитди.

1948 йили электр станциянинг биринчи гидроагрегати ишга туширилди. У 321 кунда 322,2 миллион киловат-соат электроэнергия ишлаб берди. Ниҳоят, 1949 йил июн ойидан бошлаб, станция тўла қувват билан ишлай бошлади. Станция гидроузели бетон тўғонининг баландлиги 28.5 метр, узунлиги эса 101 метрни ташкил этади. Тўғоннинг эни 10 метр, баландлиги 11 метрлик 8 та оқава сув чиқарадиган туйнуги бор. Станциянинг узунлиги 500, баландлиги 27,5 метрга тенг уйилма тупроқ тўғони ҳам бор.

Дарё ўзанига кирган тоғ ёнига қурилган Фарҳод ГЭСи, мана, узоқ йиллардан буён ҳаётимизни нурафшон қилиб келмоқда. Станция қурилиши халқимиз қаҳрамон-лигининг ёркин бир саҳифаси сифатида ҳамон эслаб юрилади. Чунки бу ерда меҳнат

қилган, халқ қаҳрамонлигининг гувоҳи бўлган инсонлар ҳали ҳаёт.

ГЭС қурилишининг биринчи кунлариданоқ шу ерда ишлаган С.Муродалиев, И.Мирзахолов, К.Эргашев, Э.Келдиев каби халқ ҳашари иштирокчилари ҳамон кўпчилик хотиралари тўғрисида тўлқинланиб гапирадилар. Ўша вақтдаги юрт раҳбарлари билан кечган учрашувлар, айниқса, фахрийлар ёдидан ўчмайди...

Уларнинг айтишларича, У.Юсупов ГЭС иш бошлагандан кейинги бир ташрифида станцияга кираверишдаги дарахт олдида тўхтаб, кенг кафтига унинг бир новдасини олди. Ёнидаги йўл бошловчи раҳбардан сўради:

— Бу дарахт қанақа мева беради?

— Бу — заранг, мевасиз дарахт — деган шошилинч жавоб бўлди.

— Мева бермаса ҳам экаверар экансизда? — норози бўлди Усмон ака.

Бино бурчагидан туртиб чиққан қояга ишора қилиб, давом этди:

— Мана бу жуда хунук кўринаяпти. Унинг пойига озгина сув олиб келиб, тупроқ ташланса, қарабсизки, ярим йилдан сўнг бу қоядан нишон ҳам қолмайди. Беш йилдан сўнг эса унинг устида пайдо бўлган боғнинг олмаси дастурхонингизни безайди...

Тез орада ушбу қоя бутунлай бошқа қиёфага кирди. Орадан йиллар ўтиб, бу ерда олмазор боғ пайдо бўлди. Бу боғ нурчиларга улкан қурилиш ишларини амалга оширган ўтган авлод жасоратидан хотирадир.

Фарҳод ГЭСи республикамизнинг электр қувватига бўлган эҳтиёжини қондиришда катта аҳамият касб этади. Станция республиканинг умумий энергия тизимига уланган. Ушбу иншоот техниканинг ҳам илк мўъжизаларини ўзида синаб кўрди. Республикадаги автоматик ва телемеханик муваффақиятлар илк бор шу ерда қўлланилган эди.

Мазкур нур маскани халқимиз учун, мустақил Ўзбекистонимиз тараққиёти учун ҳали яна асрлар мобайнида беминнат хизмат қилажак.

**Шоҳида Тайпиева**

# ТАЪЛИМ АМАЛИЁТГА ЕТАКЛАЙДИ

Сирдарё вилояти ижтимоий-иқтисодий ҳаётида Ширин шаҳри ўзига хос ўрин тутади. Шаҳар ихчам, аҳолиси унчалик кўп бўлмаса-да, стратегик аҳамиятга эга. Чунки шаҳарда жойлашган Сирдарё иссиқлик электр станцияси республикамиз энергетика қувватининг учдан бир қисмини ишлаб чиқаради. Шу биргина фактнинг ўзиёқ Ширин ҳақида илиқ тасаввур ҳосил қилади кишида.

Шаҳарда 1050 ўқувчига мўжалланган коллеж жойлашган. Республикада етакчи ўринлардан бирини эгаллаган мазкур энергетика ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи кундузги ва сиртқи бўлимларида айни пайтда салкам 2000 нафар талаба таҳсил олмоқда. Уларга 10 та йўналиш бўйича касб-ҳунар сирлари ўргатилмоқда.

Шу ўринда, коллежда 200 ўринга мўлжалланган ётоқхона, 120 ўринли ошхона, 330 ўринли 2 та мажлислар зали, салкам 50000 нусха китоб фондига эга кутубхона, қироат заллари, 2 та спорт зали ҳам ўқувчилар ихтиёрида эканлигини айтиб ўтиш ўринлидир. Айни пайтда Жанубий Корея "Samsung"русумли компьютерлари, видеолойиҳалар, видеокўзгулар, магнитофонлар, "Panasonik" видеокамераси, Осиё Тараққиёт Банки кредити асосида жиҳозланган кимё, физика, астрономия, география, биология фан кабинетлари ва лаборатория хоналари, махсус жиҳозланган 2 та компьютер синфи, лингафон хоналари ҳам фаолият юргизмоқда.

Коллежда 83 нафар малакали ўқитувчи ва муҳандис-педагоглар ўқувчиларга таълим-тарбия беришмоқда. Уларнинг 26 нафари олий ва биринчи тоифали ўқитувчилардир. Коллежда айни пайтда Осиё Тараққиёт Банки лойиҳаси дастури асосида тажриба ишлари олиб борилмоқда. Бу ерда бир неча йўналишлар бўйича тармоқ стандартлари, янги ўқув режалари ва модуллаштирилган янги ўқув дастурлари ҳамда қўлланмалар ишлаб чиқилди. Янги ўқув режа ва дастурлар ишлаб чиқишда Германия, Голландия, Ирландия каби ривожланган давлатлар тажрибаларидан фойдаланилди. Коллежда халқаро тажрибалар ва таълимнинг фаол усулларини амалда қўллашнинг каскад методидан фойдаланилмоқда. Коллеж талабалари вилоят ва республика миқёсида ўтказиладиган олимпиадалар, "Қувноқлар ва зукколар", "Ўйла, изла, топ!" каби кўрик-танлов ва телебеллашувларда ҳам фаол иштирок этиб, ғолиб бўлишди. Ширин энергетика ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи шаҳардаги Сирдарё ИЭСига кадрлар тайёрлаб беради. Шунинг учун ИЭС маъмурияти ҳам коллеж талабаларининг ишлаб чиқариш амалиёти самарадорлиги, ўқишни битирувчиларни иш билан таъминлашда коллежга катта амалий ёрдам кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида таълим самарадорлигини оширмоқда.

Жамоа Ашур Хўжанов, Ёрмонали Қурбоналиев, Зулфия Ўлмасова, Омина Нодирова, Комина Жумаева, Ғуломали Худойназаров, Наргиза Зулфанова, Зулхумор Қаршиева каби ташаббускор ўқитувчилари билан ҳақли равишда фахрланади.

Келгусида ҳам таълимнинг фаол усулларидан фойдаланиб, уни ҳаёт билан боғлаб иш олиб бораётган коллеж жамоаси янги-янги ютуқларни қўлга киритишига умид қиламиз.

**Ҳамза Эрдашев**

# Қатралар

* * *

Булбул шунчалар ёқимли хониш қилдики, бутун маҳжудод унинг овозига маҳлиё бўлди. Шу пайт булбулга бир овоз жўр бўлди. Жамики маҳжудоднинг хаёли бўлинди. Бу овоз сохиби карға эди.

* * *

Эндигина атак-чечак қилган бола ерга йиқилиб тушди. Йиғлаб атрофга олазарак қаради. Атрофда ҳеч ким йўқ. Ўрнидан ўзи туриб кетишга ҳаракат қилди. Бир куни у яна йиқилди. Атрофида одамлар бор эди. У каттикроқ йиғлай бошлади.

* * *

Мен дунёга келганимда Онамнинг севинчи оламга сиғмаган. Менинг борлигим доим онамга шодлик бўлдимикан?

* * *

Шохларида ғарқ пишиб етилган меваларни зўрға кўтариб турган олма дарахтига боғбон синиб кетмасин, дея бир пайтлар кесилган ходани тиргак қилиб қўйди. Аждодлар — авлодларга доимо суянчиқ.

* * *

Мен деган сўзни ишлатиш мен учун ўринсиз. Мен "мен" деган сўзга лойиқ иш қила олдимми? Лойиқ бўлсам ҳам ўзим айтишим шартми?

* * *

Инсон дунёга келганида оқ йўргакка ўраб, ёғоч бешикка соладилар. Дунёдан ўтганида яна оққа ўраб,- ёғоч тобутда манзилига элтадилар. Ўртадаги масофа ҳам оппоқ бўлса, канийди?

* * *

Одамлар ноўрин гапириб қўйишганида, тил суяксиз, деб қўядилар. Тил суякли бўлганида, кимни айблашар экан.

* * *

Гуноҳ қилсак, "Хом сут эмган бандамиз-да", деймиз. Қилган гунохларимизга онамиз-нинг оқ сутини айблаймиз-а?

* * *

Кимдир арик бўйида гулхан ёқибди. Гулхан тобора кўкка қараб мағрур ёнибди. Вақт ўтиб, гулхан сўнибди. Арик эса ҳамон индамай оқиб турармиш...

***Улуғбек АБДУНАЗАРОВ***

# ТАБИАТ МУСАФФОЛИГИ — ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ

Истиқлол туфайли мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар, Ватанимизнинг халқаро майдондаги нуфузи тобора юксалиб бораётгани ҳар биримизда фахр туйғусини уйғотиши табиий. Иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг изчиллиги ҳар жабҳада ёркин намоён бўлиб турибди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки даврлариданоқ бошқа муҳим масалалари қаторида экологик ҳолатга ҳам алоҳида эътибор қаратила бошлади. Республикамиз гўзал табиат, турли маъданларга бой заминга эга. Ана шу гўзалликни асраш ва бойликларни халқ фаровонлиги ва келажак авлод тараққиёти учун хизмат қилишини ҳисобга олиб, давлатимиз томонидан махсус дастур ишлаб чиқилган бўлиб, уни амалга ошириш учун кенг миқёсли тадбирлар амалга оширилаяпти.



Халқаро "Экосан" ташкилоти ҳам бу жараёнда фаол иштирок этиб келмоқда. Айниқса, вилоят экологик ҳолатини муфассал ўрганиш, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашга оммани кенг жалб этиш юзасидан эътиборга лойиқ ишлар қилинмоқда. Хусусан, ёшлар ўртасида экологик тарбияни яхшилаш, уларда табиатга бўлган муҳаббатни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор берилаяпти. Бу борада анъанавий ҳашарлар ўтказиб туриш, айниқса, ижобий натижалар бераяпти. Бундай тадбирлар деярли барча корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар, ўқув юртларида мунтазам равишда ўтказиб келинаяпти. Ушбу тадбирлар туфайли 105 километр масофада ариқ-зовурлар, сув ҳавзалари, истироҳат боғлари, спорт майдонлари тозаланиб, тартибга келтирилди. Аҳамиятли томони шундаки, одамлар, айниқса, ёшлар ўртасида экологияга муносабат, атроф-муҳит муҳофазаси тушунчаси янгича мазмун касб этди. Халқаро "Ер куни" муносабати билан ўтказилган тадбирлар ҳам кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

"Соғлом авлод" дастурида белгиланган долзарб масалаларни тадқиқ этиш ва бу борада вилоятимиз миқёсида амалга оширилаётган тадбирларда ҳам фаол иштирок этаяпмиз. Шу йилнинг 23 январ куни онкология диспансерида "Заминимизни гиёҳвандликдан асрайлик" мавзусида тадбир ўтказилди. Соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда фаол иштирок этган шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими "Экосан" халқаро жамғармаси республика, бошқарувининг иккинчи даражали дипломи билан тақдирланди.

Вилоятимизнинг ер шароити бугун анчайин мураккаб ҳолатда. Экин экиладиган ерларнинг 93 фоизини шўр босган. Шунингдек, сув, тупроқ муаммолари ҳам ўта долзарб бўлиб турибди. Шаҳар ва аҳоли зич яшайдиган пунктларни чиқиндилардан тозалаш, ортиқча бурланиш, шовқин, токсик моддалардан заҳарланиш ҳолатларининг олдини олиш масалалари ҳам ўз ечимини кутаётган жиддий муаммолардандир. Уларни оддий ҳашарлар ўтказиш йўли билан бартараф этиш жуда мушкул. Шу боисдан ҳам тарғибот-ташвиқот ишларини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилаяпти. Бўлимимизнинг жонкуяр фаоллари: шифокорлар М.Тошматова, М.Хожиматова, Т.Холбоева ва бошқаларнинг бу борада олиб бораётган ишлари диққатга сазовор бўлмоқда. Ўрни келганда кўпчиликни ўйлантира-диган яна бир долзарб масала хусусида тўхталиб ўтмоқчи эдим. Сирдарёга тушадиган чиқиндилар айни пайтда ўртача 750-1250 миллилитрни ташкил этади. Бу Амударёга тушадиган чиқиндидан икки баробар кўпдир. Дарё бўйларида 45000 гектар атрофидаги ер аввалари қамишзор ва саксовулзордан иборат эди. Собиқ шўролар тузуми даврида улар бутунлай йўқ қилиб юборилди. Бу ҳол вилоят экологиясига жиддий салбий таъсир кўрсата бошлади. Ов қилинадиган қушлар, жумладан, тустовуқ, қакликлар кескин камайиб кетди. "Экосан" ташкилоти вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси эътиборига қуйидаги учта таклифни ҳавола этди: Сирдарё дарёси бўйларига саксовул ва дарахтлар экиш; Ховос зонасида экологик тоза узумзорларни бунёд этиш; баъзи туманларда каноп ва кунгабоқар экилишини йўлга қўйиш. Шунингдек, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига ҳам таклифларимизни тавсия этдик: Шифохоналарга мурожаат қилган беморларни уларнинг аждодлари, яъни бобо ва момолари неча ёшда ва қандай хасталик билан вафот этганлигини аниқлаб, рўйхатга олиш, ёш қизларнинг овқатланишига эътибор бериш, қурувчилар ва мактаб ўқувчилари томонидан қушлар учун махсус уйчалар қурилишига эришиш. Таклифлар улар томонидан маъқулланди ва айни пайтда бу борада муайян ишлар олиб борилмоқда.

Маълумки, "Экосан" ташкилотининг асосий мақсади атроф-муҳит муҳофазаси ва аҳоли саломатлигини янада яхшилашдан иборат. Ана шу мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, фаолиятимизни давр талаблари даражасида ташкил этишга ҳаракат қилмоқдамиз. Уларнинг миқёси эса жуда кенг. Экология ва атроф-муҳитни яхшилаш нафақат соҳа мутасаддилари ҳамда мутахассисларидан, балки ҳар бир кишидан ўзига хос билим ва тушунчага эга бўлишни тақазо қилади. Ҳуқуқ-тартибот органлари, табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликда фуқароларнинг атроф-муҳитни асраб-авайлашдаги масъулияти, экологик-ҳуқуқий билимларини ошириш чораларини кўраётирмиз. Бу борада махсус тадбирлар ишлаб чиқилди. Бир сўз билан айтганда, ушбу хайрли юмушга оммани кенг ва фаол жалб этиш, вилоятимизда экологик вазият ҳамда аҳоли саломатлигини яхшилаш учун бутун куч ва имкониятлар ишга солинаяпти.

**Ҳавас ЗАФАРОВ,**
*Халқаро "Экосан" ташкилоти вилоят вакили*

# Ишқ ифорин

Бахтиёр ВАТАН ўғли

* * *

Булутларнинг ортида не бор?
Уйғон, юзинг ювгил, эй қўёш.
Пар қўрпангни йиғиштир дарҳол,
Ерга умид уруғларин соч.

Бел боғлаган ҳазрати Инсон,
Билагида қалқийди Олтой.
Далаларга сепмоқ керак дон,
Хабаринг йўқ сенинг эркатой.

Дов-дарахтлар карахт уйқуда,
Инларида қунишар қушлар.
Қучоғингни очиб туйқусдан
Баҳорни қуч, жавоб бер қишга.

Булутларнинг ортида не бор?
Қани, сирли сандиғингни оч.
Заминнинг ҳур Маликасига
Ҳадя айла заррин бир либос.

Ҳаётхон ОРТИҚБОЕВА
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
Маданият ходими

ХУШ САБОЛАР

Саболар хуш, саболар майин,
Саболар хуш атиргулдайин.
Хуш саболар эслатса Сизни
Соғинчимни кимга айтайин?

Соғинчимни айтмайман Сизга,
Сирли мактуб битмайман Сизга.
Сабо бўлиб ҳар субҳидамда,
Ишқ ифорин тутгайман Сизга

Сабо Сизга элтса субҳидам,
Сочларимнинг райҳон атрини.
Кўнглингизда гул очса кўклам,
Ҳис қиларсиз меъёр қадрини.

Ҳис қиларсиз, Сизни ҳам кимдир
Соғинади йироқ-йироқда.
Исмингиз ҳам муқаддас сирдир,
Талпинади Сизга юракдан.

Ишқ сирини тутиб пинҳона,
Маст айлагум ўйларим билан.
Охир Сизни қилгум девона,
Атиргулдай бўйларим билан.

Илҳом БОТИРОВ

САЙҲУН БАҲОРИ

Йиллар ғуборини ювган кўкламим,
Элларга, дилларга келган кўркамим.
Мардона баҳорим, алпим, ўктамим,
Айни дам мен сени келар мақтагим:
Мард йигит, шўх қизлар диёридир бу,
Сирли Сайҳун дарём баҳоридир бу.

Қишу, ёз, кузакнинг гашти бошқача,
Сирнинг баҳорида шашти бошқача,
Бунда севилганнинг аҳди бошқача,
Шеър ва куйга келар оҳанг бошқача.
Нурли бўстонимнинг ифоридир бу,
Сирли Сайҳун дарём баҳоридир бу.

Сен йигит шавкати, ғурури, ори,
Ишқида куйлаган санам дилдори.
Ғамзангдан эрисин тоғларнинг қори,
Чеҳрангдан ранг олсин гуллар гулзори.
Мадҳинг куйловчилар шиоридир бу,
Сирли Сайҳун дарём баҳоридир бу.

Йўлдош КАРИМ

БАҲОР КУНЛАРИДА

Сабрнинг сарғайган япроқларида
Ўтган кунларимнинг нигоҳи қоттан.
Баҳорий майсанинг титроқларида
Туйғулар тебраниб мени уйғоттан.
Қуёшга ёлвориб турган гиёҳнинг
Кўзларига қора хушомад ўгай.
Онанинг кўксини туттан гўдакнинг
Ажиб талпиниши хаёлдан ўтгай.
Кўкдан қулаб тушар ерга қалдироқ,
Сукут ивиб борар кўзин ёшига.
Совуқда қалтираб турар қизқалдоқ,
Паноҳайин тутиб қўлин бошига.
Тишини қайрайди телбавор шамол,
Қирнинг ўркач-ўркач қайроқларида.
Дарахтлар одатдан кўра сўзамол,
Музаффар қўшиннинг байроқларидай.



# тутгайман Сизга

Ҳимоят НАЗАРОВА

## ШЕЪРИМ

Мен шеър дунёсидан топмадим бойлик,
Топганларим эса ундан чиройлик.
Унда топдим ўзим қалбим кўзини,
Шеърият чархлаган ўткир сўзимни.

Шеърим қатларидан таралган зиё,
Ҳадя қилар менга ойдинли дунё.
Яшайман мен унда оқлик яратиб,
Ижодим бешигин дадил тебратиб...

Умид этагидан тутиб яшайман,
Бир яхши кунларни кутиб яшайман.
Тангридан ўзгадан кутмай мурувват,
Шеърлар яратмоққа топаман қудрат.

Шуҳрат шоҳсупаси керак эмас, ҳеч,
Унга чиққан қулар эртами ё кеч.
Мен-чи, шеър мавжида тошиб-тўлсам, бас,
Кўнгиллар боғида бир гул бўлсам, бас.

Ижодим! Қанчалар суйсамда уни,
Орзу чўққисига етказар мени.
У сабаб бир кунлар номим ва шоним,
Ўчмагай кўкларга учсада жоним.

... Шеърлар оқимида сузиб яшайман,
Умидларга қўлим чўзиб яшайман.

Аваз СОДИҚ

## ШОИР

Шоирнинг назари пок бўлса агар,
Қуёшдан нур инар, куртак ниш урар.
Самар бергусидир, жажжи ғунчалар,
Баҳор қайта келар, бўстонга қўнар.

Шоир баланд кетса, юрт тақдиридан,
Узоқлашиб, кетса покиза назар,
Ваҳма кезар борлиқ ҳар таъкидидан
Қуёш ҳира тортар, туман бус қоплар.

Шоир элнинг сўзи, ҳақ ёди эрур,
Бундан ортиқ сўз йўқ, шоирга зотан.
Қирқ йил қирон келса, бало етмагай,
Шоир Эл-юртини ростлик асрагай.

Анвар ТОҒАЕВ

## ЎЗБЕК ХОНАДОНИ

Тонг отиб таралса, хушбўй нон иси,
Саришта ҳовлига сув сепса қизи.
Тароват бахш этса қуёшнинг ўзи,
Бу албат ўзбекнинг хонадонидир.

Ишкомдан узумлар боқса мўралаб,
Турфа мева қўйса, сизга саралаб,
Аския айтса гар "жўра-жўра"лаб,
Бу албат ўзбекнинг хонадонидир.

Боғ тўрида кишнаб туради оти,
Ҳар лаҳза дўсту-ёр бўлар қаноти.
Йил ўтмай тўй билан ўтар ҳаёти,
Бу албат ўзбекнинг хонадонидир.
Ҳовлида барқ урар хино, райҳонлар,
Туну-кун аримас азиз меҳмонлар.
Дийдорлар улашар дилга дармонлар,
Бу албат ўзбекнинг хонадонидир.

Олтин олмагину, олгин дер дуо,
Тилак айтиб қолар юз ёпли момо.
Қалбларда меҳрдан тошади зиё,
Бу албат ўзбекнинг хонадонидир.

Баҳор ХОЛБЕКОВА

* * *

Ишқдан ёруғ ёнмас экан шамларингиз,
Битмас экан қўнгилдаги ғамларингиз,
Бўлмаса гар бирор ширин дамларингиз,
Бахт майидан тотолмаган қиздан кечинг.

Кўнглингизда армон қолса, мендан
сабаб,
Бирор бир сир пинҳон қолса, мендан
сабаб,
Қийноқларда виждон қолса, мендан
сабаб,
Барин олиб отолмаган мендан кечинг.

Мендан кечиб, дунёга бир боқиб кўринг,
Яна менга ёққан каби ёқиб кўринг,
Улкан-улкан дарёларда оқиб кўринг,
Бирга-бирга оқолмаган мендан кечинг.

Кетаверай кўздан намни арта-арта,
Биз боғланган ришталарни узинг шартта,
Жонин бериб, минг уриниб бирор марта
Кўнглингизни тополмаган мендан
кечинг.

Соҳиба ҲАЙИТБОЕВА

* * *

Кўкда қуёш кулиб турибди,
Бағридан ёш тўкмоқда абр,
Табиатнинг чеҳрасига боқ,
Бу қандайин ҳол бўлди ахир?!

Табассуми қўклам васлидан
Кўз ёпплари севинч ёшими.
Аламидан қулаётгандир,
Балки тўплаб бор бардошини

Хоҳ шоир бўл, носир бўл, аммо,
Унга таъриф бера олмайсан.
Минг уринсанг, минг бора урин,
Кўнглини ҳеч била олмайсан.

Табиатим — очилмас тилсим —
Юраверар эзилиб-қақшаб.
Кулиб туриб йиғлаб беради
Гоҳ-гоҳида ўзимга ўхшаб.

# ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

Сирдарё вилояти мусиқали драма театри 1975 йил 26 сентябрда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг "Муҳаббат" драмаси ҳамда Озарбайжон композитори Узаир Ҳожибековнинг "Аршин мололон" мусиқали комедияларини намойиш этиш билан ўзининг биринчи мавсумини бошлаган.

Театрга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли театршунос Асад Файзуллаев директор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, актёр, режиссёр, драматург Риксибой Орифжонов бош режиссёр ҳамда Ғафур Ҳамидуллаевлар режиссёр этиб тайинландилар. Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат Санъат олийгоҳининг 24 нафар битирувчилари театрнинг илк труппасини ташкил этишган.

Ушбу театр тарихи, фаолияти ва ташкилотчилари ҳақида сўз кетганда, театр ташкил топган кундан бугунга қадар аччиқ-чучук дамларни руҳан тушмай, эсанкирамай бошдан кечириб, ижод қилиб келаётган фидоий инсонлар кўз олдингга келади.

Театрни ташкил этиш, шакллантириш ва ривожлантириш йўлида беминнат хизмат қилган Риқсибой Қудратов, Султон Иброҳимов, Кўзибой Абдуллаев, Мурод Раҳимбоев, Шафоат Раҳматуллаева, Турғуной Қосимова, Ақида Ҳайитова, Рустам Ҳамдамов, Моҳинисо Бобожонова, Ойниса Қодирова, Мухторхон Одиловларнинг бекиёс меҳнатларини алоҳида қайд этмоқ жоиздир. Бугунги кунда уларнинг ишларини Маҳкам Маҳамедов, Жўрабой Маҳмудов, Валижон Умаров, Раҳим Ҳасанов, Мамажон Нурматов, "Ўзбекистон Ватаним маним" республика қўшиқ кўриктанловлари совриндори Асадулло Холиқовлар сиймосида давом этмоқда.

Қадим ҳам навқирон Мирзачўлдаги маданият ва маърифат ўчоғи, маскани ҳисобланмиш театрга 1977 йил машҳур театр ва кино санъати арбобларидан бири Олим Хўжаев номи берилди.

Театр жамоаси 1984 йил янги бинога кўчиб ўтди. Театр айнан шу йили Уйғун ва И.Султонларнинг "Алишер Навоий" тарихий драмасини намойиш этиш билан ўз фаолиятини давом эттирдилар.

730 ўринга мўлжалланган, катта ва кичик томоша залларига эга, барча замонавий театр талабларига жавоб берадиган бу "Санъат қасри" Сирдарё воҳаси санъат аҳли-ю меҳнаткашларига катта совға бўлди.

Ўтган 30 йиллик давр ичида театр репертуаридан 120 дан зиёд турли жанрлардаги асарлар ўрин олди.

Театр жамоаси ўз фаолияти давомида нафақат республикамиз, балки қардош Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон республикалари бўйлаб ҳам бир неча бор ижодий сафарларда бўлиб, репертуарларидаги энг сара спектакл ва концерт дастурларини намойиш этдилар.

Театрда қўйилган 20 дан зиёд спектакл республика ойнаи жаҳони орқали намойиш этилган.

"30 ёшлилар", "Ер томири","Имзо", "Оддий аскарлар", "Ричард-III", "Гапир", "Жанжал", "Ғаройиб гадо", "Маъмура кампир" каби спектакллар эса республика радиоси "олтин" тасмаларига ёзилган бўлиб, радиотеатр мухлисларига мунтазам эшиттирилиб борилади.

Театр жамоаси 1976 йилги театр фестивалида "Дахшатли тун" драмаси, 1977 йил эса айни фестивалда "Чет эллик куёв" комедиясини намойиш этиб, I даражали Диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

1996 йил буюк соҳибқирон бобокалонимиз Амир Темур ҳазратларининг 660 йиллик тўйлари муносабати билан "Халқаро театр фестивали"



ўтказилди. Ушбу фестивалда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикаларидан келган 14 та театр жамоалари иштирок этди. Кўрик ҳайъати қарорига биноан бош совриндан Сирдарё вилояти театрида саҳналаштирилган Ҳусайн Жовид асари асосида "Амир Темур" спектаклига берилди.

Бу мукофот Ҳусайн Жовид, қолаверса, Сирдарё театри жамоаси меҳнатига берилган юксак баҳо бўлди.

1998 йил театр репертуаридаги драматург Шароф Бошбеков асари асосида яратилган "Тентак фаришталар", 2002 йил Азиз Несин асари асосида яратилган "Тарослик ёвуз" спектакллари пойтахтдаги Миллий Академик драма театри ҳамда Аброр Ҳидоятов номидаги театрларда ўтказилган "Сарҳисоб – XX" танловларида муваффақият билан намойиш этилди.

2004 йил эса театри жамоаси



замонавий мавзуларда саҳналаштирилган спектакларнинг I Республика кўрик-фестивалида "Порахўрлик ва коррупцияга қарши кураш ғоясининг саҳнавий талқини учун" номинацияси бўйича артист Иброҳим Қосимов эса "Энг яхши эркак роли ижроси учун" мукофотлари билан тақдирландилар.

Репертуар театрнинг юзи – дил ойнаси. Истиқлол йилларида театрда қирқдан зиёд турли жанрлардаги асарлар саҳналаштирилди. Бугунги кунда репертуардан К.Авазнинг "Марварид таққан аёл", Ш.Жумаевнинг "Тўй ҳангомалари" мусиқали фолклор-этнографик томошаси, А.Жамолнинг "Меҳрибонлар" драмаси, Г.Нажидованинг "Ғаройиб карновал", "Олловуддиннинг сеҳрли чироғи", F.Гуломнинг "Шум бола", асарлари асосида тайёрланган шоу-томоша, Муҳаммад Ризонинг "Тўй" психологик драмаси, К. Гальдонининг "Аёллар машмашаси" комедияси ҳамда А.Волковнинг "Жавоҳирлар шаҳри сеҳргари" эртаги асосида яратилган спектакллари ҳамда катта театрлаштирилган концерт дастурлари ўрин олган.

Шу кунларда ўзининг 30 йиллик тўйи тараддудини кўраётган театр жамоаси томошабинни ҳаяжонга соладиган, ўйлашга, фикрлашга, мулоҳазалар қилишга ундайдиган асарлар ҳисобига репертуарини бойитиб бориш бўйича ижодий изланишлар олиб бормоқда. Келажакда театр репертуаридан Софокл, Эврипид, Аристофан, Шекспир, Фигерайдо, А.Н.Островский, М.Карим, Ҳ.Ҳ.Ниёзий, М.Шайхзода каби буюк даҳолар ҳамда замондош драматурглар асарлари ўрин олиши, шубҳасиз.

Буюк истиқлолга, Ватанига, халқига садоқат, тинчлик, дўстлик, ватанпарварлик, ҳалоллик, меҳру оқибат ҳамда муҳаббат туйғуларини мадҳ этувчи асарлар саҳналаштириб, ранг-баранг концерт дастурларини намойиш этиш билан халқимизга беминнат хизмат қилиш орзусида бўлган театр жамоаси доимо изланишда.

**Нодирбек Аҳмедов**

# САРДОБАЛАР ЎЛКАСИ

Сирдарё вилоятининг умумий майдони — 4,99 минг кв.км.ни аҳолиси — 626,1 минг нафарни ташкил этади. Вилоят жанубдан шимоли-ғарбга пасайиб борадиган текисликда жойлашган. Унинг катта қисмини Мирзачўл эгаллаб, шарқдан Сирдарё дарёси билан чегараланади.

Тоғ, тоғолди, пасттекислик ва чўл зоналарининг қўшилиб кетиши вилоят ҳудудининг ўзига хослигини белгилайди. Айни ҳолат бу ерда деҳқончилик, чорвачилик ва тоғ-кон ҳунармандчилигини ўз ичига олган иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланишини таъминлаган. Шунингдек, вилоятнинг қулай жойлашуви сабабли, бу ерда қадимдан савдо-сотиқ тараққий этган. Археологик тадқиқотлар воҳада тош давридаёқ аҳоли яшаганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Қадимда аҳоли асосан сой ва чашмалар бўйларида воҳа-воҳа бўлиб ҳаёт кечирган. Вилоят ҳудудида Хўжамушкентсой, Шўрбулоқсой, Муғолсой, Тагобсой, Сармичсой сингари сув манбалари бўлган. Сув балансининг бузилиши манзилгоҳларнинг йўқ бўлиб кетиши ёки кўчишига олиб келган.

Собиқ социалистик тузум даврида ҳаётимизнинг кўпчилик соҳаларида бўлганидек, Сирдарё вилояти тарихини ёритишда ҳам маълум сиёсий мақсадларни кўзлаб, сохталаштиришлар амалга оширилди.

Ўша даврда Сирдарё тарихи ибтидоси пролетар доҳийси номи билан боғланиб, ҳаттоки вилоят тарихи 1963 йилдан бошланади, деган асоссиз фикрлар билдирилди. Ваҳоланки, юқорида таъкидлаганимиздек, Сирдарё тарихи халқимиз тарихининг узвий бир қисми сифатида шонли ва қадимийдир.

Зардуштийликнинг муқаддас китоби "Авесто"да Сирдарё "Дану", қадимги юнон тарихчилари асарларида эса Яхартес-Яксарт деб аталган. Юртимизга араблар кириб келганидан сўнг, бу дарё солномаларда "Сайхун" деб юритила бошлаган. Вилоятимиз Сўғдни Чоч, Фарғона орқали Хитой билан боғлайдиган муҳим ҳудудда жойлашганлиги сабабли ҳам бу ерда қадимдан аҳоли яшаб келган. Бу ерларда истиқомат қилган аҳоли манзилгоҳлари савдо-сотиқ ва карвонларга хизмат кўрсатиш каби ишлар шарофатидан гуллаб-яшнаган эди.

Республикамиз мустақилликка эришгач, тарихимизнинг кўпгина масалалари сингари юртимиз ҳудудидаги шаҳар ва давлатларнинг пайдо бўлиши хусусида ҳам ҳаққоний ва холис фикр билдириш имконига эга бўлдик.

Бугунги кунда юртимиз ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши масаласини ўрганиш тарихчиларимиз олдида турган муҳим вазифалардандир. 1998 йил Президентимизнинг бир гуруҳ тарихчи олимларимиз билан бўлган учрашувда билдирган фикрларидан сўнг Ўзбекистон давлатчилигини ўрганиш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Сурхондарё ва Фарғона воҳаларида давлатчиликнинг пайдо бўлиши масаласида анжуманлар уюштирилиб, уларда юртимизда давлатчиликнинг пайдо бўлиши масаласида янги, илмий асосланган фикрлар юзага келди. Ўзбек давлатчилигининг 3000 йилдан ортиқ тарихга эга эканлиги тўғрисидаги қарашлар ўз илмий тасдиғини топди.

Бироқ миллий давлатчилик тизимида Сирдарё воҳасининг ўрни тарихчиларимиз эътиборидан четда қолиб келмоқда. Бунга маълум маънода Сирдарё қадимда ва ўрта асрларда кимсасиз чўл бўлган ва бу ерлар "шўро"лар ҳукмронлиги давридагина ўзлаштирилган қабилидаги нотўғри тушунчалар ҳам сабаб бўлмоқда. Ваҳоланки, Сирдарё вилояти таъкидланганидек, муҳим географик минтақада жойлашган. Шу сабабли вилоят тарихини чуқур ўрганмай туриб, у билан чегарадош қадимги Сўғд, Фарғона ,Чоч тарихини тўлиқ билиб бўлмайди. Зеро, улар бир-бирлари билан Сирдарё орқали боғланганлар. Юқоридаги ҳудудлар тарихига оид ҳанузгача ўз ечимини топмаётган кўплаб муаммолар, назаримизда, Сирдарё тарихини ўрганиш орқалигина ойдинлашади.

**Сирдарё тарихи меҳнаткаш, мард ва фидоий, бағрикенг халқ тарихидир. Шундай экан, бу тарихни чуқур ўрганиш, билиш, уни ҳолисона ёритиш, ёдгорликларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш бизнинг фарзандлик бурчимиз, келажак авлодлар олдидаги қарзимиздир.**

**И.Каримов**

Вилоят ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқотлар Сирдарё вилояти ҳудудида илк шаҳар ва давлатларнинг пайдо бўлиши масаласида янги фикрларни билдириш имконини бермоқда.

Маълумки, Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида милоддан аввалги минг йиллик бошларида, шимоли-шарқий ҳудудларида (Фарғона, Тошкент ва Сирдарё вилояти) милоддан аввалги I минг йиллик бошларида аҳолининг воҳа-воҳа бўлиб жойлашиш тизими шаклланади. Аҳоли манзилгоҳларидаги бундай жойлашиш услуби ушбу ҳудудда суғорма деҳқончилик ривожи билан изоҳланади. Деҳқончилик, айниқса, суғорма деҳқончиликнинг пайдо бўлиши давлатчилик тизими шаклланишида муҳим ўрин тутади. Зеро, суғоришга асосланган деҳқончилик ривожи мураккаб сув иншоотлари қурилишини тақазо этади. Ўз навбатида, суғориш иншоотларининг қурилиши кўплаб аҳолини уюшмасини талаб қилган. Кўпчиликни мажбурий равишда қурилишга жалб этиш марказлашган бошқарувни, аниқроғи, давлатнинг пайдо бўлишини тақазо қилган. Вилоят ҳудудидаги энг қадимги аҳоли манзилгоҳлари ҳам суғориш учун қулай бўлган дарё ва сой бўйларида ташкил топган. Аҳоли дастлаб вилоят ҳудудидаги Хўжамушкентсой, Шўрбулоқсой, Муғолсой, Тагобсой, Сармичсой, Сирдарё бўйларида истиқомат қилган. Археологик тадқиқотлар илк деҳқончилик манзилгоҳлари Хўжамушкентсой ва Шўрбулоқсой бўйларида бундан 3000 йил олдин пайдо бўлганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Бу табиий, чунки юқоридаги сойлар серсув,

уларнинг атрофидаги ерлар эса унумдор бўлган. Шунингдек, бу воҳаларнинг Буюк ипак йўлида жойлашганлигини ҳам ёддан чиқармаслик лозим.

Эски Ховос ва Нуртепа Шўрбулоқсой бўйида жойлашган ёдгорликларнинг энг қадимгиси ҳисобланади.

Улар милоддан аввалги I минг йиллик ўрталарида қад кўтарган. Нуртепа ёдгорлигининг умумий майдони 18 гектарни ташкил этади. У ўтроқ аҳоли манзилгоҳи сифатида мил. ав. VII асрда пайдо бўлган. Мил. ав. VI-V асрларда шаҳар сифатида шаклланиб, атрофи мудофаа деворлари билан ўралган арк ва шаҳристон қисмларидан иборат бўлган. Шаҳарнинг ташқи мудофаа иншоотлари қурилишида эни 4,25, баландлиги 1,2-1,5 метр бўлган табиий тепаликдан фойдаланилган. Тепаликнинг ичкари томонидан 2,1 метр энлиликда пахса девор қурилган. Табиий тепалик ва пахса девор оралиғида эни 1,4 метр йўлак қолдирилган. Арк ҳам шу даврда эни 5,5 метр, сақланиб қолган баландлиги 2 метр бўлган пахса девор билан ўраб олинган. Милоддан аввалги IV асрда пахса девор ўрнига хом ғиштдан девор қурилади.

Хўжамушкентсой бўйида ҳам дастлабки деҳқончилик манзилгоҳлари милоддан аввалги I минг йиллик бошларида пайдо бўлган. Улар жумласига Хонтепа, Сағанактепа, Хитойтепа ёдгорликларини киритиш мумкин. Уларнинг энг каттаси Хонтепа ҳисобланиб, мутахассислар фикрича, милоддан аввалги I минг йиллик ўрталарида саклар томонидан барпо этилган.

Вилоятнинг қадимги аҳолиси қандай номлангани ҳақида фанда аниқ маълумотлар йўқ. Юнон муаллифлари кўчманчи саклардан фарқли ўлароқ, Сирдарёнинг чап қирғоғида ўтроқ ҳаёт кечирган аҳолини умумлашма ном билан "варварлар" деб аташган. Фақатгина Квинт Курций Руфдагина ўзларининг бош шаҳарлари — Кирополни македонияликлардан ҳимоя қилган "мемакенларнинг кучли қабиласи" ҳақида сўз кетади. И.В.Пьянков фикрича, маркази Кирополь бўлган воҳа аҳолиси "мемакенлар" деб аталган ва у воҳанинг (Уструшона деб аталгунгача бўлган — **С.Қ.**) қадимги номидан келиб чиққан. Чамаси, мемакенлар вилоят ҳудудидаги қабилалардан бирининг номи бўлиб, кейинчалик бир-бирига яқин бўлган қабилалар вилоятнинг энг қадимги элатини ташкил этган. Археологлар бу элатга тегишли маданиятни Нуртепа маданияти, деб номлашади.

Бу ўзига хос маданият бир томондан қадимги Чочнинг Бургулук, Фарғонанинг Эйлатан, Қайроққум, Сўғднинг қадимги Сўғд маданиятлари таъсирида юзага келган бўлса, иккинчи томондан, юқоридаги маданиятлар ҳам Нуртепа маданиятининг айрим кўринишларини ўзларида акс эттиради. Вилоят ҳудудида ушбу маданиятга оид Эски Ховос, Нуртепа, Хонтепа, Сағанактепа, Сағанактепа 1, Хитойтепа сингари 10га яқин аҳоли манзилгоҳлари аниқланган.

Нуртепа маданиятининг асосий белгилари қуйидагилар:

Ярим ертўла типидаги уй-жойлар ҳамда пахса девор ва хом ғиштлардан қурилган ҳашаматли иморатлар (арк, мудофаа иншоотлари) нинг биргаликда учраши;

Сополчиликда ушбу давр Ўрта Осиё сополчилиги учун хос бўлган рангли ва цилиндраконик шаклдаги сопол буюмларнинг учрамаслиги;

Қўлда ишланган сопол буюмларнинг чархда ишланганларидан кўплиги.

Ҳудуд қадимги аҳолисининг асосий машғулоти суғорма деҳқончилик ва чорвачилик бўлган. Қишлоқ хўжалиги сунъий суғоришга асосланган. Сойларда кўплаб суғориш иншоотлари қурилган. Деҳқончиликда буғдой, арпа етиштириш асосий ўринни эгаллаган. Ушбу давр ёдгорликларида тош ёргичлар (ун қилиш учун), темирдан ишланган пичоқ, ўроқлар кўплаб учрайди. Тоғли ҳудудларда эса лалми деҳқончилик ва боғдорчилик ривожланган. Чорвачиликда ушоқ мол асосий ўринни эгаллаган. Шунингдек, от, туя каби йирик жониворлар ҳам боқилган. Ўтроқ аҳоли ҳаётида овчилик ҳам муҳим ўрин тутган. Айниқса, жайрон кўп овланган. Жайрон суяги ўқ-ёй ёки пичоқ учун даста вазифасини ўтаган. Қурол-яроғлар ичида бронзадан ясалган ўқ-ёйлар кенг тарқалган. Уй-жойлар тўғри бурчак ёки квадрат хомғиштлардан қурилган. Шу билан бир қаторда, ғиштдан қурилган ярим ертўлалар ҳам бўлган. Вилоят ҳудудидаги оташпарастлик даврига оид ёдгорликларда дастлаб қуёшда қуритилиб, сўнгра махсус идишлар (оссуарлар)га солинган одам ва ит суяклари топилган. Вилоят ҳудудидаги дастлабки ёзув ҳам шу даврда пайдо бўлади. Темирни ўзлаштириш ва кулолчилик чархининг ёйилиши вилоят ҳудудида милоддан аввалги I минг йиллик ўрталарига келиб, хўжаликнинг тараққий этганлигидан гувоҳлик беради.

Ушбу омиллар ҳудуднинг иқтисодий юксалишига сабаб бўлган. Иқтисодий ўсиш ўз навбатида, шаҳар (Нуртепа, Хонтепа, Эски Ховос) ва у билан боғлиқ ҳолда давлатларнинг пайдо бўлишига шароит яратади.

Вилоят ҳудудидаги илк шаҳар ва давлатлар Ўрта Осиёнинг жанубидаги сингари тараққий этмаган бўлса-да, темир металлургияси ривожи, чархнинг ёйилиши, ҳашаматли меъморчилик иморатларининг мавжудлиги ва ёзув милоддан аввалги I минг йиллик ўрталарида Сирдарё вилояти ҳудудида илк давлат ва шаҳарларнинг шаклланганлиги ҳақида фикр билдиришга асос бўлади. Ушбу давлат ва шаҳарлар ривожи милоддан аввалги IV аср охирларидаги юнон-македон босқини натижасида тугатилган.

Ўзбекистон ҳудуди цивилизацияси минг йиллар давомида жаҳоннинг илғор маданияти билан ҳар томонлама алоқада ривожланди ҳамда инсоният тамаддуни тараққиётига улкан таъсир кўрсатди. Бу макон умумжаҳон ривожига хизмат қилган илғор ғояларни юзага келтирувчи, сақловчи ва дунёга тарқатувчилик вазифасини бажариб келган. Сирдарё тарихи ҳам юртимиз кечмишининг узвий қисми сифатида ҳар биримиз учун фахрли ва азиздир.



**Солижон Қудратов,**
*Тарих фанлари номзоди.*

# Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур










# ЮРАГИДА ЭЗГУЛИК ЯШАР

Кўпчилик наздида чўлни ўзлаштириш фақатгина деҳқонлар, соҳибкорлар, агроному мухандислар вазифасига киради. Аммо маънавият ва маданият ходимларининг ҳам чўл ҳаётида ўз ўрни бор. Ҳа, бир карвоннинг туяси сингари чўлкуварлар билан елкама-елка туриб, чўлнинг изғирин шамоллари-ю, жазирама иссиқларида шўр тупроқларни ялаб, чўлкуварлар қатори меҳнат қилган Кўзибой Абдуллаев ҳам ана шу ҳақиқатни англаб етган фидоийлардандир.

Кўзибой Абдуллаев аслида, Янгиер шаҳрининг Ховос кўрғонида туғилган. Мирзачўлнинг жиловланмас шамоли-ю, жазирама офтобларида тобланиб, вояга етган. Мусиқа ва санъатга ёшлигиданоқ ихлос қўйган болакай "Онам дерман", "Азиз Ватаним", "Куйлайман", "Оҳангарон", "Салом-ассалом" каби қўшиқларни ҳис-хаяжон билан ижро этиб, ўқитувчилари-ю, мактабдошларининг олқишларига сазовор бўлган.

Ховос темир-йўл станциясига қарашли Санъат саройи, Янгиер курувчилар саройи ҳаваскорлари билан бирга Ховос, Жиззах, Бекобод, Гулистон темир-йўл бекатлари ва маданият саройларида ўз санъатини намойиш этган.

1963 йил Тошкент маданий-оқартув техникумига ўқишга кириб, Қобилжон Орипов, Тошпўлат Ашрафхўжаев, Гафур Ортиқов, Чаман Носирова, Фазлиддин Шамсиддинов каби устоз санъаткорлар, Зокир Канзафаров каби таниқли маданият ходимларидан сабоқ олган. 1967 йил қадрдон Маданият саройига қайтиб, ҳалқ чолғу асбоблари ансамблига бошчилик қилади.

У ҳарбийдалик чоғларида ҳам кўлидан доира-ю созини қўймайди. Хизматдаги дўстлари билан бадиий хаваскорлик жамоасини тузди. Улар Узоқ Шарқда, икки йил давомида ҳамюртларимизнинг она юртига, санъатига бўлган соғинчларини қондириш билан бирга харбий округ бадиий жамоалари кўригида ҳам бир неча маротаба совринли ўринларни эгаллашди.

Кўзибой Абдуллаевнинг қирчиллама йигитлик чоғлари Жиззах ва Сирдарё вилоятининг Мирзачўл, Дўстлик ва Оқ-олтин туманларида ўтди.

У қаерда, қандай лавозимда ишламасин, ўша ер маданиятини юксалтириш ва тарғиб қилишга ўз ҳиссасини қўшди.

Кўзибой ака ўша даврларни ҳамон ширин хотира сифатида ардоқлайди.

—Худоёр Латипов "Уч том"дан Дўстлик туманигача дарахт кўчатларини эктирган эди. Ҳар бир туп дарахтни ўтказишда куёшнинг чиқишию, ботишини ҳисобга оларди. Нотўғри экилганини қайта эктирарди. Ана шу обдончилик ишларида мен ҳам хизмат юзасидан қатнашардим.

Худоёр ака, айниқса, атиргулларни хуш кўрарди.

— Агар бир туп гул сўлса, жавоб берасан, — дерди менга. Қишлоқ хўжалиги ишларининг қизғин паллаcида ҳам гулларни, дарахтларни парвариш қилишга ўзи бош-қош бўларди. Худоёр ака билан учрашиб қолсак, ўша лаҳзаларни эслаймиз.

Мирзачўлда Қўзибой нафақат меҳнатда, балки шахсий ҳаётда ҳам бахтини топди. У Андижондан келган чўлқувар қиз Турсунойни учратди.

1983 йил августида Қўзибой Абдуллаев Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусиқали драма театрига раҳбар этиб тайинланди. Қўзибой Абдуллаев раҳбарлик қилган даврда театр иқтисодий, моддий ва ижодий чўққиларга эришди. Кадрлар қўнимсизлиги барҳам топди.

Театрнинг янги, муҳташам бинoси фойдаланишга топширилди. Бундай Санъат қасрининг дунёга келишида Қўзибой Абдуллаевнинг хизматлари беқиёс бўлди.

"Алишер Навоий", "Инсонликка номзод", "Сохта оқсуяк", "Оқ отлар учун вальс", "Оддий аскарлар", "Узилган торлар", "Старомодные чудеса", "Чорбоқлаги ҳангомалар", "Чандунинг саргузаштлари", "Жанжал", "Майсаранинг иши" , "Ҳийлайи шаръий", "Карвон бехатар бўлмас"каби театр тарихи зарварақларига муҳрланган ўнлаб спектакллар яратилишига ҳисса қўшди.

...1986 йил 4 январь тонгида Қўзибой Абдуллаев раҳбарлик қилаётган театр биносига ўт кетди. Санъат қасри аланга ичида қолди.

Билган у, билмаган бу деди. Иш терговга оширилди. Аммо Ховоснинг шамоли, чўлнинг жазирамасида тобланган Қўзибойнинг иродаси букилмади.

38 ой мобайнида у тергов бермаган ташкилот, уни сўроқ қилмаган терговчи қолмади. Энг азобланарлиси ё жавобгарликка тортилмади, ёки оқланмади. Бу муддатда ҳам Абдуллаев қадрдон театрида олдий ишчи лавозимида меҳнатини давом эттираверди. Мақсад битта: — "Номардлар олдида бўйин эгмаслик, адолат учун кураш, тикланиш" эди.

Ниҳоят, прокуратура протестига кўра Қўзибой Абдуллаев айбсиз, деб топилиб, "иш" ёпилди.

Ҳикоямиз қаҳрамони Қўзибой Абдуллаев, мана, бир неча йилдирки, вилоят ҳокимлиги Маданият ишлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган қатор кўрик-танловлар, Наврўз, Кўшиқлар байрами, Мустақиллик байрамлари унинг иштирокисиз ўтмайди.

У кишини гоҳо театрда, гоҳо майдон ёки ўйингоҳда бир даста "Дастур" билан тез-тез учратиб турамиз. Дам олиш кунлари ҳам, байрам кунлари ҳам шошиб-пишиб қайсидир ишларни бошлаш, қайсидир ишларни тугатиш ташвишида юради.

Санъатимиз жонкуяри машаққатли, аммо тотли меҳнатдан сўнг оиласига қайтиб, 30 йиллик қадрдони, Турсунойхоним, тўрт нафар фарзанди, гўзал келинлари-ю жажжи набиралари даврасида бир нафас ўтирса, барча чарчоқлари тарқаб кетади.

Маданиятимиз ва санъатимиз фидоийси, жонкуяри бўлмиш Қўзибой Абдуллаевнинг юрагида ҳали канча-канча эзгу ниятлари бор. Уларни амалга оширишда устозга ғайрат-шижоат тилаймиз.

**Адҳам Абдуллаев,**
театршунос

# Юртга нур таратиб

Сирдарё вилоятида аҳолиси 15 мингга яқин мўъжазгина гўша — Ширин шаҳри бор. Бу шаҳарни нафақат республикамизда, балки қўшни давлатларда ҳам кўпчилик яхши билади. Сабаби, бу шаҳарда 57 йилдан бери тўхтовсиз, бир маромда, энг арзон электр энергияси ишлаб чиқараётган ва жуда кўп энергетиклар учун маҳорат мактаби бўлган Фарҳод ГЭСи, Ўзбекистон энергетика тизимининг устунларидан бири — Сирдарё Иссиқлик Электр станцияси бор.

Ширин шаҳрини қўшни мустақил давлатларда ҳам кўпчилик билади, деб бежиз айтмадик. Чунки Сирдарё ИЭСида етук мутахассисга айланган энергетиклардан бир нечаси Россия Федерацияси, Қозоғистон, Украина ва бошқа давлатлардаги йирик тармоқ корхоналарида меҳнат қилишмоқда.

Сирдарё ИЭС қурилиши тарихи 1960 йилларда Ўзбекистон Республикасида кимё машинасозлик ва рангли металлургия саноатининг ривожланиши, қўриқ ерларни ўзлаштириш учун катта насос станцияларининг қурилиши туфайли юзага келган энергетика танқислиги даврига тўғри келади. Энергетика танқислиги Ўзбекистонда катта қувватга эга бўлган иссиқлик электр станциясини барпо этиш заруриятини тақазо этди.

1965 йил 27 февралда Бекобод шаҳри яқинида ишлаб чиқариш қуввати юқори бўлган улкан иссиқлик электр станцияси қурилиши учун ер ажратилди.

Сирдарё ИЭСси қурилиш ишлари 1966 йилнинг кузидан бошланган бўлиб, уни "Голодностеп ГЭСстрой" трести олиб борган. Қурувчиларнинг мардонавор меҳнати туфайли 1972 йилнинг декабр ойида 1-энергоблок ишга туширилди ва Ўзбекистон энергетика тизимига 300 минг кВт.соат электр энергия қўшилди. 1981 йилнинг 2 июнида охирги — 10 энергоблок ишга туширилиб, станциянинг умумий қуввати 3 млн. кВт га етди.

Юқорида Сирдарё ИЭССини Ўзбекистон энергетика тизимининг устунларидан бири, деб бежиз айтмадик. Чунки унинг қуввати машҳур Днепр ГЭС қувватидан 7 маротаба кўпдир.

Ўқувчида бироз бўлса ҳам ишлаб чиқариш кўлами ҳақида та-

асурот уйғотиш учун қуйдаги маълумотларни таъкидлашни ўринли деб ҳисоблаймиз. Станциядаги 10 та энергоблок тўла табиий газ билан ишлаганда 1 суткада 17 млн. 280 минг м³ газ ёки 17280 тонна мазут ёқилади.

Эсимизда, 1999 йилнинг кузида станция ишчилари билан уч-

рашувга келган севимли ёзувчимиз Пиримқул Қодиров ишлаб чиқариш жараёни билан танишиб чиққанларидан сўнг "Қойил, шундай маҳобатли ускуналарни бошқариб, нур яратаётган азаматлар", деган эдилар.

Станция электр энергияси ишлаб чиқариш билан бир қаторда, Ширин шаҳрини иссиқ сув ва иссиқлик энергияси билан ҳам таъминлайди.

Сирдарё ИЭСси қурилиши давомида энергетиклар шаҳарчаси — Ширин қад кўтарди. Станция томонидан ҳамма қулайликларга эга 150 млн.кв.м дан ортиқ уй-жой, савдо ва маиший хизмат шаҳобчалари, мактаблар, болалар боғчалари, касалхона ва поликлиника, спорт иншоотлари қурилган. Кенг-равон йўллар, мевали ва манзарали дарахтлар шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди.

Ҳар бир касбнинг ўзига хос иш шароити ва мураккаблиги бўлганидек, иссиқлик электр станциясида ишлаш ҳам иш шароити, талаб қилинадиган билим ва тажриба билан ажралиб туради. Улкан буғ турбиналарини айлантириш учун ишлаб чиқарилаётган буғ ҳарорати 545 ва босими 240 кг/см$^3$ бўлиши лозим. Иссиқлик ва электр ўлчов асбоблари, ҳимоя воситалари тизимларини хавфсизлик техникаси қоидалари,ёнғин хавфсизлиги талабларига амал қилган ҳолда ишлатиш ҳар бир ҳодимдан чуқур билим, кўникма ва тажриба талаб этади.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг миллий кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш борасида кенг имкониятлар яратилди. Станция қошида ҳам ўқув-тажриба бўлими ташкил этилди. Зарур касблар бўйича алоҳида жиҳозланган синф хоналари, техник ўқитиш ва семинарлар жорий этилди.

1997 йили станция директорлигига тайинланган З. Холиқов ҳам ушбу йўналишдаги ишларни оришмай амалга ошира борди. Янги раҳбар Сирдарё ИЭССини қабул қилиш билан станциянинг тўхтовсиз ишлаши, иқтисодий-техник кўрсаткичларини яхшилаш, маҳсулот таннархини камайтириш, келажакда станцияни қайта реконструкция қилиш режаларини ўз олдига мақсад қилиб қўйди ва уларни амалга ошириш бўйича оқилона иш олиб борди. З.Холиқов ўз иш фаолияти давомида мутахассисларни танлаш, жой-жойига қўйиш, малакасини ошириш масалаларига жиддий эътибор бериб, ишлаб чиқаришдаги ютуқларга замин яратди.

Ана шу мақсадда ўқув-тажриба бўлими кадрлар тайёрлаш марказига айлантирилди. Энергоблокнинг тўла ҳажмли тренажери қурилди. Компьютер хонаси ташкил этилиб, замонавий компьютерлар ўрнатилди. Уларга ишлаб чиқариш ва таъминлаш жараёни бўйича йўриқномалар, ўқув дастурлари, маърузалар ва синовдан ўтказиш усуллари киритилди. Бу ерда ишлашга талабгор ёшларни бир ой давомида ўқитиб, синов натижаларига кўра ишга қабул қилиш йўлга қўйилди.

Натижада, ҳозирги кунда 2500 нафардан ортиқ малакали ишчи станциянинг тўхтовсиз, бир маромда ишлашини тўла таъминлаб келмоқда. Булар орасида Фарҳод ГЭСи қурилишида қатнашганлар, ишлаганларнинг фарзандлари, набиралари кўпчиликни ташкил этади. Мирзахоловлар, Холназаровлар, Холиқовлар ана шундай сулолалардандирлар.

Сирдарё ИЭСси жамоаси корхона ҳудудини тоза, кўркам ва чиройли сақлаш — ободонлаштиришга алоҳида аҳамият бериб билан бирга шаҳардаги коммунал соҳа муаммоларини ҳал этиш, ободонлаштириш ишлари, ҳудуддаги Нуробод қишлоғини газлаштириш каби хайрли юмушларни ҳам ўз оталиғига олган.

Бугунги кунда мамлакатимизда жиддий эътибор берилаётган болалар спортини ривожлантириш, умуман, спортни оммалаштириш йўналиши З.Холиқов раҳбарлигидаги меҳнат жамоасининг ҳам кундалик ишларидан бирига айланиб қолди.

Шаҳарда Сирдарё ИЭСси ҳомийлигида замонавий талабларга жавоб берадиган болалар спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Айниқса, Сирдарё ИЭСси ҳомийлигидаги академик эшкак эшиш командаси ютуқлари мақтовга сазовордир. Улар кўп марта чет эл мусобақаларида қатнашиб, мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келишаяпти. Ушбу жамоа 2004 йили Грецияда ўтган Олимпиада ўйинлари ва Швейцарияда ўтказилган Жаҳон чемпионатида қатнашишди.

Корхонанинг қўлга киритилган ютуқларини мустаҳкамлаш борасидаги режаларига келсак, улар улкан. Яқин вақт ичида ҳамма энергоблокларни навбатма-навбат қайта жиҳозлаш кўзда тутилган. Бу улкан ишлар 2005-2016 йиллар давомида амалга оширилади ва харажатлар учун 420 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Қайта жиҳозланган 7-8 энергоблокларнинг бир маромда ишлаши, бошқарув системаси мустаҳкамлиги, техник-иқтисодий кўрсаткичлар яхшиланган шуни кўрсатиб турибдики, қайта жиҳозлаш катта самара беради ва станция ушбу сарф-харажатларни тезда қоплайди.

Ушбу тадбирларнинг барчаси келажакда Ширин шаҳри, Сирдарё вилояти ҳамда мустақил Ўзбекистонимиз иқтисодиётига сезиларли ҳисса бўлиб қўшилади. Шунингдек, станция жамоаси амалга ошираётган хайрли ишлар кўламини янада кенгайтиришга имкон яратади.

**Исмоил Абдураҳмонов,**
*Кадрлар тайёрлаш бўйича етакчи мухандис.*

# "Эркин омбор"нинг эркин қулочлари

Тараққиёт бутун дунёда иқтисодий алоқаларнинг янги-янги турларини кашф этди. Қўшма корхоналар бугунги давримизнинг ана шундай мўъжизаларидан бирига айланмоқда. Бундай корхоналар мутахассис кадрлар, хом ашё ва техник жиҳозлар сингари ишлаб чиқаришнинг муҳим омилларини мамлакатлар имкониятлари доирасида муштарак эта оладилар. Натижада, халқ эҳтиёжи учун энг зарур, энг замонавий, энг сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланади.

"Оқ-олтин пахта маҳсулотлари базаси" деб номланган очиқ турдаги акционерлик жамияти Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида тузилган қўшма корхонадир. У 1999 йил 19 ноябрда хорижий "IBRAKOM FZ Co" компанияси томонидан "Оқ олтин пахта маҳсулотлари базаси" очиқ турдаги акционерлик жамиятининг 30,5 фоиз акциялари сотиб олиниши натижасида ташкил топган эди.

Корхонанинг асосий фаолият тури экспортга мўлжалланган пахта толасини "эркин омбор" божхона режимига қабул қилиб олиш, сақлаш ва юклаб жўнатиш бўйича хизматларни амалга оширишдан иборат бўлиб, бу соҳанинг Ўзбекистондаги "кашшофи" ҳисобланади. "Эркин омбор" — божхона иш юритиш тарзи бўлиб, унда хорижий товарлар муайян жойлар (омборлар)га қўйилиб, божхона тўловлари, солиқлар ва иқтисодий сиёсатдан эркин ҳолда сақланади. "Эркин омбор" ва "эркин божхона ҳудудлари" қонунчиликка биноан шартли равишда Ўзбекистон Республикаси божхона тизимидан ташқаридаги ҳудуд ҳисобланади.

Хорижий ҳамкорларни жалб этган корхонанинг "эркин омбори" Республика ҳудудидаги ўзига хос "ҚУРУҚЛИКДАГИ БАНДАРГОҲ" ҳисобланиб, бунда Ўзбекистон Республикаси Давлат Ташқи Савдо Компаниялари хорижий компанияларга экспорт қилинаётган пахта толасини "омбор тилхати"ни тақдим этиш орқали сотадилар. "Омбор тилхати" хорижий ҳамкоримиз "IBRAKOM FZ Co" компанияси томонидан кафолатланган бўлиб, унга асосан хорижий банклар томонидан аккредитивлар бўйича тўловни амалга ошириш мумкин. Ушбу жараён ўз навбатида, Ташқи Савдо Компанияларининг банк кафолатлари борасидаги валюта харажатларини амалга оширилмаслиги ҳамда сотилган пахта толаси учун валюта маблағларининг Республика бюджетига қисқа вақт ичида келиб тушишини таъминлайди. Амалдаги тўғридан-тўғри экспорт қилиш услубида эса валюта маблағларининг келиб тушиш муддати, пахта толаси юкланган кундан бошлаб, 60-90 кунгача бориши мумкин.

Пахта толасини "Оқ-олтин эркин омбори"га олиб киришга божхона юк баённомалари (ГТД) расмийлаштирилиб, омборга келиб тушган пахта толаси экспорт қилган ҳисобланади ва ўз навбатида экспортни амалга оширган ташкилотлар томонидан экспорт қилинганлик тўғрисидаги маълумотлар статистика органларига тақдим этилади.

Юқорида қайд этилганидек, "эркин омбор"га келиб тушган пахта толасининг эгаси уни сотиб олган хорижий фирма, компаниялар ҳисобланиб, бунда "Оқ-олтин пахта маҳсулотлари базаси" қўшма корхонаси ўзига хос божхона брокери сифатида толани юклаш борасида хорижий фирмалар томонидан берилган йўриқномаларни хизмат кўрсатиш борасида тузилган валюта

шартномаларига асосан бажаради.

"Оқ-олтин пахта маҳсулотлари базаси" қўшма корхонаси тузилган кунидан бошлаб кўплаб тадбирлар амалга оширилди.

Аввало, Хорижий ҳамкор фирмалар вакиллари ташрифларини инобатга олган ҳолда маъмурий бино тўлиқ реконструкция қилинди. Халқаро ҳамкорлик талаблари даражасидаги янги маъмурий бино қурилди. Ташриф буюрган хорижий фирмалар вакилларининг замонавий алоқа воситалари билан ишлашлари учун махсус хоналар ажратиб, жиҳозланди. Мавжуд 45 пахта омборлари таъмирланди ва реконструкция қилиниб, дарвозалар ўрнатилди. Ҳар бир омборга 1200 тонна пахта толасини жойлаштириш имкони яратилди. Пахта омборларни ёритиш тизими тўлиқ реконструкция қилиниб, ёнғин хавфсизлиги таъминланди ва омборнинг алоҳида қисмларини ёритиш имконияти ҳозирланди. Қўшма корхонага 12 дона "XYSTER" русумидаги дизель автоюклагичлар харид қилинди. Тез ва сифатли иш юритишда коммуникация воситаларининг аҳамияти улкан. Шу боис, компьютерлар, нусха кўчириш аппаратлари, алоқа воситалари харид қилиниб, ишга туширилди. Корхона бўлинмалари ўртасида тезкор алоқа ўрнатиш, ахборот алмашишни таъминлаш мақсадида локал алоқа тармоғи ташкил этилди, ички телефон тармоғи, интернет, электрон почта, ҳамда кўчма радиостанциялар ишга туширилди. Корхона фаолиятини яхшилаш мақсадида 1 гектар кенгликда контейнерлар сақлаш майдони қурилди. Бу майдонда 5000 дона 40 ва 20 футли контейнерларни сақлаш мумкин. "Фантуззи" ва "Белотти" русумидаги махсус контейнер юклагич техникалар харид қилинди. Корхонада мавжуд темир йўл тармоғи қайта таъмирланди. Бугун ушбу темир йўл тармоғида бир вақтнинг ўзида 30 вагон билан маневр ўтказиш мумкин, пахта маҳсулотлари омборлари ва контейнер майдони бўйлаб жойлашган темир йўл тармоғи қисмида бир вақтнинг ўзида 20 вагон ва платформалар билан ишлаш имкони мавжуд. Корхона учун алоҳида ичимлик суви тармоғини ташкил этиш ва ёнғин хавфсизлигига зарур бўладиган сув заҳирасини яратиш мақсадида сув минораси қурилди. Корхона ҳудуди, пахта маҳсулотлари омборлари тўлиқ асфалтланди. Корхона киришига бешта автоматик дарвоза ўрнатилиб, қўриқлаш постлари қурилди. Пахта тортишга мўлжалланган электрон тарози бекаму кўст ишламоқда.

Корхонамизда аввал 94 киши ишлаган бўлса, ҳозирги кунда янги иш ўринлари



очилиб, 175 киши меҳнат қилиб келмоқда.

Шу вақтгача амалга оширилган тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Илгари пайтлар корхонамиз 40 тонна атрофида пахта толаси экспорт қилинган бўлса, айни пайтда бу кўрсаткич уч баробар кўпайди.

Хуллас, замонавий тарзда ишлаётган қўшма корхона деҳқонларимиз етиштираётган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг довруғини оламга ёйиш йўлида беминнат хизмат қилмоқда.

**Ёрбек ИСКАНДАР**

# ОМАД БОР НАРСА

—Асадулла, сиз лирик қўшиқларингиз билан санъатсевар халқимиз назарига тушган хонандасиз. Кейинги пайтда репертуарингизда хорбий йўналишдаги қўшиқларнинг кўпайгани сир эмас.

— Дарҳақиқат, 1996 йили республикамизда биринчи марта "Ўзбекистон — ватаним маним" кўрик танлови ўтказиладиган бўлди. Унда ҳамма хонандалар деярли бир мавзуда куйлашади. Қандай қўшиқ айтсам экан, деб ўйладим. Охири топдим. Жанговор руҳдаги қўшиқлар бизда жуда кам айтилади. Шунинг учун харбий йўналишдаги Анвар Обиджон шеърига, Анор Назаров мусиқаси билан "Ўзбекистон аскарлари" номли қўшиқни сахналаштириб, танловга олиб чиқдим. Натижа мен кутгандан ҳам яхши бўлди, танлов голиби бўлдим. Шундан сўнг катта тантана, тадбирларда мендан харбий йўналишдаги қўшиқларни кўп сўрайдиган бўлишди. "Посбонлар","Ватан","Юрт ўғлонларимиз"каби кўплаб қўшиқлар ижро этдим.

— Сиз асли Маннон Уйғур номли санъат олийгохининг драма ва киноактёр факультетини тугатгансиз, мазкур сохада ҳам ишладингизми?

— Ҳа, мен олийгохни битириб, даставвал Сирдарё вилояти Олим Хўжаев номли мусиқали драма театрига ишга келдим. Бу ерда "Шум бола"да Шум бола, "Майсарининг иши"да Хидоятхон, "Ричард-III"да кичик шахзода, "Алишер Навоий"да мунажжим сингари қатор ролларни ижро этдим.

— Вилоятда М.Турғунбоева номидаги "Ўзбекракс" бирлашмасининг бўлимини ташкил этилиб, уни юритишнинг ўзи бўлмагандир?

— Ундан олдин вилоят маданият бошқармаси қошида 1991 йил биринчи бўлиб хўжалик хисобида "Манзур" ашула ва рақс ансамблини туздим. Ансамблимиз Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона вилоялари, қўшни Қозоғистон ва Тожикистон Республикаларида гастрол сафарларида бўлиб, кўплаб куй-қўшиқларини халққа манзур этди. 1998 йил "Ўзбекракс"нинг вилоят бўлимини очиб, унга иқтидорли раққоса қизлар жалб этилди. Бу фикр менда санъат мактабида директор бўлиб ишлаб юрганимда пайдо бўлган эди. Бу ерда хореография бўлими раққосаларини ўзимиз тарбияладик. Рақс махорати юксак даражага етганда шу бўлимни очишга қарор қилдим. Бу ерда 20 та истеъдодли қизлар, 10 та созанда ва 6 та хонанда билан иш бошладик. Дастлабки натижаларимиз ёмон бўлмади. Кристина Сурганова, Матлуба Хасанова, Севара Эшонхўжаева, Назокат Абдумўминова сингари қизларимиз ўз махоратлари, ўз касбларига

қизиқишлари туфайли элимизга манзур бўлдилар.

— Сиз 25 йилдан буён санъатнинг "нони"ни еб юрган хонандасиз, қолаверса, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" унвонингиз бор. Айтинг-чи, бугунги ёш хонандалар муттоз қўшиқларга кўплаб мурожаат этмоқдалар. Яна ўз қуйида (бироз янги созлар қўшилганини ҳисобга олмасак) айтиб, ҳатто "юлдуз"ликка даъво қилмоқдалар. Бунга сизнинг муносабатингиз?

— Ҳақиқатан, муттоз қўшиқларимиз зўр бўлгани, қўнгилларга яқинлиги учун ҳам ўтмишга қайта-қайта мурожаат этилмоқда. Фақат эски қўшиқлар айтилаётганда, олдин ким айтганини, яна қўлимиздан келганча айтаётганимизни ҳам билдириб қўйишимиз шарт деб ўйлайман.

Аслида, янги бир қўшиқ яратиб, халқимизга манзур бўлолмаслигини билган хонандалар шундай "осон" йўллар билан эл "қўнгилни топмоқдалар", деб ўйлайман. Санъатда ҳар кимнинг ўз йўли, ўз овози бўлмас экан, у узоққа боролмайди.

— Омадга қандай қарайсиз?

— Дунёда омад бор нарса. Баъзан иқтидоринг, баланд пардадаги овозинг билан ҳам ҳеч ким бўлолмайсан. Айниқса, ҳозирги техника асрида ҳар қандай хаваскор ҳам "зўр қўшиқлар" чиқариши, ва машҳурликни даъво қилиши мумкин. Фонограммалар одамларни алдаб қўяди. Бундан кучли техникалар чиқиб кетса, билмадим нима бўлади. Баъзи тўй-маъракаларда (айниқса, чекка қишлоқларда) техник носозликлар ёки чироқнинг ўчиб қолиши сабабли қўшиқларни жонли айтишга тўғри келади. Шундай пайтларда "машҳурликнинг сири очилиб қолиши" ҳеч гап эмас. Шунинг учун айта оламан-ки, шуҳрат вақтинчалик, ҳақиқий санъат бир умрлик.

— Тўй-маъракалар ҳақида гап очдингиз. Шундай давраларда сиз одамлар қандай қўшиқ эшитмоқчи эканликлари билан қизиқасизми ёки ўзингиз билган қўшиқни айтаверасизми?

— Албатта, давра қайси қўшиқни хоҳлаётганлигини билиб оламан. Баъзида сиз айтгандай, атрофдагиларнинг ёши, савиясини ҳисобга олмай, ўзи билиб-билмаган қўшиқларни чала-чулпа айтаверадиганлар ҳам топилади. Дарвоқе, албатта, ҳисобга олиш керак. Чунки бизда тўйдан тўйнинг фарқи бор.

— Сиз ўзингизга кимларни устоз деб биласиз?

— Мен эл ардоқлаган ҳофиз Шерали Жўраев, Нуриддин Ҳамроқуловларни ўзимнинг устозим, деб биламан. Тенгдошларимдан Камолиддин Раҳматов ва марҳум хонанда Мухриддин Холиқов ижодларини қадрлайман.

— Режаларингиз?

— Яқинда шоир Ҳаёт Шодмоннинг "Оппоқ қуш", Анвар Тоғаевнинг "Гулистон" шеърларига айтган қўшиқларимни экранга олиб чиқмоқчиман. Бундан ташқари, Муҳаммад Исмоилнинг "Устоз" номли шеърига ўзим қуй басталаганман ва клип ишлаяпмиз.

— Раҳмат! Сизга халқ севган устоз ва устоззодалар йўлини берсин.

Ўктамхон ХОЛДОРОВА
*суҳбатлашди.*

Ҳаққа таслим бўлибон, шавқ тўла чоҳ топғил бир,
Бошни хам айла ва меърож кулоҳ топғил бир.

Икки оламни қилгувчи забт — навмийд нафас,
Шу нафасни тила сен, чеккали оҳ топғил бир.

Қисқа гул суҳбати — теккудек узангига оёқ,
Гар умидвор эрсанг, тоза нигоҳ топғил бир.

Ёр хатти кечалар қилса ҳужум, сергак бўл,
Ҳар нафас ҳамласига шай, ки, сипоҳ топғил бир.

Дилда дуд тўлғаниши белгиси муштоқликнинг,
Қора кўз қилғали бунёд қора доғ топғил бир.

Эй, талаб бандаси, токай югурарсан халлос,
Сен оёғингни қабарт, тингали чоғ топғил бир.

Бўл Юсуф, Ийсо нафас бўлғали гар йўқ ҳолинг,
Етмасанг чархи фалакка, қани, чоҳ топғил бир.

Борлиғу йўқлик эрур очиб юммоғлик,
Чўғ каби икки жаҳонингга нигоҳ топғил бир.

Бахт дурри шарафи аслида шулдир билсанг,
Тиз гадоликка чўкиб, иззати шоҳ топғил бир.

Ақлу ҳуш шамъи куйиб қолди бу-ку хилватда,
Хоки пой бўлғил ўзингга ва паноҳ топғил бир.

Икки олам яратув сели бўл, эй, оташи ишқ,
Оқизиб кетгали биздан пари коҳ топғил бир.

Сурма деб ҳар нени, мижжангга, ки, суртма, Бедил,
Тўтиё йўл чангидан кўзингга, оҳ, топғил бир.

* * *

Кексаликдан ёш тўкиб, кўзлар паришон бўлғуси,
Тонг оқарган лаҳза юлдузлар паришон бўлғуси.

Ям-яшил барг берди бу майдонда мотамдан нишон,
Урса ниш қўклам уруғлар гар паришон бўлғуси.

Пардасин итқитса, айлаб талваса гар телбалик,
Гул ҳиди жим оҳ чекиб бадтар паришон бўлғуси.

Товланиб турмоғи мушкулдир оловнинг бир зайл,
Офтобдан нур, чу, кафтдан зар паришон бўлғуси.

Муштарак манзилга бизлар тутган ул йўл тўғридир,
Чиқса мистардан агар, хатлар паришон бўлғуси.

Ҳар нафас олганда ўтгай дам, жавоҳир ёш тўк,
Ип узилган лаҳза бор гавҳар паришон бўлғуси.

Манзилинг қўрқинчли, тўхтат дилни ўз туғёнидан,
Бунда раҳрав ҳоли танг, раҳбар паришон бўлғуси.

Қилғали сиррингни фош лаб очмасанг, тинч ҳар нафас,
Май агар мавжланса бас, соғар паришон бўлғуси.

Ноумидлик чанглари чарх ичра тарқаб йўқ бўлур,
Жарчи қичқирғай-да қолғай, жар паришон бўлғуси.

Сир ўғирлаб, Бедил, оҳ, бепарда урмоқда юрак,
Йўқ бўлур шероза, бул дафтар паришон бўлғуси.

* * *

Дил нураб бормоқда, дўстлар оҳдан хун қилсангиз,
Тинчитиб бул сактани, бир мунча мавзун қилсангиз.

Хуш битиклар бул ҳаётни нур билан пок этдилар,
Барҳаёт токи дил, тафсийри "Коф", "Нун" қилсангиз.

Туҳфадир ҳулқ, оламин дунёлари, қўллар, бугун.
Чиқса енгдан, ноумид этмай, ки, мамнун қилсангиз.

Қолмасин тупроқда тилло, сафланг, эй аҳли сахо,
Ўзларингизга шерик, йўқ эрса, Қорун қилсангиз.

Англангизларким, фалак тутқунлиги донога ор,
Ўзни бу хумдан халос айлаб, Афлотун қилсангиз.

Қон ютар олам, қилиб ичгучи собирларга рашк,
Қатра сувни, сувсаганлар, мингта Жайҳун қилсангиз.

Аҳдда собит йўлчига фарқсиз текисми йўқми йўл,
Бурмагай у зарра юз, ғов тоғми ҳомун қилсангиз.

Ҳаддан ошманг, эй шаробхўрлар, ахийр давр айланиб,
Тўнтарар жомларни, ўзни майга мафтун қилсангиз.

Тер ҳаётдандир ҳаё, чун, бошқа сув қон бўлмаса,
Қайнаган ҳар не булоқни арзигай хун қилсангиз.

Беҳуда ўйларга эш бўлса не бахт осудалик,
Бангни маъжунга қотиб, руҳбахшки, мазмун қилсангиз.

Куйдириб бекаслигим маҳшар кунида куйди доғ,
Соя Қайс соч толасин бошимга бул кун қилсангиз.

Борлиғим йўқлик ҳисобингдан, ки, қонеъ бўлмади,
Бошқа йўқлик сифрини бош узра афзун қилсангиз.

Эрмас инсофдан тубан бу чарх меҳмони бўлиш,
Сиртга мен сурбетни элтиб, дилни шод, чун, қилсангиз.

Мен шаҳид содиқлар ичра озми-кўп обрў топай,
Тўккали қоним-ку йўқ... лошимни гулгун қилсангиз.

Шаъм ёниб тарк этганидан ўзни, зор йиғлар эди,
Бедил ҳам шундай дебон, руҳимни мамнун қилсангиз.

***Матназар Абдулҳаким*** таржимаси

# ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИ

**Шуҳрат Холматов,**
*Гулистон педагогика коллежи директори*

Гулистон педагогика коллежи узоқ тарихга эга. У ўтган асримизнинг 67-йили Нодира номли Гулистон педагогика билим юрти номи билан ташкил топган бўлиб, 1997 йилгача мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларини тайёрлаган.

2003 йил сентябр ойидан эса, ушбу ўқув юрти коллеж мақомини олди ва ҳозир унда бешта йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланаяпти.

Бир пайтлар бу ерда бор-йўғи 80 нафар ўқувчи билим оларди, холос. Бугун эса коллеж мақомида фаолият юритаётган ўқув масканимизда 1058 нафар талаба "Бошланғич синфларда жисмоний тарбия", "Мактабгача тарбия муассасалари тарбиячиси", "Мусиқа раҳбари" ва "Хўжаликнинг ҳуқуқий фаолияти" каби йўналишлар бўйича билим оладилар.

Ҳозирги даврда ўқув масканларини компютерларсиз тасаввур этиш жуда мушкул. Шу боис ҳам барча коллежлар қатори бизнинг ўқув юртимизда ҳам компютер хонаси мавжуд. Унда 13 та Пентиум-4 русумидаги компютер ўрнатилган. Машғулотларни 4 нафар олий маълумотли мутахассис олиб боради.

Айни пайтда электрон кутубхона базасида 40 та электрон дарслик мавжуд бўлиб, улардан дарс давомида кенг фойдаланилмоқда.

Ўқув йили давомида 36 соатга мўлжалланган лабаратория машғулотлари физика ва кимё лабаратория хоналарида ўтказилади. Кези келганда шу нарсани таъкидлашни хоҳлар эдимки, умуман, коллежимиздаги барча жиҳозлар стол-стул, лабаротория анжомлари Самарқанд шаҳридаги "Эл" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти томонидан ишлаб чиқарилган.

Коллежимиз ётоқхонаси талабаларнинг ҳақиқий уйига айлантирилган. У ерда яшаш ва дарс тайёрлаш учун барча шароитлар муҳайё этилган бўлиб, айни пайтда 130 нафар талаба истиқомат қилаётир.

Хуллас, коллежимизда ҳар бир талабанинг сифатли билим олиши, мустақил ўқиши, эмин-эркин яшаши учун барча имкониятлар яратиб берилган. Зеро, юртимиз эртасини таъминловчи бугунги талабалар ҳар томонлама мукаммал шахс, етук мутахассис бўлиб тарбияланишлари барчамиз учун муҳимдир.

# Баркамол авлод учун

Вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси спорт турлари бўйича вилоят федерациялари, "Болалар спортини ривожлантириш", "Соғлом авлод учун" жамғармалари, "Ёшлик", "Динамо" ва касаба уюшмалари спорт жамиятлари ҳамда спортга алоқадор бошқа ташкилотлар билан биргаликда воҳада спортни янада ривожлантириш бўйича бир қатор ишларни амалга оширди.

Ҳозирги кунда вилоятимиздаги барча спорт ташкилотларида тўгараклар ташкил этилган бўлиб, уларда 194900 нафардан ортиқ болалар, ёшлар ва катталар мунтазам шуғулланиб келмоқдалар. Бу кўрсаткич жами аҳолининг 29,3 фоизини ташкил этади. Республика терма жамоаларининг 20 тасига вилоятимиз вакиллари аъзо бўлиб, турли мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, мамлакатимиз шаънини ҳимоя қилиб келмоқдалар. Шунингдек, футбол бўйича биринчи табақа жамоалари ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида Гулистон ва Янгиер жамоалари иштирок этмоқда.

Бошқарма вилоятда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, республика ҳамда халқаро мусобақаларда сирдарёлик спортчиларнинг муваффақиятли қатнашишларини таъминлаш учун барча имкониятларни ишга солмоқда.

Вилоятимизда жисмоний тарбия билан шуғулланиш иштиёқида бўлганлар учун 11 та сузиш ҳавзаси, 14 та ўйингоҳ, жами 1562 та спорт иншооти хизмат қилмоқда. Ўтган йили сирдарёлик спортчилар Олимпиада ҳамда Жаҳон, Осиё ва республика миқёсидаги мусобақаларда фаол қатнашиб, муносиб ўринни эгаллашди.

Жумладан, таэквон-до (ITF) бўйича халқаро турнирда Расул Олтмишев олтин, Ҳиндистонда ўтказилган дзю-до бўйича халқаро турнирда Элеонора Соатова бронза медалини қўлга киритди ҳамда Бухоро шаҳрида ўтказилган сузиш ва Гулистон шаҳрида ўтказилган таэквон-до (ITF) бўйича халқаро турнирларда вилоятимиз спортчиларидан 10 нафари ғолиб бўлишди. Гулистонлик Кон Евгений Малайзияда бўлиб ўтган таэквон-до (ITF) бўйича чемпионатда бронза медалини қўлга киритди.

Булардан ташқари, ўтган йили вилоятимиз спортчилари ёзги Олимпиада ўйинларида, 4 та Жаҳон чемпионати, 2 та Осиё, 14 та халқаро ва 40 дан ортиқ республика мусобақаларида қатнашиб, муносиб ўринларни эгаллашди. 266 нафари чемпионлик унвони ва мусобақалар ғолиблигини қўлга киритишди. Вилоятимиз спортчилари академик эшкак эшиш, бокс, кикбоксинг, таэквон-до (ITF), армрестлинг, енгил атлетика, кураш, самбо, белбоғли кураш, шашка ва бошқа спорт турлари бўйича турли медаллар совриндорлари бўлишди.

Ўтган йили Гулистон шаҳридаги вилоят драма театрида ҳамда "Гулистон" ўйингоҳида "Сирдарё" туман спортчилар—гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишга қарши" шиори остида "Спорт-шоу" байрам дастурлари юқори савияда ўтказилди ва иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

2004 йили «Алпомиш» спорт мажмуасида ўсмирлар ва ёшлар ўртасида таэквон-до (ITF) бўйича халқаро турнир, Гулистон шаҳрида волейбол бўйича олийгоҳ талабалари ўртасидаги республика биринчилигининг 2-босқичи, Мирзобод туманида авиамодел бўйича республика биринчилиги Сайҳуно-бод туманида шашка бўйича ўсмирлар ва катталар ўртасида Ўзбекистон чемпионати, Ширин шаҳрида академик эшкак эшиш бўйича ўсмирлар ўртасида республика биринчилиги, "Алпомиш" спорт мажмуасида қўл тўпи бўйича қизлар ўртасида "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг республика финал босқичи, қўл тўпи бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги, теннис бўйича Сирдарё вилояти ва Қорақалпоғистон республикаси терма жамоалари ўртасида Ўзбекистон Кубогининг гуруҳ босқичи, Янгиер шаҳрида ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўзбек кураши бўйича Ўзбекистон чемпионати, каби қатор мусобақалар юқори савияда ўтказилди.

Шаҳар ва туманларда спортнинг миллий турлари бўйича спорт-соғломлаштириш клублари ташкил этиш бўйича қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда вилоятимизда 10 та спорт-соғломлаштириш клуби фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларда спортнинг оммавий, миллий турлари ва халқ ўйинларини шакллантириш ҳамда кенг жорий қилиш, қишлоқ жойларда ёшларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича мунтазам тадбирлар ўтказилмоқда.

Вилоят бўйича ўтган йили 206 та янги спорт секциялари очилган бўлиб, уларга 5456 нафар ўсмирлар ва қиз болалар жалб этилган. Янги очилган спорт секцияларига жалб қилинган қизлар сони 1331 нафарни, 6-17 ёшгача бўлган болалар сони 170298 нафарни ташкил қилади.

Мавжуд 284 та маҳаллада ташкил этилган оилавий спорт мусобақаларининг 1-босқичида 243 нафар оила иштирок этди. Жойларда ғолиб чиққан 11 нафар оила мусобақаларнинг иккинчи босқичида

иштирок этишди. Ҳар бир туман ва шаҳардан биттадан оила вилоят босқичида фаол иштирок этишди. Ғолиблар ташкилотчилар ва ҳомийлар томонидан қимматбаҳо совғалар, махсус дипломлар билан тақдирландилар.

Оммавий спорт мусобақаларини ташкиллаштириш борасида вилоятимизда "Кичкинтой-2004" болалар тенниси мусобақалари ҳам ниҳоятда қизиқарли ўтди. Фахрли 1-ўринни Гулистон шаҳар, 2-ўринни Сирдарё туман, 3-ўринни эса Боёвут туман жамоалари эгаллашди.

Бошкармамиз ногиронларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароитлар яратиш, уларни мураббийлар, спорт анжомлари ва мосламалар билан таъминлаш борасида бир мунча ишларни амалга оширмоқда. Вилоят кўзи ожизлар жамиятида шахмат, шашка федерациялари билан ҳамкорликда тўгараклар ташкил этилган бўлиб, мунтазам мусобақалар ўтказиб келинмоқда.

Маҳаллаларда жисмоний тарбия, соғломлаштириш комплекслари ташкил этиш, "ҳар маҳаллага биттадан спорт мажмуаси" дастурини бажариш мақсадида "Маҳалла", "Болалар спортини ривожлантириш" жамғармалари вилоят бўлимлари ва бошқа алоқадор ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳаллалардаги спорт иншоотлари, майдонлардан кенг фойдаланиш, мунтазам мусобақалар ўтказиб бориш борасида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, шу асосда иш олиб борилаяпти.

Спортчи-ўқувчилар билан маънавий-маърифий ва тарбиявий тарғибот ишлари олиб боришга ҳам алоҳида аҳамият берилаяпти. "Мен бир умр спорт билан яшайман", "Спорт менинг келажагим", "Маҳаллам тинч — оилам тинч" каби мавзуларда ўтказилаётган тадбирлар шулар жумласидандир.

Вилоятда жисмоний тарбия ўқитувчилари ва мураббийлар сони 1331 нафарни ташкил этади. Бугунги кунда вилоят халқ таълими тизими бўйича 96 нафар, вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими бўйича 45 нафар, олий ўқув юрти бўйича 2 нафар, вилоят спорт мактаблари ва федерациялари бўйича 12 нафар ходим малака ошириш институтларида тажрибаларини ошириб қайтдилар.

Спорт мусобақаларининг вилоят телевидениеси, радиоэшиттиришлари ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишига катта аҳамият берилмоқда ва уларда махсус рукнлар очилган.

Соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда спортчиларни мунтазам тиббий кўрикдан ўтказиб туриш, мусобақалардан сўнг тикланиш тавсияномаларини бериш иш тажрибамиздан мустаҳкам ўрин эгаллаган.



Бир сўз билан айтганда, юртимиз келажаги ҳисобланмиш болалар ва ўсмирларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишлари учун бор куч ва имкониятларимизни ишга солаяпмиз.

***Илҳом Мадазимов,***
*Вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси спорт ишлари масъули*

# Ёввойи эчкилар

(Эртак қисса)

Бир бор экан, бир йўқ экан, ўтган замонда эмас, шу ўзимизни кунларда Тошкент шаҳрида энг ақлли одамларни шошириб, ўйлантириб қўядиган сирли бир воқеа юз берибди-ки, бутун шаҳар аҳли ҳайратдан ёқасини ушлаб қолибди. 12 қаватли уйларнинг қоқ ўртасига дадалари қуриб берган қизил қум тўкилган, кенг, боҳаво майдончада жамики болалар қийқиришиб, югуришиб, ўмбалоқ отишиб ўйнашаётган экан. Ўйнаётганлар орасида Фаррух деган ҳушёргина бир бола ҳам бор экан. Туғилган кунида дадаси совға қилган ростакамидан ҳеч қолишмайдиган самолётга опаси Сорахонни, акаси Ҳумоюнни, меҳмонга келган Расулжон ўртоғини чиқазиб олиб, гоҳ ўнгга, гоҳ чапга ҳайдашиб, қийқириб кулишиб, жуда-жуда маза қилишаётган экан. Тўсатдан, ҳа-ҳа, тўсатдан сирли воқеа юз берибди-ку, самолёт тариллаб овоз бериб, орқасидан кўм-кўк тутун чиқазиб, аввал 12 қават уйлар баробар учибди, кейин худди лочин қушдек тумшуғини олдинга чўзганча ҳаволаб бориб-бориб, паға-паға бўлиб сузаётган оппоқ булутлар орасида кўздан ғойиб бўлибди.

— Хайр, дадажон! — қичқирибди Фаррух осмондан туриб.

— Опажон, қозондаги сув тошиб кетса, мен айбдор эмасман, — деб бақирибди Сорахон.

— Ойижон, мен эртага боғчага бормайман, — дебди Расулжон.

Ҳумоюн ҳам бир нарса деб қичқирган экан, самолётнинг тариллаган овози эшиттиргани қўймабди. Самолёт бўлса, учгандан учаверибди-учаверибди. Гоҳ ўркач-ўркач бўлиб, бир-бирини қувлаб бораётган оппоқ булутлар орасида шўнғиб ўтармиш, гоҳ қоп-қора булутлар самолётни ютиб, йўқ қилиб юборармиш. Бир қараса, чарақлаб офтоб чиқармиш, яна бир қараса, қоронғулик шунақа қуюқ бўлармиш-ки, Расулжон ҳатто ўзининг бурнини ўзи кўра олмай, бурун ўрнига қулоғини ушлаб-ушлаб қўярмиш.

Ерда қолганлар эса ёқа ушлаб, анчагача анграйиб туришибди. Бир хиллар "Учар тарелкалар ўғирлаб кетди уларни", дейишса, бошқалари "Сеҳрли воқеа юз берди", дермиш. Яна битта ҳаммадан ҳам ақллироқ одам бор экан. Ўша бўйнини баланд чўзиб, баланд овоз билан "Япон ўйинчоқларининг ичида тўсатдан ғириллаб ишлаб кетадиган кичкина-кичкина сеҳрли моторчалар бўлади, болага самолётни беришдан олдин зўр устага кўрсатиб олиш керак эди", дермиш.

Хуллас, у бўпти-бу бўпти самолёт осмонда ғувиллаб учиб кетаверибди-кетаверибди.

— Урра, мен масза қиляпман! — дермиш икки қўллаб рулни маҳкам ушлаб олган Фаррух.

— Мен сал-пал қўрқяпман. — дермиш Сорахон.

— Мен ҳеч ҳам қўрқмайман, ботирман, — дермиш Расулжон.

— Мени уйқум келаяпти, — дермиш Ҳумоюн.

Самолётнинг тумшуғини лочин қушни тумшуғига ўхшатиб сал пастга эгиладиган қилиб ясашган экан. Бир маҳал ана шу қайрилма тумшуқдан "Қўрқмасанг, ўзингни йўқотмасанг, мард бўлсанг, мурод-мақсадинга етасан", деган ўзбекча овоз эшитилиб қолибди. Овоз Фаррухнинг бувисиникига ҳам, Расулнинг бобосиникига ҳам жуда-жуда ўхшаб кетармиш-ку, бундай кўзларини каттароқ очиб қараса, олдиларида қоронғуликдан бошқа ҳеч нарса йўқ эмиш. Самолёт эса вариллаб учгандан учаверибди, учаверибди. Осмон шунақа кенг эмишки, болалар олдинга кетишяптими, орқага кетишяптими ҳеч билишмас эмиш. Гоҳ ўнг томондан, гоҳ чап томондан ловиллаб ёниб турган метеоридлар зув—зув этиб ўтиб кетармиш. Ўтаётганда осмоннинг ярмини чароғон қилиб ёритиб юборар эмиш. Бир пайт, самолёт шундай баландлаб учибдики, Сорахоннинг бўйи сал новчароқ эмасми, боши юлдузларга тегай-тегай деб қолибди. Ҳумоюн битта юлдузни ушлаб кўрмоқчи ҳам бўлибди-ку, лекин юлдуз менга етолмайсан дегандек, тезгина ҳаволаб учиб кетибди.

Осмондаги гаштли, фақат ҳузурдан иборат бўлган сафар давом этаверибди. Ер вақти билан қанча бўлганини билиша олмабди-ку, осмон вақти билан бир йилча учганларини ҳаммадан олдин Расулжон сезиб қолибди. Нега десангиз, Расулжоннинг қорни осмон вақти билан бир йилда бир марта оч қолар экан. Ҳозир ҳам жуда-жуда очлигидан, демак, бир йилча учибмизда, деб ўйлабди. Бир вақт бундай қарашса, самолётни тариллаб турган овози тўсатдан ўчиб, ўзи худди ўқ теккан қуш каби лапанглаб-лапанглаб пастга тушиб бораётган эмиш. Қўрқиб кетишибди. Хурсанд бўлишни ҳам, хафа бўлишни ҳам билиша олмай бир-бирларининг пинжига кириб, қучоқлашиб жим туришаверибди. Самолёт оҳиста пастлаб бориб, қуюқ ўрмоннинг чеккасига, барра ўтлар ўсиб ётган бир кенгликка қўнибди. Қўнган жойлари шундай бир гўзал эканки, таърифига сўз тополмай анча маҳал анграйиб қолишибди. Фаррухнинг ҳайратдан оғзи очилиб қолган эмиш. Ўт-ўланлар қалин ўсганмиш, ариқларда жилдираб зилол сув оқармиш, зилол сувлар жарангли овоз билан ёқимли ашулалар айтармиш, чигирткалар ёқимли куйлар чалармиш, ўрмондаги қушчалар чақ-чақлашиб худди "Хуш келибсизлар", дегандек табрик айтармиш. Муздеккина шабода енгил-енгил эсиб, юзларини силаб ўтармиш. Қуёш эркалаб майин-майин нурлар сочармиш.

— Жуда масза-ку! — дебди Фаррух қувончини ичига сиғдира олмай.

— Вой, лолалар ҳам очилиб ётибди, — дебди гулларни яхши кўрадиган Сорахон.

— Мен энди ҳеч нарсадан қўрмайман, — дермиш Расулжон.

Аслида бу ерда йиртқич ҳайвонлар бўлса-я, деб дағ-дағ қалтираётган экану, шундай бўлсада, мен ҳеч нарсадан... деб юборибди.

— Қўрқманглар, агар бўри келса, мана бундай тепиб ерга йиқитаман, — деб Ҳумоюн сакраб ўнг оёғи билан ҳавони бир тепиб қўйибди.

Ҳайрият, ўзларини йўқотишмабди. Дадил бўлишибди. Адирлардан-адирларга ўтиб, анвойи гуллардан териб, чиройли гулдасталар ясашибди. Ўрмон ичидаги тор-тор сўқмоқлардан юриб, қўзиқоринлар теришибди. Ҳар қўзиқоринлар эмишки, бир хиллари Расулжонларникидаги хонтахтадай келармиш. Думалоқ ўсганлари эса Фаррухнинг бошича келармиш.

Ниҳоят ўт-ўланлар билан қопланган бир гўзал тепаликка тўхтаб, энди нима қилдик дея ўй суриб кетишибди. Ўзлари ҳам беҳад чарчашган, оч қолган экан. Очлик зўр келиб укалари аста-секин ҳиққиллай бошлашган экан, Сорахон нима қиларини билмай худди эчки боласига ўхшаб маъраб юборибди. Қишлоқдаги бувисиникига борганда эчки болаларига тақлид қилиб улардан хам чиройлироқ маърашни ўрганиб олган экан. Бу ерларда ёввойи эчкилар кўп экан. Ўшалардан бири Сорахон томонга аста-секин кела бошлабди. Унинг жажжи болаларини бўри еб кетган экан. Сорахоннинг овози ўша эчкичаларникига жуда-жуда ўхшаб кетган экан. Она эчки Сорахонга яқин келиб оёғига суйкалармиш. Илиққина тилини чиқазиб тиззаларини ялаб-ялаб қўярмиш. Болалар аввалига сал-пал қўрқишибди. Ҳумоюн бўри билан эчкини фарқига бормас экан, бу ҳойнаҳой бўри бўлса керак деб ўйлаб, тепмоқчи қам бўлибди. Сорахон эчки соғишни биларкан. Кишлоғидаги бувиси ўргатган экан. Бундай қараса, эчкининг елини сутга тўлиб, хамир қорадиган тоғорадек шишиб кетган эмиш. Сорахон ачинибди, жуда-жуда ачинибди, бечорагинам, деб юнгларидан майин-майин силабди-ю сутини соғиб ташласам, елини анча бўшаб, жони ҳузур қилармикин, деб ўйлабди. Она эчкини яна қайта-қайта силабди. Ғовакдек осилиб турган эмчагига қўл узатиб, оҳиста-оҳиста соға бошлабди. Илиққина сутдаи бир-икки марта ҳовучлаб ичиб қам олибди.

— Менга ҳам ичир! — дебди қорни очиб турган Расулжон.

— Менга қам икки ҳовуч берасан, — хархаша қилибди Фаррух.

— Менинг қорним катта, мана, кўринглар, уч ҳовуч ичаман, мен ҳаммангдан каттаман, — деб, атайлаб оёғини учида туриб бўйини баланд кўрсатибди Ҳумоюн.

Сорахон ҳам ақлли, ҳам тадбиркор қизлардан экан. Жанжал чиқмасин, дея учала укасини эчки болаларига ухшатиб эмаклатиб қўйиб, ҳовучидаги илиққина сутни навбати билан ичира бошлабди. Қизиқ, худди булоқдан чиқаётгандек она эчкининг сути ҳеч адо бўлмас эмиш.

Кеч кира бошлабди. Тун борлиққа аста-секин пардасини ёйибди. Ўрмон томондан йиртқичларнинг бир-биридан ваҳимали овозлари эшитилар-миш, оч бўрининг чўзиб-чўзиб увиллагани, чия бўрининг худди бировни масхара қилаётгандек ингичка чийиллаши, айёр тулкининг чақалоқдек ингалаб йиғлаши, шерхоннинг ўрмонни бошига кўтариб атрофга даҳшату-ваҳшат солиб қаттиқ, ўкиргани эшитилармиш. Қўрқиб кетишибди, жуда-жуда қўрқишибди. Бир-бирларининг пинжига кириб, дағ-дағ қалтирашармиш. Расулжоннинг ияги иягига тегмай, тишларини тақиллатармиш. Ҳар эҳтимолга қарши 20 тадан тош териб келиб, олдиларига қўйиб олишибди. Ҳумоюн бўри келса, шошиб қолмайин, деб ўзининг бошича келадиган тошни қўлида маҳкам ушлаб олган эмиш. Оғир шароитда, ҳаёти хавф остида қолганда одам боласининг ақли жуда тез ишлаб кетар экан. Расулжоннинг ақли ҳам шу пайтда жудаям тез ишлаб кетибди.

— Олов ёқамиз! — деб сакраб ўрнидан туриб кетибди у. — Тоққа борганда кўрганман, тошни тошга урса, олов чиқади, урра, буни мен топдим, Ур-ра... мен топдим!

— Тўғри, — дебди Сорахон ҳам меҳмон укасини маъқуллаб, фақат, чақмоқтош тошиш керак, чақмоқтошдан тез олов чиқади. Қора тошдан олов чиқмайди...

Қоронғу бўлгани учун олдиларидагидан қайси бири чақмоқтош эканлигини билиша олмабди. Охир биттасидан олов чиқиб қолар, деб ҳамма тошларни бир-бирига уриштираверишибди, уриштираверишибди. Бир маҳал Ҳумоюннинг кўйлаги лов этиб ёниб кетибди. Тош уруштиришаётганда ўт чиқиб кетган экан.

— Ур-ра... Оловни мен ёқдим! — деб Ҳумоюн ўрнидан туриб кўйлагини еча бошлабди.

— Тезроқ еч, — деб қичқирибди Сорахон. Ҳаммалари эсли-ҳушли болалар экан. Олов ўчиб қолмаслиги учун нималар қилиш кераклигини билишар экан. Кўз юмиб-очгунча чўп-хаслардан, қуриб қолган ўтлардан териб келиб, оловни гулдиратиб юборишибди. Шундай гулдиратишибди-ки, оловнинг баландлиги ҳув наридаги чинорлардан ҳам юқорироқ бўлиб кетибди.

— Кўйлагим куйиб кетди, деб хафа бўлма, — дебди Сорахон Ҳумоюн укасининг кўнглини кўтариб, — мана шу ёнимизда турган она эчкининг жунидан қирқиб, сенга чиройли кўйлак тикиб бераман.

Кечаси бир-бирларининг пинжиларига кириб ухлашибди. Сорахон тез-тез уйғониб оловга чўп-хасдан ташлаб қўяркан. Расулжон бир-икки уйғониб «Опа, эртага бочага бормасам майлими?» деб сўрабди. Фаррух бошини хиёл кўтариб, кўзи юмуқ эмишу, қўлимдаги ноним қани, ҳозир еб турувдим-ку, деб сўрабди. Ҳумоюн бўри келса ураман дея, катта тошни қучоқлаганича туни билан ҳеч уйғонмабди. Эрталаб қулоғидан чўзиб, оёғидан тортиб зўрға уйғотишибди.

Эрталаб ўринларидан туришса, вой-бўй йиртқич ҳайвонлардан қўрқиб пана-панада писиб, беркиниб ухлайдиган бошқа эчкилар ҳам боласини бўри еб кетган она эчкига эргашиб, гулхан атрофига шунақа кўп тўпланишибди-ки, ҳисоби йўқ эмиш. Бир хил эчкилар янги туққан экан, чиройли-чиройли улоқчалар дикон-дикон қилиб сакрашиб юришган эмиш. Ҳумоюн эчкилар гулханга исинишга келишдими, гулхан ҳимоясида йиртқичлардан жонларини сақлаш учун келишдими ёки сутнинг ярмини соғдириб ташлаб сал енгилроқ бўлай дейишганми, ишқилиб, нега келишдийкан деб роса ўйлабди-ю лекин шунча эчкининг бир йўла йиғилиб келганлигига ҳеч тушунолмабди. Фаррух битта эчки бола билан бош уруштираман деб ушлай олмабди. Эчкиларнинг такалари шунақа катта, шохлари ҳам ўткир, соқоллари ҳам шунақа узун эканки, одам астойдил тикилса, қўрқиб қолар экан. Расул ана шу баҳайбат такалардан биттасини минмоқчи бўлган экан, яқинига ҳам йўлатмабди. Мараб юборган экан, Расул қочиб бориб опасининг орқасига беркиниб олибди. Сорахон кўп зиёкор қиз экан. Ойижониси бекорга асал қизим деб эркаламас экан. Укалари сут ичиб, қорни оғриганида, ерда ётмайман, шамоллаб қоламан деб йиғлашганида, ҳаммаларини юпатаркан. Худди боғча опаларига ўхшаб, бошларидан силаб-силаб, пешоналаридан ўпиб-ўпиб юпатар экан. Эчки соғаркан, кечаси ёқишга ўтин тайёрлар экан. Ўтган йил қишлоққа борганида лойдан коса ясаб, оловда пиширадиган кулол бобоникига ўртоғи билан меҳмонга кириб, коса қандай ясалишини, қандай пиширилишини кўрган экан. Ҳатто ўша бобоси Сорахон ясаган косани оловда пиширибди ҳам берган экан. Мен ҳам коса ясайман, тош устига қўйиб пиширабди, деб ўйлабди-ю, дарҳол укаларини ёрдамга чақириб, ишга кириб кетибди. Етти кун деганда 2 та коса, 11 та пиёла, сал қийшиқроқ, бўлса-да 5 та лаган тайёр бўлибди. Ҳумоюн севинганидан косани осмонга отиб уйнайман деб синдириб ҳам қўйибди. Одамнинг ҳаёти хавф остида қолганда жудаям ақлли бўлиб кетади, деганлари рост экан. Ҳаммаларининг ақлига ақл қўшилаверибди, қўшилаверибди. Расул билан Фаррух эчкиларнинг боласига ўхшаб, майин-майин эркаланиб маърашни ўрганиб соғин эчкилардан 1 тасини қўлга ўргатиб олишибди. Соғишни ҳам ўрганишибди. Расул соғаётганда Ҳумоюн эчкининг бўйнидан қучоқлаб, бошини силаб-силаб тураркан. Кўпинча эчки боласига ўхшаб эмаклаб келиб чалқанча ётаркан-да, эчкининг юмшоққина эмчагини оғзига солиб лўккилатиб сўриб олар экан. Бир марта билмасдан тишлаб олган экан, она эчки уни бошига бир тепибди, ўшандан буён эмишни билмас экансан деб, ёнига қўймаётган экан.

Энди эчки сутини пириб ичишни ўрганишибди. Товоққа ўхшаб кетадиган сариқ тошларда қатиқ увитишар экан. Ёввойи ўсган ўтлардан тағин заҳарланиб қолмайлик дея оз-оз еб кўришибди. Қоринлари оғримаган экан, энди кўп ея бошлашибди. Анорми, нокми, олмами номини билишмас экан, барибир туйиб-туйиб ейишар экан. Бу ерлар асли ёввойи эчкиларнинг макони экан. Тўп-тўп бўлиб яшашар экан. Бир тўда иккинчи тўдага қўшилмас экан. Расулжон битта юнглари майин, баҳайбат такани дори-дармон бериб тузатибди-да, секин устига миниб яйловларни айланадиган бўлибди.

Аввалига дадаларимиз келиб олиб кетишади деб йўл пойлашибди, тепаликка чиқиб гоҳ осмонга, гоҳ ўрмон томонга роса тикилишибди, йиғлаб-йиғлаб ҳам олишибди. Бора-бора ўрганиб кетишибди. Сорахон пиширган хумларда эчкиларнинг сутидан қаймоқ, сариёғлар йиғар экан.

Эчкиларнинг жунидан кесиб, остиларига қалин-қалин кўрпалар, устиларига юмшоқ-юмшоқ ёпинғичлар тайёрлашар экан. Ёввойи мевалардан мўл-кўл қуритиб қишга тайёргарлик кўришар экан. Баъзан ҳалигидек ота-оналарини, ўринларини соғиниб йиғлай-йиғлай деб турганларида, тўсатдан, қадрдон самолётларнинг тумшуғидан «Кўрқмасанг, ўзингни йўқотмасанг, муродумақсадингга етасан, дунё ботирларники, дунё мардларники», деган таниш ўзбекча овоз эшитилиб қолар экан. Шунда Фаррух хиқиллашдан тўхтаб:

— Мен ботирманми опа,— деб сўраркан Сорахондан.

— Тўғри ҳаммамиз ботирмиз, — гапга қўшилар-кан Ҳумоюн.

— Биз бўрилардан ҳам қўрқмаймиз, қўрқмай-миз, — дейишибди.

Ҳаммалари ўйинга тушиб кетишаркан. Расулжон бармоқларини қирсиллатиб ўйнаркан, Ҳумоюн олдинга эгилиб-эгилиб салом бериб ўйнаркан, Фаррух икки қўлини биқинига қўйиб сакраб-сакраб ўйнаркан. Бир марта олдинга, бир марта орқага сакраб-сакраб ўйнаркан.

Шундан кейин кунлар кетидан кунлар ўтаверибди, ўтаверибди. Вақт ҳисобини, асосан, Расулжоннинг қорни очган ва очмаганлиги билан ўлчашаркан. Уч марта оч қолса, бир кун ўтган бўларкан, ҳисоб 10 мингга етганда, у ёғига адашиб кетишибди, нега десангиз 10 мингдан у ёғини санашни ҳеч бирлари билмас эканлар, лекин, барибир бекор ўтиришмас экан. Ҳумоюн эчкиларнинг семизроғидан танлаб сўйиб, гўштини нимталашни ўрганибди, яхшигина қассоб бўлиб қолибди. Расулжон қизиган тошнинг устига гўштни ёпиб пириш машқини олибди, Фаррух дарахтнинг навдасидан сих ясаб, кабоб пиширишни ўрганибди. Сорахон бўлса, эҳ-ҳе, 20 тача ҳунар ўрганибди, эчкининг терисидан тиккан кавушни кўрсангиз оғзингиз очилиб қолади. Лекин энг зўр бир ишни Ҳумоюн бажарибди. Ўрмон чеккасида она шернинг уяси бор эмиш. Ҳумоюн кўпинча эмаклаб бориб, дарахтнинг панасида беркиниб туриб, шерни кузаттани-кузатган экан. Нега бундай қилаётганини билмас экан-у, барибир кузаттани, кузатган экан. Кунлардан бир кун она шерни катта заҳарли илон чақиб олибди-ю ун икки кунлик боласи етим қолибди. Ҳумоюн ана шу шерни жун қопга ўраб олиб келиб эчки сутидан оз-оз бериб боқиб аста-секин ўзига ўргатиб олибди. Авваллари укаси Фаррух билан шернинг бўйнига жун арқон боғлаб галма-галдан етаклаб юришар экан. Кейинчалик минадиган ҳам бўлишибди.

— Шернинг боласини минганимни адажоним бир кўрсайди!—деб орзу қилар экан Ҳумоюн.

— Агар олиб кетсак, мен уни боғчамга миниб борар эдим — деди Фаррух.

— Эҳ, гапни чўзмасаларинг-чи, шўрва совиб қолаяпти, урушиб бераркан, — Сорахон.

Кейин каттакон тошқозонни ўртага қўйиб тошқошиқ билан қайноқ-қайноқ шўрвани шўриллатиб ичишар экан. Ҳаммаларига иш тенг тақсимланган экан. Сорахон 14 та эчкини соғаркан. Расулжон сут пишириб қатиқ қиларкан, қаймоғини қайнатиб сариёғ тайёрлар экан. Тайёр бўлган сариёғларни Сорахон ясаган хумларга қўйиб оғзини беркитар экан. Фарруҳ тошқозон ортига туну-кун олов ёқиб бераркан. Унга оловкор деб ном ҳам қўйишган экан. Ҳумоюн ялпоқ тошинг устига ўтириб олиб, сузмалардан ҳеч чарчамасдан қурт ясар экан. Қуртлар сони 17 мингга етганида, 17 мингдан у ёғига санашни билмагани учун, қолганларини санамасдан қопга солаверибди. Гоҳо бошини кўтариб:

— У ёққа борганимда жвачкага алмаш-тираман, — деб қўяркан,

— Мен сариёғимдан сотиб, тариллатиб отадиган автомат оламан, — деркан Расулжон.

Фаррух бўлса нима дейишини билмай;

— Мен адажонимни ачомлаб ухлайман, — дея бир хўрсиниб олар экан.

Турмушлари шу йўсин кечаверибди, кечаверибди. Бир кун ташқарида ҳаво жуда совуқ экан, бир-бирларининг пинжига кириб ухлашибди, устимиз очилиб қолса, музлаб қолмайлик деб шундай қилишибди. Қарангки, ҳаммалари бир хил туш кўриб, ҳаммалари бир овоздан:

— Ойижон! — дея уйғониб кетишибди. Кейин уйқулари қочиб роса гапга тушиб кетишибди. Оналарини, адажонларини, музқаймоқ сотадиган семиз хотинни қайта-қайта эслашибди.

Фаррух озгина йиғлаб ҳам олибди. Йиғлабди-ю, лекин кўзига ёш келмабди.

— Эртага кетаман, — дебди хиққилаб, — трамвай бўлмаса пиёда ҳам кетаверараман.

Ҳаммалари кулиб юборишибди. Нега десангиз, бу ерларда яъни осмондаги мамлакатда трамвай бўлмаслигини Фарруҳнинг ўзи ҳам яхши биларкан. Айтган гапи ғалати бўлгани учун акаларига қўшилиб ўзи ҳам кулаверибди. Ҳаммалари чарчаб қолгунча кулишибди.

Тонг отибди, кун чиқибди, қаймоғу сариёғлар билан нонушта қилишибди. Кейин ҳаммалари ҳар кунгидек ўз ишларига машғул бўлишибди. Расулжон дори-дармон бериб, оёққа тургазиб олган наввосдек такасини миниб узоқ яйловдаги эчкилардан хабар олгани жўнабди. Сорахон ўзи яхши кўрган ёввойи гулларнинг уруғидан йиғишга мажбур бўлибди, Фаррух, ўзларини олиб келган самолётнинг олдига эчки болалари билан калла уриштириш ўйнаётган экан, самолётнинг қийғирникига ўхшаш қайрилма тумшуғидан «қўрқмадинг, ўзингни йўқотмадинг, энди муродингга етасан, тайёрлан, юртингга қайтасан» деган ўзбекча ёқимли овоз эшитила бошлабди. Фаррух шошганидан довдираб қолибди. Сорахон опасининг олдига югуриб бориб, нима дейишини билмай эчки болага ўхшаб нуқул сакрармиш. Бир нафасда ҳаммалари йиғилиб келишибди. Ёқимли овоз такрор ва такрор эшитилармиш. Оҳ-оҳ ўша пайтлардаги уларнинг қувончи-севинчлари! Ҳар бирининг юзида бамисоли чиройли гул очилгандек бўлибди. Севинчларига сайроқи қушлар сайрашибди. Яйловдаги майсалар чайқалиб табрик эттандек бўлибди. Лекин болаларнинг ўзлари гоҳо-гоҳо иккиланиб қўяётган эмиш, кетайлик дейишса, бу ерда ўзлари кашф қилган, ўзлари эгаси бўлган ажойиботлардан кўзлари қиймас эмиш, қолайлик дейишса, ота-оналарини музқаймоқ сотадиган бақалоқ холани жуда-жуда соғинишган эмиш. Қизиқ, шу пайтда яна бир мўъжиза юз берибди. Самолётчалари аста-секин кенгайиб, катталашиб бораётганмиш, худди кимдир пуфлаб шишираётганга ўхшармиш.

— Кетамиз, қадрдон уйимизга кетамиз! — бароварига қичқириб юборишибди. Нега десангиз, шу пайтда кўзларига бу ердаги барча муъжизалардан, барча ажойиботлардан уйлари чиройли бўлиб кетибди.

Кўп нарса йиғиб қўйишган экан. 21 минг хумда сариёғ, 14 хумда қаймоқ, 31 минг донага яқин ёғли қурт, 3 қоп қуритилган ёввойи ўтлар, 1 қоп анвойи гулларнинг уруғи, жундан тикилган кўрпа-чойшаблар, чақмоқ тошлар-у, сут бериб уларни очиқдан қутқариб қолган она эчкилар, Расулжон миниб юрган баҳайбат така, ўргатилган шер боласи... Ҳамма-ҳаммасини самолётга юклашаверишибди, юклашаверишибди. Бир кеча-бир кундуз юклашибди. Охири тариллашдан ҳеч тўхтамай учишга шай турган самолётга чиқишиб:

- Қадрдон эчкиларимиз, гулларга тўлган яйловлар, эй тошлардан ясалган уйларимиз, эй ўрмондаги дарахтлар, хайр! — дейишиб, гоҳ йиғлашиб, гоҳ кулишиб учиб кетишибди.

Самолёт тариллаб, орқасидан кўм-кўк тутун чиқазиб парвоз қилибди. Кейин худди вертолётга ўхшаб гоҳ тепага, гоҳ ўнгга, гоҳ чапга учаверибди. Самолётнинг қирғийникига ўхшаш қайрилма тумшуғидан «Қўрқмадинг, ўзингни йўқотмадинг, мана муродингга етдинг», деган сўзлар тинмай эшитилаверибди.

Осмон вақти билан неча ойу неча йил учанларини эслай олмабдилар-ку, лекин Расулжоннинг парвоз маҳали 1001 марта қорни очганлигини ҳисобга олишиб, шундан парвозда қанча вақт бўлганларини тахмин қилишибди. Самолёт 12 қаватли уйларнинг ўртасига қурилган болалар ўйнайдиган майдончадан кўтарилган экан. Яна худди шу ерга юмшоққина қўнибди. Сорахон, Ҳумоюн, Расулжон, бирин-кетин сакраб пастга тушишибди. Ролни бошқараётган Фаррух ҳаммадан кейин тушибди. Майдондаги одамлар улар осмонда парвоз қилган маҳалда қандай баҳслашаётган бўлса, яна ўшандай баҳслашаётган эмиш.

— Учар тарелкалар ўғирлаб кетди уларни.

— Йўқ, билмайсан. Самолёт тўсатдан учиб кетдики, демак сеҳрли экан-да.

— Бўлмаган гап, самолётни ичида яширинча мотор бўлган...

Хуллас, мана шунақа пасту-баланд гаплару, тортишувлар ҳеч тўхтамасмиш.

Кейин тўсатдан ҳаммалари жим бўлишиб осмон саёҳатидан соғ-омон қайтганларга ҳайрат ичида тикилиб, жим бўлиб қолишибди.

Нега жим бўлиб қолишди экан, сабабига ҳеч ким тушунмас эмиш...

**Худойберди ТЎХТАБОЕВ,**
*Ўзбекистон халқ ёзувчиси*

# Келажакка инвестиция

Сирдарё вилоятида таълим соҳасини ривожлантириш борасида қатор юмушлар амалга оширилмоқда. Натижалар эса мақташга арзигулик.

Вилоятда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг иккинчи босқичида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, таълим тизимини такомиллаштириш, моддий негизини мустаҳкамлаш, кадрлар малакаси ҳамда ўқувчилар ўзлаштириш даражасини ошириш, мактаб ўқувчилари ўртасида содир бўладиган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, ўқитувчи ва ўқувчиларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари бўйича муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Вилоятнинг мавжуд 8 та туман 3 та шаҳрида 535 та таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Шулардан 305 таси умумтаълим мактаблари бўлиб, улардан аксарияти ҳам бинокорлик ҳам техник-технологик жиҳозланиш борасида бугунги кун талабларига тўла мос келади. Ўтган 2004 йилнинг ўзида вилоят ҳокимлиги томонидан мактабларни компьютерлаштириш учун 30 млн. сўмлик маблағ ажратилди.

Вилоятда таълим-табия тўрт тилда: ўзбек, рус, тожик ва қозоқ тилларида олиб борилиб, жараёнга 10927 нафар муаллим жалб этилгандир.

"Йил ўқитувчиси" кўрик-танловида Боёвут туманидаги 29-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси Гулчеҳра Калонова фахрли 4-ўринни эгаллаган бўлса, "Сиз тарихни биласизми?" республика танловида иштирок этган Сирдарё туманидаги 13-умумий ўрта мактабнинг Сирдарё" жамоаси 4-ўринга сазовор бўлишди.

"Сиз қонунни биласизми?" республика кўрик танловида Боёвут туманидаги 15-умумий таълим мактабининг "Юрист" жамоаси 4-ўринни эгаллаган бўлсалар, "Ўзбекистон – Ватаним маним" қўшиқлар байрами республика кўрик танловида вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 7-синф ўқувчиси Шоҳрух Абиев "Грампри" соҳиби бўлди.

Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Аммо мақсад рўйхат тузиш эмас, балки вилоят умумтаълим мактаблари муаллимлари ўз касбларининг чин устаси, фидоий эканлигини такрор бўлса-да, эътироф этмоқдир. Зеро, бугун давр бошқача, талаб ўзгача. Бу ишда эса доимо собитқадамлик зарур.

Болалар — бизнинг келажагимиз. Келажакни фақат баркамол авлод бунёд этади. Камолотга эса ҳам руҳий, ҳам жисмоний ривожланишни уйғунлаштирган ҳолдагина эришиш мумкин. Зеро, донишманд халқимиз айтганидек, "Соғ танда – соғлом ақл". Вилоятда бу борада ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда вилоят таълим муассасаларининг 195 та спорт заллари, 173 та футбол, 68 та кичик футбол, 274 та воллейбол, 151 та қўл тўпи, 178 та баскетбол ва 2 та теннис майдонларида бугунги кунда 43929 нафар ўқувчилар спортнинг 25 тури билан шуғулланмоқдалар. Яқинда уларга 21 млн. 159 минг сўмлик спорт анжомлари олиб берилди.

Вилоятда таълимни ривожлантириш, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол шахс сифатида тарбиялаш ишига ҳам моддий, ҳам маънавий манбалар тўла сафарбар этилган. Зеро, таълимга сарфланган маблағ эртанги буюк келажак учун киритилган инвестициядир. Ушбу инвестиция, албатта, ўзини оқлаяжагига ишониб қоламиз.

# СОҒИНЧ ИСЁНИ

Ҳовлимиз этагида ертоклар бор. Ҳар кеч уй юмушларини тиндириб, унинг бўртган, йўғон новдасига ўтириб юлдузларга термуламан. Улар бошим узра сочилиб ётган атиргул косаларига ўхшайди. Очилган, яшноқ. Ой уйқуси келган, ҳомуза тортаётган одамдек оғзини очиб-очиб сузади. Хаёлларим эсаётган шамолдек беқарор. Гоҳ осмонга кўчади, гоҳ сизга. Меҳрибоним онажон, дейман юлдузларга қараб. Худди улар менинг онамдек. Чуқур-чуқур нафас олиб шамолларни ҳидлайман. Аслида сизнинг ҳидингизни излайман.

Шунда беихтиёр Муҳаббат холам берган чойнак ёдимга тушади. Уни мендан кўз бўлсин, деб берувдилар. Холамни кўргим келса чойнакни ушлаб-ушлаб қўяман. Унга чой дамлаб ичаман. Онажон, сиздан менга кўз бўлиб нима қолдийкин? Сарғайган, синган сувратингизми? Ё менинг ўзимми?

Онажон дейман осмонга қараб. Худди осмон менинг онамдек. Ё одам онасини соғинса, кўргиси келса ҳамма нарса онаси бўлиб кўринаверармикан?

Онажон кеча дилим қаттиқ оғриди. Кимданлигини айтолмайман. Арвоҳлар ҳамма нарсани билади. Ҳамма нарсадан хабардор бўлади дейишади. Унда, нимадан ранжиганимни билсангиз керак-а? Кўзларимни тўлдириб ёш келди. Бу соғинч ёшларими, озор ёшларими ўзим ҳам билмайман. Шунда эсимга қайсидир хонанданинг «Она тирик эшикка ғурбат яқин йўлолмас» деган қўшиғи келди. Сиз йўқлигингиз учун ғурбатнинг уйимга киришга ҳадди сиққандир балки.

Элас-элас эслайман. Эгнингизда катта-катта қалампир гулли кўйлагингиз бўларди. Балки бошқа кўйлагингиз ўзи бўлмагандир, деб ўйлайман ҳозир. Ўша кўйлакни кийиб деразага, ундан кўчага қараб ётардингиз. Ахир олти йил тўшакда ётишнинг ўзи бўлмайди-ку. Зерикардингиз. Ёз кунлари, иссиқда қўлингиздаги узун таёқ билан деразани итариб очардингиз. Унинг тутқичига ингичка арқон боғлаб бергандик. Ёпгингиз келса, уни тортардингиз. Мени «момош қизим», деб эркалаганларингиз ҳамон қулоғимда. Овозингиз шу қадар майин эдики, ипакка ўхшарди. Мен бугун шу овозни шунчалик соғинганманки. Уни бир бор эшитиш учун жонимни беришга тайёрман.

Бир куни ўша ток зангида сизни ўйлаб ўтирсам, кўзимга кўрингандек бўлдингиз. Ҳовли бурчагида оппоқ либосда турардингиз. Юз-кўзларингиз аниқ кўринмасди. Мен томонга бирпас қараб турдингиз-да сўнг ғойиб бўлдингиз. Қаёққа кетдингиз, билмадим. Балки осмонга чиқиб кетгандирсиз. Шу сабабли сизни соғинсам кўпроқ осмонга қарарман Соғинганимда сизни бир бора кўрсайдим. Армоним йўқ эди. Юзингизни атиргуллардан излайми? Ҳидингизни райҳонлардан топаманми? Изингиз қолган кўчалар гардини кўзимга суртсам соғинчим босилармикан? Дарвоқе, кеча қишлоғимга бордим. Биз қачонлардир яшаган уй ёнидан ўтдим. Ўтдим эмас, ўша эшик зулфинлари, дераза рахларига термулиб-термулиб турдим. Охири бўлмайди. Эшик ҳалқасини қоқдим. Қуралай кўз чиқди. Ҳовлингизга шундоқ, бир мўраласам майлими, дедим. Саволимдан ҳайронлиги чандон ошди. Мен унга бу ҳовли илгари бизники бўлгани, кейин кўчиб кетганимизни айтдим. Қизча мени уй текширувчилардан деб ўйлаган экан. Ҳовлига кирдим. Ўша йўлак. Ўша айвон. Мен кўпинча шу айвон тагига, аниқроғи пол билан ер орасидаги жойга беркинардим. Токи ўзим чиқмагунча, бу ердан мени ҳеч ким чиқара олмасди. Ҳаммом деворига ўтирволиб мактабимизга қатнайдиган қўшни қишлоқ болаларига тош отиб қочганимда ҳам шу жойга беркинардим. То тушга қадар деворга тош, кесак йиғардим. Бир қисми майкам ичида, липпамда бўларди. Уларни дарчадан ўтадиган болаларга отардим. Тўғри-да. Нега бизнинг мактабга келади. Ўзининг қишлоғида мактаб йўқми? Шунда ҳалиги болалар «қуролим» қолмагач, мени қувиб уйгача келишарди. Дарвозадан келасолиб ўша жойга ўзимни урардим. Ҳеч ким тополмасди. Очиқ дераза ёнида мени устимдан сизга шикоят қила-қила қайтиб кетишарди. Ҳар куни аҳвол шу эди. Мен шўхлик қилаверардим, қилаверардим. Энди билсам сизнинг ётишингиз бир азоб бўлса, менинг озорларим бир томон бўлган экан.

Онажон, сиз осмонда бўлсангиз менинг ҳам осмонга кетгим келади. Ёнингизда бўлсам бас. Юрагим соғинчдан ёмғирларда қолган кузги япроқдек илвирлаган. Йиртилган қуроққа ўхшайди. Мен уни йиллар армони, соғинчи, севинчи билан ўрагандим. Энди у йиртилиб кетаяпти. Мен ҳамон шу қуроқда сизнинг азиз хотирангизни, соғинчингизни, исмингизни кўтариб юрибман. Бу қуроқда Муҳаррам деган ёзув бор. Кўз ёшларим, юрагим, меҳрим бўёғи билан ёзилган ёзув. У ҳеч қачон ўчмайди. Худди бошим узра ёниб, сочилиб турган юлдузлардек.

Хаёл кипригимда қурди ошиён,
Кўзёш қайиқчаси сузар сиз томон.
Меҳрингиз дилимда қалқиган замон,
Берган кўзларингиз билан бегумон,
Кўрдим, кўраяпман Сизни, Онажон.
Ва сапчиб тураман ўрнимдан шу зум.
Юзу кўзингиздан ёғар табассум.
Яшнатар дилимни висол - гул мавсум.
Қучдим, қучаяпман Сизни, Онажон!

***Дилором ИСМОИЛОВА***

# Руҳ тарбияси

Халқимизда “Меҳнат қилган — яшашни ҳам билади” деган пурмаъно ҳикмат бор. Дарқақиқат, бу айтимни тўғри англаган сирдарёликлар бугунги кунда таълим, баркамол шахс тарбиясини такомиллаштириш ва ўқувчи-ёшлар маънавий савиясини юксалтиришга бел боғлаганлар. Зеро, яшашдан мақсад фақат жисмоний нафсни қондириш эмас-ку. Руҳни озиқлантириш, унинг тарбияси билан жиддий шуғулланиш бугун англаб етилган янгилик эмас, балки қадимдан шаклланиб келаётган қадриятдир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 сентябрдаги “Маданият ва спорт ишлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қароридан сўнг, Сирдарё вилоятида ҳам “Вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармасини ташкил этиш тўғрисида” вилоят ҳокими қарори қабул қилинди.

Бугун вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳар икки соҳада ҳам давлат сиёсатини ўтказиш, асрлар давомида шаклланган юксак маънавият, анъаналар, урф-одатлар, халқ ўйинлари, миллий спорт турлари ҳамда халқимизнинг бой маданий меросини миллий мустақиллик ғоялари асосида тиклашга, ривожлантиришга бел боғлаганлар.

Айни пайтда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси тизимига кирувчи 198 та кутубхона, 104 та клуб муассасаси, 14 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, Гулистон шаҳридаги маданият ва истироҳат боғи, “Сирдарё наволари” ашула ва рақс ансамбли, расмлар галереяси, вилоят халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Олим Хўжаев номидаги вилоят театри, “Ўзбекрақс” ва “Ўзбакнаво” вилоят бўлимлари ҳамда “Мирзачўлни ўзлаштириш тарихи” музейи фаолият кўрсатмоқда.

Энг қувонарли томони шундаки, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасининг ҳар бир ходими ўз вазифасига сидқидилдан, юксак маҳорат чўққиларини кўзлаб меҳнат қилаётганлигидир.

Вилоятда мунтазам равишда бадиий ҳаваскорликнинг 4 та жанри бўйича кўрик-танловлар ўтказиб борилади. “Ўзбекистон — қўшиқлар байрами” кўрик-танлови, “Аскиячилар ва қизиқчилар”, “Фольклор ижрочилари” ва “Мақом ижрочилари”нинг кўрик-танловлари бугунги давр талаби асосида ўтказилиб, вилоят голиблари республика босқичида иштирок этдилар.

Ўтган йили май ойида Мукаррама Турғунбоева хотирасига бағишлаб ўтказилган рақс кўрик-танлови вилоятда ушбу жозибали санъат тури ҳам ривожланганидан дарак беради. Чунончи, Сирдарё туман маданият ишлари бўлими қатнашчиси Нафиса Бобожонова III-ўринни, “Сирдарё наволари” ашула ва рақс ансамбли раққосаси Матлуба Хасанова II-ўринни, “Ўзбекрақс” вилоят бўлими раққосаси Нилуфар Убайдуллаева фахрли I-ўринни эгаллаб, республика кўрик-танловида иштирок этиб, мутлақ голибликни қўлга киритди.

Вилоят аҳли санъатнинг кўплаб жанрларида ўз маҳоратларини турли мақомларда намойиш этиб келмоқда. Чунончи, Маргилон шаҳрида ўтказилган мақомчилар Республика танловида Мирзаобод тумани мақомчилар дастаси иштирок этиб, фахрли III ўринни эгалладилар. Вилоят Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-услубий маркази ҳодимлари томонидан бир неча услубий қўлланмалар, бадиий ҳаваскорлик жамоалари фаолияти ҳақидаги буклетлар ишлаб чиқилди. Айни пайтда ушбу қўлланмалардан туман ва шаҳарлар маданият муассасалари фаолиятида кенг қўлланилмоқда. Ана шундай адабиётлардан “Маданият муассасалари иш фаолиятида мустақиллик, маънавият ва миллий истиқлол мафкураси масалалари”, “Мурувват — одамийлик мезони” номли услубий қўлланмалар ва “Сайхун йигитлари” фолклор-этнографик дастаси фаолияти ҳақидаги буклетларни алоҳида таъкидлаш мумкин.

Кутубхона — нурхона

Ўн саккиз минг олам ичра Инсон буюк мўъжиза бўлса, У яратган мўъжизаларнинг энг олий рутбада турувчиси Китобдир. Китоб Инсоният тафаккури ва онг ихтиросини замонлар оша ўзида сақлаб келмоқда.

Айни пайтда вилоятда 11 та марказлаштирилган кутубхоналар бошқармасини ташкил этиш тўғрисида” вилоят ҳокими қарори қабул қилинди.

Бугун вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳар икки соҳада ҳам давлат сиёсатини ўтказиш, асрлар давомида шаклланган юксак маънавият, анъаналар, урф-одатлар, халқ ўйинлари, миллий спорт турлари ҳамда халқимизнинг бой маданий меросини миллий мустақиллик ғоялари асосида тиклашга, ривожлантиришга бел боғлаганлар.

Айни пайтда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси тизимига кирувчи 198 та кутубхона, 104 та клуб муассасаси, 14 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, Гулистон шаҳридаги маданият ва истироҳат боғи, “Сирдарё наволари” ашула ва рақс ансамбли, расмлар галереяси, вилоят халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Олим Хўжаев номидаги вилоят театри, “Ўзбекрақс” ва “Ўзбакнаво” вилоят бўлимлари ҳамда “Мирзачўлни ўзлаштириш тарихи” музейи фаолият кўрсатмоқда.

Энг қувонарли томони шундаки, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасининг ҳар бир ходими ўз вазифасига сидқидилдан, юксак маҳорат чўққиларини кўзлаб меҳнат қилаётганлигидир.

Вилоятда мунтазам равишда бадиий ҳаваскорликнинг 4 та жанри бўйича кўрик-танловлар ўтказиб борилади. “Ўзбекистон — қўшиқлар байрами” кўрик-танлови, “Аскиячилар ва қизиқчилар”, “Фольклор ижрочилари” ва “Мақом ижрочилари”нинг кўрик-танловлари бугунги давр талаби асосида ўтказилиб, вилоят голиблари республика босқичида иштирок этдилар.

Ўтган йили май ойида Мукаррама Турғунбоева хотирасига бағишлаб ўтказилган рақс кўрик-танлови вилоятда ушбу жозибали санъат тури ҳам ривожланганидан дарак беради. Чунончи, Сирдарё туман маданият ишлари бўлими қатнашчиси Нафиса Бобожонова III-ўринни, “Сирдарё наволари” ашула ва рақс ансамбли раққосаси Матлуба Хасанова II-ўринни, “Ўзбекрақс” вилоят бўлими раққосаси Нилуфар Убайдуллаева фахрли I-ўринни эгаллаб, республика кўрик-танловида иштирок этиб, мутлақ голибликни қўлга киритди.

Вилоят аҳли санъатнинг кўплаб жанрларида ўз маҳоратларини турли мақомларда намойиш этиб келмоқда. Чунончи, Маргилон шаҳрида ўтказилган мақомчилар Республика танловида Мирзаобод тумани мақомчилар дастаси иштирок этиб, фахрли III ўринни эгалладилар. Вилоят Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-услубий маркази ҳодимлари томонидан бир неча услубий қўлланмалар, бадиий ҳаваскорлик жамоалари фаолияти ҳақидаги буклетлар ишлаб чиқилди. Айни пайтда ушбу қўлланмалардан туман ва шаҳарлар маданият муассасалари фаолиятида кенг қўлланилмоқда. Ана шундай адабиётлардан “Маданият муассасалари иш фаолиятида мустақиллик, маънавият ва миллий истиқлол мафкураси масалалари”, “Мурувват — одамийлик мезони” номли услубий қўлланмалар ва “Сайхун йигитлари” фолклор-этнографик дастаси фаолияти ҳақидаги буклетларни алоҳида таъкидлаш мумкин.

Кутубхона — нурхона

Ўн саккиз минг олам ичра Инсон буюк мўъжиза бўлса, У яратган мўъжизаларнинг энг олий рутбада турувчиси Китобдир. Китоб Инсоният тафаккури ва онг ихтиросини замонлар оша ўзида сақлаб келмоқда.

Айни пайтда вилоятда 11 та марказлаштирилган кутубхоналар тизимига 198 кутубхона бирлаштирилган бўлиб, уларнинг бугунги китобхонлари вилоят аҳолисининг кўпчилик қисмини ташкил этади. Шу кунгача вилоятдаги кутубхоналарга 2 300 270 сўмлик 4435 нусхадаги китоблар олинди. Энг қувонарли томони шундаки, китобларнинг 3776 нусхаси ҳомийлар томонидан тортиқ қилинди.

Бугунги кунда вилоят кутубхоналарида ўз ишининг фидойилари — 338 нафар кутубхоначи меҳнат қилмоқда. Вилоятдаги кутубхоналарда “Энг яхши китобхон оила” кўрик-танлови мунтазам ўтказилиб турилади. Ушбу тадбирларнинг барчаси вилоят аҳли маънавий савиясини ошириш, уларни миллий ва жаҳон адабиёти дурдоналари билан таништириш, китобга ошно этиш мақсадида амалга оширилмоқда. Бир сўз билан айтганда, вилоятдаги кутубхоналар, кутубхоначилар сирдарёликлар руҳиятига маданий ҳордиқ, озиқ бериш учун тинимсиз изланишда.

Биласизми?

## Энг, энг, энг...

Дунёдаги энг кўп топишмоқлар тўпланган жой Венгриянинг Печ шаҳридаги музей архивидир. Унда 120 минг топишмоқ сақланади. Уни Ласло Мандони исмли этнограф олим 25 йил давомида тўплаган. IV асрда лотин тилида ёзилган топишмоқ улар орасида энг қадимийси ҳисобланади.

...

Британиялик заргар Пол Качински дунёдаги энг қиммат ва ғаройиб тухум «ижрочи»си. У олти минг соат астойдил меҳнат қилиб антиқа олтин тухум ясади. Тухумнинг атрофи 20 минг дона қимматбаҳо тошлар билан безатилиб, ичига бир неча жуда кичик китобчалар жойлаштирилган.

Тўра СУЛАЙМОН
Ўзбекистон халқ шоири

# ҚАЙТА КЕЛМАС БЎЛИБ КЕЛДИНГМИ, БАҲОР?

Ер самовотда Наврўз нафаси,
Боғу бўстонларда андалиб саси,
Бу нафас, бу саснинг йўқ муқояси,
Қайта кетмас бўлиб келдингми, баҳор?

Дастлаб тонг чоғида кўргандим сени,
Сўнг Тангри тоғида кўргандим сени,
Қизлар ёноғида кўргандим сени,
Қайта кетмас бўлиб келдингми, баҳор?

Малак ҳолатида кўргандим сени,
Қушлар қанотида кўргандим сени,
Куйчи баётида кўргандим сени.
Қайта кетмас бўлиб келдингми, баҳор?

Ҳали айтилмаган таърифинг қанча,
Сен то ўру қирни айланмагунча
Боғлар гулга кирмас, очилмас ғунча.
Қайта кетмас бўлиб келдингми, баҳор?

Қошлари ўсмалим, кўзи сурмалим,
Этак-этак гулли, бари бурмалим,
Сени дунёда ҳеч кимга бермалим!
Қайта кетмас бўлиб келдингми, баҳор?

Сен қайта яралиш, ёшлик тимсоли,
Ҳаёт бахш этувчи Масеҳ мисоли.
Сенсиз одамзоднинг не кечар ҳоли?
Қайта кетмас бўлиб келдингми, баҳор?

Тўрт фаслнинг танҳо маликаси сен,
Тугал гўзалликнинг ниҳояси сен,
Ошиқ-маъшуқларнинг таманноси сен!
Қайта кетмас бўлиб келдингми, баҳор?

Ер бирла осмоннинг тиллақоши сен,
Айтар қўшиғимнинг аввал-боши сен,
Олтин бешиғимнинг сафардоши сен!
Қайта кетмас бўлиб келдингми, баҳор?

## ФАХРИЯ

Шарқ сўрайми оловранг —
Ўзбекистон тонги бу.
Қурант саси жаранглар —
қутлуғ Тошкент бонги бу.
Ўз пойтахти, Ўз туғи,
Ўз туғроси мангу бу,
Тунлари тонгдан тиниқ
Ўзбекистоним менинг.

Чиройда тонг юлдузи
билан ёнма-ён ўлка,
Ҳар тамал тошининг ўзи
бир достон ўлка,
Кечмиши, кечирмиши
дунёга аён ўлка,
Жон фидо қилса арзир
Жаннат маконим менинг.

Боболаримиз ҳоки-поки
шу тупроқ-тошда,
Орзу, умид, руҳлари
акс этади қуёшда,
Насибамиз, наслимиз
билинар бир қарашда,
Бир ушалиб-ушалмай
келган армоним менинг.

Сен муқаддас бешигим,
онам, она тилимсан,
Ўз айтар қўшиғимсан,
эртам, эзгулигимсан.
Мен сенингсиз яшолмам,
кўкдай мангулигимсан,
Боладай кўзга яқин
Сир, Зарафшоним менинг.

Тупроғи олтинга тенг
бу элда нон ўртада,
Елкадошлари билан
катта хирмон ўртада,
Тўй-томоша, жамият,
орзу, армон ўртада,
Қаторда ўз ўрни бор
алп паҳлавоним менинг.

Дарёлар сувга сероб —
тоғларинг қорли бўлсин,
Эрта кунинг яна ҳам
боғли, баҳорли бўлсин,
Умринг безавол, боқий,
ишинг барорли бўлсин,
Яшариб, яшнаётган
Ўзбекистоним менинг.

## САРВИНОЗ

Даричадан дала-даштга
Кўз тикадир Сарвиноз.
Бир ўзи бир уйга сиғмай
Энтикадир Сарвиноз.

Кашта тикар каштасида
Офтоб, ойнинг акси бор.
Ҳар бирида муҳаббатнинг
Сирли ифодаси бор.

Сўнг чанқовуз чала бошлар
Узоқларга кўз тикиб.
От дупури эшитилса,
Уйга кирар энтикиб.

Кўринмайди яқин кунда
Келарман, деб кетгани,
Бир боқиши учун Ер, Кўк,
Жисму жонин тиккани.

Чалинади қулоғига
Узоқлардан най саси
Унингча, бу саснинг бордек
Эди оҳанрабоси.

От шарпаси чалинади,
Чалинади қулоққа.
Тоғ томондан бир суворий
Тушиб келар булоққа.

Оқшом тушиб тоғу тошга
Тун пардасин тортадир.
Ошиқ-маъшуқ паймонлари
Сиру синоатдадир.

Боғ сиртинда чўпон йигит,
Боғ ичинда қизгина.
Бир-бирига талпинади
Шарпа-шамолсизгина.

Қиз қизариб лов-лов ёнар,
Йигит уқувсизгина.
Лекин бир куй яраланди
Савту садосизгина.

## JADVALLI KROSSVORD

**MUAMMONOMA**

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1 | 6 | 9 | - | | |
| 4 | 1 | 2 | 5 | 7 | 1 | , |
| 8 | 1 | 9 | 5 | 3 | 5 | - |
| 3 | 5 | 9 | . | | | |

| | Osiyodagi davlat. Qush. | Alanga. Xotira. Non turi. | Mexanik "odam". Ahborot vositasi. "Shohnoma" qahramoni | Sam o'yotmarkasi. Yirtqich. Nota. | Tropik o'simlik. Erotchovi. Qobiliyat. | Rang ilmetali. O'zor. | Shom guli. | Fizik asbob. Rost. | Bolg'ariyadagi shahar. | ... sol. Takuvanjpmi. Qovurmataom. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Markazi Urganch. Deraza. | | | | 1 | | | | | | |
| Sudraluvchi jonivor. | | | | | | | | | | |
| Payt. Rossiyadagi viloyat. | | | | | | | | | | |
| Shov-shuv, xabar. | | | | 2 | | | | | | |
| O'q qismi. | | | | | | | | 3 | | |
| Yunon harfi. | | | | | | | | | | |
| Poyafzal qismi. | | | | | | | 4 | | | 5 |
| Sayroqi qush. Mehnat. | | | | | | | | | | |
| Shotland olimi. | | | | | | | | | | |
| Vaqto'tchovi... miy (shoir). | | | | | | | | | | |
| Mahsulot tulushi. | | | | | | | | | | |
| Qudratli. "Farhod ... Shirin". | 6 | | | | | | | | | |
| Pardoz ashyosi. Italiyadagi vulqon. | | | | | | | | | | |
| Ish jonivori. | | | | | | | | | | |
| ... Hakim. | | | | | | | | | | |
| Suv yo'li. | | | | | | | | | | |
| Ziyo, yog'du. | | | | 7 | | | | | | |
| Parranda. Bolalar uchqichi. | | | | | | | | | | 8 |
| Ko'kam maskan. | | | | | | | | | | |
| Shifobahsh meva. | | | | | | | | | | |

| MUAMMONOMA | Tog ‘qo‘yi. Polizekini. Suv yo‘li. | Ayolism i. Uzunlik o ‘lchovi. Bog‘dovchi. | Bilim manbai. Nashr turi. | Hassa. Huzur. Kinoyaviy modda. | Tabobatashyosi. Aziz ne’mat. Suzish usuli. | Millat. Shamol. Hajviya qahramoni. | Muqovasoz. Geometrik shakl. | Qasam. Ikkinson. | Jabr. Shipat sohibi. | Mexanizmaskani. Dilniyaqin. KinoreJissyor. | Go‘shtbo‘g‘i. Raqam. Nota. | Nam oz etakchisi. Pul birligi. | Azizdiyor. Harbiy qism. | Sun’iy to‘la. Im sohibasi. Rangdor matо. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| → 1 2 3 4 5 - | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 2 3 4 5 6 4 3 | | | | | | | | | | | | | | |
| 2 3 4 5 . | | | | | | | | | | | | | | |
| Harbiy. So‘z turkumi. Daraxt. | | | | | | | | | | | | | | |
| Rahbarlik havozimi. Shohmotdonasi. | | | | | | | | | | | | | | |
| Osiyodagidavlat. Tanqidli shoir. | | | | | | | 1 | | | | | | | |
| Ishning tamomi. Ozod, erkin. | | | | | | | | | | | | | | |
| Hunarmandchilik maskani. Pazanda anjomi. | | 4 | | | | | | | | | | | | |
| Daromad. Sobiq futbolchi. | | | | | | | | | | | | | | |
| Ohang. Jonivor. | | | | | 3 | | | | | | | | | |
| Bino. Ottusi. | | | | | | | | | | | | | | |
| Millat. Musiqa asbobi. Giyoh. Fursat. | | | | | | | | | | | | | | |
| Qurilma. Chorva ozuqasi. | | | | | | | | | | | | | | |
| Ipdiyyo‘l. Ho‘lmeva. | | | | | | | | | | 2 | | | | |
| Ertan olinadigan foyda. Gapdon qush. | | | | | | | | | | | | | | |
| Ekinzor. | | | | | | | | | | | | | | |
| Hurlik. Uzoq davr. | | 5 | | | | | | | | | | | | |
| Gumbazlihovuz. | | | | | | | | | | | | | | |
| Hasharot. Nur... (Tuman). | | | | | | | | | | | | | | |
| “Kari... ”. (F.Shillerasari) ... Bemniy. | | | | | | | | | | | | | | |
| Vazn o ‘lchovi. Yog‘ingarchilik. | | | | | | | | | | | | | | |
| Jonivortutish. | | | | | | 6 | | | | | | | | |
| Fursat. Sharm. Sun’iy to‘la. | | | | | | | | | | | | | | |

Абдураззоқ ОБРЎЙ

# ЭРКИНЛИК ДАРСИ

## Ҳажвия

— Дада уч юз сўм беринг, — деди бешинчи синфда ўқийдиган ўғлим Шоҳрух.

— Уч юз сўмни нима қиласан? — дедим мен чўнтагимни ковлаб.

— Сўраб нима қиласиз, бераверсангиз-чи, керакдирда, — деди хотиним.

— Билишим керакми, йўқми?

— Фаррошга, ўқитувчимиз айтди, — деди ўғлим.

Учта юзталик бердим.

— Дада, менга беш юз сўм беринг, — деди иккинчи ўғлим Бунёд.

— Сенга нимага керак?

— Синф раҳбари қўнғироқ қилувди, синф жамғармасига пул йиғаётган эмиш, — дея гапга аралашди хотин.

— Синф жамғармасига кейин берасиз, ҳозир байрамга йиғаяпмиз, — деди ўғлим.

Яхлит беш юз сўмлик бердим.

— Дада, — деди энди ўнинчи синфда ўқийдиган катта ўғлим Фаррух — менга минг сўм беринг.

— Хўш, сенга нимага керак пул?

Бу гал хотиним аралашмади.

— Бугун эркинлик дарсимиз бор.

Сабаби бор экан-ку, дея минг сўм бердим. Болалар жўнаб кетишди.

— Ростини айтсам, хотин, — дедим мен бошимни қашлаб, — кейинги пайтда болаларимиз қанақа фанларни ўқиётганлиги билан ҳам қизиқмай қўйибман. Сен билмайсанми, эркинлик дарси қанақалигини?

Хотиним кулиб юборди.

— Шу кетишда бўлса, иш-иш деб менинг ҳам борлигимни унутиб қўясиз, шекилли.

— Гапни айлантрмасанг-чи.

— Ҳозир болалар ўқитувчиси келмай қолса, ўша соатдаги дарсни "Эркинлик дарси" дейишади. Ўша пайтда футбол ўйнашади, ё кинога боришади. Фаррух боя менга айтувди, бугун охирги соатлари «Эркинлик дарси" экан. ўқитувчиларининг ишлари чиқиб қолган эмиш...



Ўтлагани кенг дала, Қурбинг етса қир қала!



**Жаҳонгир Мирзо**
суратлари

Насиядан мен ҳам бемор, Нақди бўлса ғайсан бол!

Кимга ҳунардан унар, Ғиллар унганни тунар...

Муқовамизда:3-бетда. Олим Хўжаев номли мусиқали драма театри хонандаси Шуҳрат Абдуллаев.

4-бетда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Асадулла Холиқов.

Xp 46825

**Indeks:** yakka obunachilar uchun — 820
tashkilotlar uchun — 806
**Bahosi:** kelishilgan narxda